

# O'ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

ISSN 2181-502X

**№5, 2025**

Agrar-iqtisodiy, ilmiy-ommabop jurnal

**9-MAY  
XOTIRA VA  
QADRASH  
KUNI**



# ИШЧИ-ХОДИМЛАРГА ЭЪТИБОР МЕҲНАТ ЮТУҚЛАРИ ОМИЛИДИР

Бир пайтлар Марказий Осиёда ягона ҳисобланган ирригация ва совхозлар қурилиши бошқармаси (“Главстерилизсовхозстрой”) нинг буйруғи билан 1977 йилнинг 9 ноябрь куни “Мирзачўлқурилиш” бошқармаси қошида “Жиззах насос станцияларидан фойдаланиш бошқармаси” ташкил топади. Тузилманинг номи кейинчалик – мустақиллик йилларида - «Мирзачўл» бирлашмаси (1992 й.), вилоятлараро «Мирзачўл» насос станцияларидан фойдаланиш бошқармаси (2013 й.) деб ўзгартирилди. 2018 йилдан бошлаб эса, “Жиззах бosh насос станцияси бошқармаси”(ЖБНС), деб юритиб келинмоқда.

Демак, орадан ярим асрга яқин вақт ўтди. Жиззах чўлини ўзлаштиришда ўзига хос ўрни ва ҳиссаси бўлган, бугунги кунда ўз таркибида 7 та улкан насос станциясини бирлаштирган, 351 нафар ишчи-ходимни иш билан таъминлаган ушбу йирик ташкилот ўзининг шонли анъаналарини давом эттириб, шижаот билан мамлакатимиз сув хўжалиги тизимида ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариб келмоқда.

Бугунги кунда ЖБНС ёки бошқача айтганда Жиззах насос станциялари каскадидаги насос станциялари ва умумий узунлиги 70,2 км бўлган ДМ-1 ва ДМ-3 машина каналлари ёрдамида Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг 8 та туманидаги салкам 92 минг гектар экин майдонларини обиҳаёт билан таъминланади.

Жамоамиз 2025 йил вегитация мавсумига пухта тайёргаршик кўрди. Кузги-қишки ва эрта баҳорги даврларда насос станцияларнинг юкори босимли қувурларини соз ҳолатда сақлаш учун 14 дона ҳаво суриш клапанлари, 2 дона компенсатор, 60 дона босимли қувур атрофидаги темир-бетон плиталари таъмирдан чиқарилди. 8 та электродвигател, 4 та трансформатор, 14 та насос агрегати қайта соз ҳолга келтирилди. Машина каналларининг 8 та сув олиш иншооти ва қирғоқ дамбаси мустаҳкамланди.



Халқимизнинг “бўш қоп тик турмайди”, деган нақли бор. Бошқармамиз ва унинг таркибидаги бўлимларда меҳнат қилиб келаётган ишчи-ходимларнинг унумли ва самарали ишлаши учун куляй шарт-шароит яратиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Улар мунтазам равишда рағбатлантирилиб борилмоқда.

Бўлимларимизда ташкил этилган ёрдамчи хўжаликлар бу борадаги ишларнинг янада салмоқли бўлишини таъминламоқда. 4 сотих майдондаги иссиқхонада 250 туп лимон барқ уриб ўсяпти. Жами 10 бошга яқин йирик ва майда шохли моллар, 90 та қўён, 30 бошдан ортиқ товук, ўрдак ва ғоз, 20 кутида асалари парваришланмоқда. Иншоотларимиз атрофларидаги бўш ерларнинг 5 гектарида ошқовоқ, 4,5 гектарида полиз, 2 гектарида сабзавот экилган.

Бу йил яна бир мақтанишга арзирли ишни амалга оширидик. Бошқармамиз автохўжалигининг бўш турган биносида ишга туширилган паррандачилик фермасида 10 мингта бройлер жўжа парваришланмоқда. Шу ернинг ўзида пеноопластик буюмлар чиқиндисини қайта ишлаб, ўта муҳим саноат хом ашёси – гранулалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган цех ташкил этилди.

**“** Бу борадаги ишларни йўлга қўйиш орқали 16 та янги иш ўрни яратилди, иш ҳақи кам бўлган 6 нафар ходим эса, ойи-га 3 миллион сўмдан қўшимча даромад топиш имкониятига эга бўлди. **”**

**Низом ЎРОЛОВ,**  
Жиззах бosh насос станциялари  
бошқармаси бошлиғи.



# ЮЗ ЁШЛИ ИЛМИЙ ДАРГОХ

**Ў**збекистонда 4.3 млн. гектардан ортиқ суғориладиган майдонлар мавжуд бўлиб, уларни сув билан таъминлаш мураккаб тизим орқали амалга оширилади. Бу жаҳоёнда сув илми ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан мамлакатимизда “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти” Миллий тадқиқот университети 90 йилдан бўён соҳага малакали кадрлар тайёрлаш билан машғул бўлса, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти мана 100 йилдирки сувга оид тадқиқотлар билан шуғуланиб келмоқда. Натижада Ўзбекистон сув хўжалиги жадал равнақ, топиб, дехқон аҳлини сув билан кафолатли тарзда таъминлаб келаётir.

Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти — ИСМИТИ 1925 йил 30 майда Ўрта Осиё Сув хўжалиги бошқармасининг 146-сон буйруғи асосида ташкил этилган. 1957 йилдан институт Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги Академияси бошқарувига бўлиб, 1960 йилда Ўзбекистон Фанлар Академияси қошибаги Сув муаммолари ва гидротехника институти билан бирлаштирилган. 1965 йилда институтга Ўрта Осиё ирригация илмий-тадқиқот институти (САНИИРИ) номи берилиб, Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфига ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 7 февралдаги қарори ва “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қайта ташкил этилган илмий муассасалар рўйхати”нинг 2-иловасига биноан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг сув муаммолари институти ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг САНИИРИ илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси негизида Тошкент ирригация ва мелиорация институти ҳузурида “Ирригация

ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти” ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20-юнодаги қарори асосан мазкур илмий даргоҳ Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфига ўтказилган.

Институт сув хўжалиги соҳасида яъни, сув омборлари ва бошқа йирик сув хўжалиги обьектлари, ўзан жараёнлари ҳамда иншоотларини бошқариш, хавфсизлигини таъминлаш, сувдан самарали фойдаланиш ва сув тежамкор технологиялар, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув хўжалигида рақамли технологияларни кенг жорий қилиш, шунингдек, бошқа сув хўжалиги масалалари ечимига қаратилган илмий-тадқиқот ишларини бажариш, меъёрий хўжжатларни ишлаб чиқиш, амалиётга жорий қилиш бўйича илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини олиб бормоқда.

Институт таркибида 15 та илмий-тадқиқот лаборатория, Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро, Наманган, Самарқанд ва Сурхондарё минтақавий марказлари мавжуд. Шунингдек, Сув

хўжалиги муҳандислик маркази ва Сув тежовчи суғориш технологиялари илмий-тадқиқот консалтинг маркази ҳам фаолият олиб бормоқда.

Бу жамоада фаолият кўрсатаетган умумий ходимлар 96 нафарни, шундан илмий ходимлар 75 нафарни ташкил этади. Илмий даражага эга бўлганлар 59 нафар, улардан фан докторлари 18 нафар, фан номзодлари ва техника фанлари бўйича фалсафа докторлари (PhD) 41 нафар бўлиб, институт илмий салоҳияти 61,4% ни ташкил этади.

Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан Республикадаги 118 та илмий ташкилотларнинг 2023 йилдаги илмий-инновацион фаолияти натижалари бўйича миллий рейтинг ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу рейтингга асосан институт 3 ўринни эгаллаган.

### МАЪЛУМОТ УЧУН АЙТИШ МУМКИН-КИ: 2022 ЙИЛ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА 8 ЎРИН, 2021 ЙИЛДА ЭСА 9 ЎРИНЛАРНИ ЭГАЛЛАГАН.

Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти қошидаги Илмий кенгашда ўтган йили 8 нафар тадқиқотчи диссертация ишларини ҳимоя қилган, 6 нафар илмий ходимларга профессор ва катта илмий ходим илмий унвони берилган. Сўнгги йилларда жамоанинг илмий салоҳияти табора ўсиб бормоқда.

Хозирда институтда 94 нафар таянч докторант, 3 нафар докторант, ва 10 нафар мустақил изланувчилар илмий-тадқиқот ишлари олиб боришишада.

Сув хўжалигига илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда илм-фан ютуқларини амалиётга жорий қилиш бўйича институтда 28 ўналишдаги 7,3 млрд сўмлик илмий-тадқиқот лойиҳалари, шундан Республика давлат илмий-техник дастурлари доирасида 8 та амалий, инновация ва фундаментал, 30 та илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Ҳорижий тажрибаларни ўрганиш асносида соҳага инновацион технологияларни жорий этиш борасида ҳалқаро молия институтлари ҳисобидан жами қиймати 308 минг АҚШ доллари бўлган 2 та грант лойиҳалари бажарилмоқда.

“Агробанк” АТБ томонидан сув хўжалигидаги илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида молиялаш-

тирилган 4,5 млрд сўмлик 6 та илмий-тадқиқот ишларини ҳам бажариб келмоқда.

Шу ўналишдаги бир тадқиқот хусусида тўхталашибиган бўлсак, Институт базасида, суғориш лотокларини ишлаб чиқиш учун талаб этиладиган композит материаллар таркиби ва лотоклар конструкциялари илмий ва амалий жиҳатдан такомиллаштирилди.

Жаҳон банки иштироқидаги Ўзбекистоннинг миллий инновацион тизимини модернизация қилиш (MUNIS) дастурининг “Илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишламаларига бизнес-инвестиция” (BIRD) субвойиҳаси доирасида ишлаб чиқилаётган полиэфир смоласи асосидаги лотоклар ҳаво ва сув ҳарорати ўзгаришларига ҳамда сув оқимининг динамик таъсирларига чидамли. Қиши даврида ва атмосфера ёғинлари вақтида ҳам ариқларда бетон қопламалар ўрнига ушбу лотокларни ўрнатиш мумкин.

ИНСТИТУТНИНГ ҲАЛҚАРО ҲАМКОРЛАР БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ ҲАМ КЕНГ ҚАМРОВЛИДИР. БИРГИНА МИСОЛ, ХИТОЙ ҲАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ “ШИНЖОН-ҮЙҒУР АВТОНОМ РАЙОНИ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЎРТАСИДА ҲАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТЕХНИК ҲАМКОРЛИК” ТАШАББУСИ БЎЙИЧА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН КЕЛИШУВ ИМЗОЛАНГАН. МАЗКУР КЕЛИШУВГА АОСААН ХИТОЙ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ҲАМДА ШИНЖОН ЭКОЛОГИЯ ВА ГЕОГРАФИЯ ИНСТИТУТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА 2024-2027 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ҚИЙМАТИ ЗО МИНГ АҚШ ДОЛ. БЎЛГАН “ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИ БЎЙИЧА ТАДҚИҚОТЛАР СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ҲАЛҚАРО ГРАНТ ЛОЙИҲАСИ БОШЛАНДИ.

Бир сўз билан айтганда бир асрдан буён ўзининг самарали илмий тадқиқотлари билан Ўзбекистон фанига муносаб ҳисса кўшиб келаётган илмий жамоамиз давлатимиз томонидан яратиб берилаб чиқарилган ҳолда аграр соҳани доимий сув билан таъминлашдек шарафли ишларда ўз илмий ютуқлари билан фаол иштирок этиб келаяпти.

**Абдувоҳид ЎРАЗКЕЛДИЕВ,**

Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти директори, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди.

Supported by the SDC



Schweizerische Eidgenossenschaft  
Confédération suisse  
Confederazione Svizzera  
Confederaziun svizra

Swiss Agency for Development  
and Cooperation SDC



# Максад – сув ресурсларидан самарали ва адолатли фойдаланиш



**X**амма замонларда ривожланишнинг таг замини илмга қурилган. Шу маънода, Ўзбекистон сув хўжалиги соҳасида илмни ривожлантириш, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўйғунлигини таъминлаш, ходимлар, мутахассислар, сув истеъмолчиларининг малакасини ошириб боришга катта эътибор қаратилмоқда.

**Б**у борада Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлигининг “Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш – 3-босқич” лойиҳаси доирасида турли ўқишлилар, тренинглар, семинарлар ўюнтирилмоқда.

Жорий йилнинг 21-28 апрель кунлари Қорақалпогистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларида ушбу лойиҳа доирасида 1 кунлик форматда навбатдаги ўқув-тренинг курслари ўтказилди. Тадбир “Сув секторида ижтимоий интеграция: аҳолининг заиф тоифаларини ижтимоий ҳимоя қилишдаги давлат механизмлари” мавзусида ташкил этилди. Унда сув хўжалиги ташкилотларида фаолият олиб бораётган аёллар, аёл фермерлар, кам таъминланган аёл томорқа ер эгалари қатнашди.

Тренингда аҳолининг заиф қатламлари, хусусан, аёллар, ёлғиз қариялар, ногиронлиги бўлган шахслар каби гуруҳларнинг сувдан тенг фойдаланиш хуқуқларини таъминлаш, давлат сиёсатининг устувор йўналишларини уларга етказиш ҳамда уларнинг ижтимоий-хукуқий саводхонлигини ошириш мақсадида билим ва тушунчалар берилди.

Тренинг интерактив услубда гуруҳларда ишлаш, фикр алмашиш ва амалиётга йўналтирилган машғулотлар асосида ўтказилди.



“

— Урганч шаҳридаги тренингларимиз қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлди. Иштирокчиларга ижтимоий адолат ва гендер тенглиги тамоиллари, аҳолининг заиф қатламларини, шу жумладан, томорқа ер эгалари бўлган аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш, давлатнинг бу бораидаги роли, ижтимоий бурч ва мажбуриятлар ҳақида маълумотлар берилди. Тингловчилардан С.Атаназарова, З.Жаббарова, М.Қуранбаева, Х.Иноятовалар жуда фаол қатнашди, — дейди Қўшкўпир тумани “Сув етказиб бериш хизмати” ҲМ бош гидрометри, “Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси” трениери А.Ҳасанова.



Қоқақалпоғистон Республикаси  
Сув хўжалиги вазирлиги Ахборот  
хизматининг хабар беришича,  
Нукус шаҳрида ўтказилган тре-  
нингларда тингловчилар гурӯх-  
ларда ишлаш кўнімларини оши-  
риш бўйича “Гендер тенглиги ва  
ижтимоий интеграция асосида сув  
сиёсатига таклифлар”ини ишлаб  
чиқишиди ҳамда тақдимотини уюш-  
тиришди.

Барча худудлардаги тренин-  
глар якунида тингловчиларнинг  
ўкув курсида олган билимлари  
баҳоланди ҳамда иштирокчиларга  
сертификатлар топширилди.



Ушбу тадбир билимларни ошириш, сув ресурсларидан самарали ва адолатли фойдаланиш, аҳолининг заиф қатламларини қўллаб-куватлаш ҳамда гендер тенгликни таъминлашда навбатдаги муҳим қадам бўлди.

**Матлуба МУХАММЕДОВА.**



**Яқинда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига Қишлоқ хўжалиги вазирлиги департамент бошлиғи Соатмурод Кулмирзаев иштирокида ўтказилган брифингда "Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳақида маълумот берди.**

**Маълумки, Президентимиз томонидан Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши узлуксизлиги ва ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган муҳим ҳукуқий асос "Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.**



## СУҒУРТА ДЕҲҚОН МАДДАДКОРИГА АЙЛАНДИ

Мазкур қонун иқлум ўзгариши, ҳосилига зарар етказувчи табиий оғатлар ҳамда нобуд қилувчи омиллар кескин кўпайib кетаётган бир даврда жуда муҳим ҳукуқий асос бўлиб хизмат қиласди.

**Қонун 7 та боб, 42 та моддадан** иборат бўлиб, қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурталаш билан боғлиқ барча масалалар ва тўғридан-тўғри амал қилувчи нормалар қамраб олинган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар бир ёки бир неча таваккалчиликлар бўйича қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаларини тузадилар.

**Қишлоқ хўжалиги вазирлиги** ушбу жараёнда мувофиқлаштирувчи давлат органи ҳисобланади.

Янги қонунга асосан:

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини турли таваккалчиликлардан ҳимоя қилиш ва барқарор давромад олишини кафолатлаш учун **Қишлоқ хўжалиги суғуртаси жамғармаси** ташкил этилади.

Қишлоқ хўжалиги соҳаси таваккалчиликларини суғурталашда давлат томонидан қўллаб-кувватлаш механизмни яратилади. Хусусан:

- суғурта маблағининг **50 фоизи** давлат томонидан қоплаб берилади;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларини суғурталанган табиий оғатлар ва бошқа хатарлардан кўрадиган заарларни қоплаш учун Мазкур жамғарманинг маблағлари етарли бўлмаган тақдирда, етмаган қисми **レスpubлика бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади**.

**Янги институт** жорий этилиб, суғурта ҳодисаси юз бериш эҳтимолини ўрганиш, суғурта ҳодисаси юз берганидан кейин қишлоқ хўжалиги суғуртаси обьектини кўздан кечириш, қишлоқ хўжалигидаги йўқотишларни баҳолаш, шунингдек суғурта ҳодисалари бўйича етказилган зарар миқдорини аниқлаш **мустақил эксперталар** томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Бундай ҳолларда агрономлар ва ветеринарлар мустақил эксперталар бўлиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида таваккалчиликларни суғурталаш жараёнида иштирок этувчи субъектларнинг ҳукуқ ва мажбуриятларини белгилаб берилган.

Қишлоқ хўжалиги суғуртаси жамғармаси, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари, восита-чилар ва мустақил эксперталар қишлоқ хўжалиги суғуртасининг **субъектлари ҳисобланади**.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари маҳсулот етиштириш учун давлатнинг молиявий қўллаб-кувватлашидан фойдаланганда, етиштириладиган маҳсулотларни нобуд бўлишидан **суғурта қилдириши шартлиги** белгиланди.

**Ушбу қоннинг қабул қилиниши натижасида:**

- қишлоқ хўжалигига суғурта хизматларини тақомиллаштириш юзасидан илғор хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда ҳосилни суғурталаш тизими жорий этилади;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулот етиштирувчиларига қурай шарт-шароитларни яратишига имкон берадиган суғурта мажбуриятларини бажариш бўйича тегиши ҳукуқий муносабатлар тартибиға солинади;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг хавф-хатарлар туфайли етказилган заарларининг ўрнини қоплаш ҳамда қишлоқ хўжалиги суғуртасини амалга оширишнинг ҳукуқий асоси яратилмоқда;

- қишлоқ хўжалиги суғуртасининг давлат томонидан қўллаб-кувватлаш йўлга кўйилади;

- қишлоқ хўжалиги соҳасида таваккалчиликларни суғурталаш жараёнида иштирок этувчи субъектларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланади;

- пировардида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг иқтисодий барқарорлиги таъминланади.

# СУВ СЕРОБ деб ўйламанъ

**ТИРИКЛИГИМИЗ  
МАНБАИ БЎЛГАН  
НЕЪМАТ - СУВНИ  
ТЕЖАШ ВА УНИ ИС-  
РОФ ҚИЛМАСЛИК  
ГЛОБАЛ МИҚЁСДАГИ  
ДОЛЗАРБ МАСАЛА-  
ДИР.**



Фарғона вилоятида яқинда ўтказилган “Давлат-хусусий шерикчилик орқали Ўзбекистонда “Яшил кун тартиби”ни ривожлантириш” грант лойиҳаси асосида ташкил этилган семинар-тренинг мавзуси ҳам айни шу масалага қаратилди.

Европа Иттифоқи, Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон жамоат бирлашмаси ҳамкорлигига ташкил этилган тадбирда қишлоқ хўжалиги фаоллари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари, ирригация тизими билимдонлари, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари, экология фаоллари иштирок этди.



Семинар кун тартибидан ўрин олган масалалар аввало, яшил энергетика тизимини тараққий эттириш борасидаги чора-тадбирларнинг аҳамиятидан бошланди. Трансчегаравий сув манбааларига доир ҳалқаро конвенциялар, қишлоқ хўжалигига сув тежовчи технологиялар, сув ресурсларини бошқаришдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари мавзусидаги фикр-мулоҳазалар йиғилганларни бефарқ қолдирмади. Семинарда сўз олган эксперт-мутахассислар сув билан боғлиқ глобал масала-

ларнинг аҳоли турмуш тарзи, мамлакатларнинг иқтисодий жараёнларига таъсирини ҳаётӣ мисоллар билан баён қилдилар. Бу борадаги масалаларни тезкор ҳал этишда қандай чораларни ҳаётга татбиқ этиш зарурлиги ҳақида атрофлича сўз юритилди. Таклиф-мулоҳазалар тингланди.

**Икки кун давом этган семинар-тренингда яна бир экологик муаммога эътибор қаратилди. Ҳалқаро ҳамжамият эътиборидаги Орол фожеаси ва унинг оқибатлари ҳақида фикрлар тингланди. Жумладан, яқин келажакда Марказий Осиё мамлакатлари тўқнаш келиши мумкин бўлган курғоқчиликка қарши фаол кураш олиб бориш минтақалараро масала эканлиги алоҳида қайд этилди.**



Бу борада қўшни давлатлар билан ҳамжиҳамликда иш олиб бориш, керакли мутахассислар сафини кенгайтириш, ирригация тармоқприда замонавий технологияларни янада кенг жорий этиш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш, Фарғона водийсидаги сув ва суғориш иншоотларида ҳам мазкур йўналишдаги ислоҳотларни жадаллаштириш таъкидлаб ўтилди.



“

**— СЕМИНАРДА СУВНИ ТЕЖАШДА ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ТАҲЛИЛИГА ҲАМ АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ. ҚОЛАВЕРСА, БУ ЕРДА СОҲА ВАКИЛЛАРИДАН ТАШҚАРИ БИР ҚАНЧА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАМ ЖАЛБ ЭТИЛГАН. — ДЕЙДИ “СУВЧИ” ЖАМОАТ БИРЛАШМАСИ РАИСИ ТОҲИР МАЖИДОВ. — БУ МАСАЛАДА АҲОЛИНИНГ ХАБАРДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА ФАОЛЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШ СЕМИНАРИМИЗНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДЛАРИДАН БИРИДИР.**

Семинарнинг амалий қисмida иштирокчилар Исфайрам–Шоҳимардан ирригация тизими бошқармасига қарашли Водил сув тақсимлаш иншоотида бўлдилар. Бу ерда ҳам ҳосилдорликни оширишда сувдан оқилона фойдаланиш, сувни тежашнинг маҳаллий шароитта мос замонавий усуллари, ариқ ва дарёларнинг жойлашув хариталари кузатилди ва таҳпил этилди.

**Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ахборот хизмати.**

Хужжат

## АГЕНТЛИКНИНГ ВАЗИФАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Хукумат қарори билан Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги хузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг вазифалари белгиланди.

Хужжат билан Агросаноатни ривожлантириш агентлиги тўғрисидаги низом тасдиқланди.

### ҚҮЙИДАГИЛАР АГЕНТЛИКНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ҚҮЙИДАГИЛАРДАН ИБОРАТ:

- интенсив (маҳсулдор) мевачилик, узумчилик, иссиқхона ҳўжаликларининг барқарор ривожланишини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган мақсадли комплекс дастурларни амалга ошириш;
- замонавий ресурс тежовчи технологияларни, шу жумладан томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориши тизимларини қўллаган ҳолда интенсив (маҳсулдор) боғлар ва иссиқхона ҳўжаликлари майдонларини кенгайтириш чораларини кўриш;
- соҳада илм-фан ютуқлари, илғор илмий ишланмалардан фойдаланиш;
- қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни саноатлаштириш чораларини кўриш;
- боғ қатор ораларига қишлоқ ҳўжалиги экинларини экиш ва улардан самарали фойдаланишини ташкил этиш;
- соҳада “даладан дастурхонгача” тамойили асосида қўшилган қиймат занжирини жорий этиш;
- мева, узум ва бошқа навларнинг миллий брендларини яратиш чораларини кўриш.

Қарор билан Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасининг кредит ресурслари ҳисобидан республикадаги янги боғларни тижорат банклари орқали молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низом ҳам тасдиқланди. Низомда янги боғ ва токзорлар барпо этиш, мева ва узум маҳсулотларини замонавий усуlda саралаш, қадоқлаш ва қайта ишлашни ташкил этиш лойиҳалари учун кредитлар ажратиш назарда тутилган.



Маълумот учун, Агентлик президентнинг 2024 йил 30 сентябрдаги қарори билан ташкил этилган эди.



Суратда: Қўйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Насос станциялари бошқармаси бошлиғи Жасур Назаров.

Маълумки, Президент Шавкат Мирзиёев раислигига 2024 йилнинг 7 ноябрь куни қишлоқ хўжалигида сув ва энергия манбаларидан оқилона фойдаланиш ҳамда йўқотишларни камайтириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилиб, унда 2025 йил — сув хўжалигида “насослар самарадорлигини ошириш йили” бўлиши белгиланган эди. Шунингдек, видеоселектор йиғилишида, сув ва энергия манбаларидан оқилона фойдаланиш ҳамда йўқотишларни камайтириш чора-тадбирлари юзасидан галдаги вазифалар белгилаб берилганди. Бу ўз навбатида, ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан бирга, электр энергияни тежаш чораларини ҳам ўз ичига олади.

Қўйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси тасарруфида бугунги кунда 37 та насос станциялари ва 170 та насос агрегати бор. Уларнинг 31 таси сугориш насос станцияси, 5 таси мелиоратив насос станцияси ва 1 таси яйлов сув таъминотига хизмат кўрсатувчи насос станциядир. Мавжуд агрегатларни лойиҳавий сув чиқариш қобилияти 155,135 м<sup>3</sup>/сек.ни ташкил этади, умумий қуввати эса 92 893 кВт. дан иборат. Бошқарма томонидан бугунги кунда энергия тежамкор қурилмалар сотиб олиш орқали электр энергияни иқтисод қилиш бўйича давлат дастури асосида 5 та насос, 7 та электродвигател, 2 та қуёш панели, 2 та

## АСОСИЙ МАҚСАД: ТЕЖАМКОРЛИК

Агарар соҳадаги бугунги энг долзарб вазифа, сув ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш, сув тежовчи технологияларни жорий қилиш саналади. Сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2030 йилгача мўлжалланган концепцияси аҳолини ва иқтисодиётнинг барча тармоқларини сув билан барқарор таъминлаш, сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда муҳим омил бўлмоқда.

частота ўзгартиравчи қурилма, 2 та конденсатор қурилмаси, 2 та қуёш сув иситиш қурилмаси, 148 дона светадиод лампалар ҳамда 700 метр кабель сотиб олиб, ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда.

“

— Асосий мақсад электр энергияни иқтисод қилиш бўлгани холда, қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланиш борасида Навбаҳор туманида жойлашган Конимех-1 насос станциясига 65 кВт, Конимех-2 насос станциясига 15 кВт, Қизилтепа туманида жойлашган Навоий насос станциясига 25 кВт ҳамда бошқарма биносида 85 кВт ли қуёш панелларини ўрнатиб, ишга туширдик. Шу билан бирга бошқарма ҳисобидаги 15 та ероғи тик қудуқларга электр энергияни тежаш мақсадида замонавий конденсатор қурилмалари ўрнатиб, бу орқали йилига 250 минг кВт энергия иқтисод қилишни режалаштироқдамиз, — дейди Қўйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси бошлиғи Жасур Назаров.

”



“

— Авваллари ҳудудимиздаги қишлоқ хўжалик экин майдонларига борувчи канал ва ариқларнинг катта қисми бетонлаштирилмаган эди. Шунинг хисобига улардан оқиб ўтувчи сувнинг ерга сизиб кетиши натижасида сарфи юқори бўларди, — дейди Навбаҳор туман сув етказиб бериш муассасаси директори Улуғбек Назаров. — Шундан келиб чиқиб, сув сарфини тежашда энг муҳим тадбир – мавжуд канал ва ички ариқларнинг етарли бетонлаштириш бўлиб, бу ишлар амалга оширилиши на-тижасида 35 фоиз сув йўқотилишининг олдини олишга эришиш мумкин экан. Шунингдек, бу тадбирлар орқали деҳқон даласига сув етиб бориши вақти тежалиди, қолаверса, сувчи-миробларнинг меҳнати енгиллашади. Бу борада 2024-2025 йилларда туманимиздаги 222 км масофадаги ариқлар бетонлаштирилди. Шу билан бирга, сув тежовчи технологиялардан – томчилатиб сугориш ва ёмғирлатиб сугориш тизимларини ҳам кенг жорий этишни мақсад қилганимиз.

”

Таъкидлаш жоизки, сувдан фойдаланиш коэффициентини янада ошириш учун ирригация тармоқларидағи йўқотиладиган сув миқдорини камайтириш керак бўлади. Бунинг учун сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация-мелиорация объектларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклаш зарур. Авваллари ҳудудлардаги сугориш тармоқларининг фақат 23 фоизи бетон қопламали эди. Хусусан, каналларнинг фойдали иш коэффициенти пастлиги сабаб ички тармоқлarda сув кўп йўқотиларди.

Албатта, ҳудудларда бу каби амалга оширилаётган ишлар пировардида биз учун муҳим ресурс хисобланган оби-ҳаёт сарфи тежалиб, таъминот борасида ҳам янги кўрсаткичларга эришилади, натижада қишлоқ хўжалигига маҳсулот етишириш кўлами ошади.

Шуҳрат НОРМУРОДОВ,  
ўз мухбиримиз.

# ЁМГИР ВА КОР СУВЛАРИ

## бебаҳо ҳазина



Ҳозир ҳам дунёning кўпгина ҳудудларида сувсизликдан азоб чекаётган мамлакатлар бор. Айрим давлатларда бир кунда сув сарфи бир кишига 5-6 литрни ташкил қилса, айрим Европа мамлакатларида 200-250 литрга тўғри келмоқда.

Марказий Осиё давлатлари учун сув доимо муҳим бўлиб келган. Чунки азалдан бизни ўлкамизда курсоқчилик, сув танқислиги деган тушунчалар мавжуд. Сув танқислиги буғун ер шарининг барча бурчакларида юз бораётганини боис бу муаммо умумбашарий тус олиб бормоқда. Эндиликда биз ҳар бир томчи сувдан унумли ва тежамли фойдаланишимиз лозим.

Сувни тежаш ва сақлаш учун дунё аҳолиси турли хил йўллар билан ундан фойдаланиш усусларини ахтаради ва бунга муваффақ бўлмоқда. Бугунги кунда курсоқчил мамлакатларнинг аҳолиси осмондан тушган ҳар бир томчи ёмғир-қор сувларини тежаб, кам бўлса ҳам шу сувдан ўз истеъмоли учун фойдаланмоқда.

Масалан, Африка қитъасининг айрим курсоқчил давлатларида йиллик ёғин микдори 100-120 мм бўлишига қарамай, улар ўз томларининг устига катта резурвуарлар қўйишади ва ана шу тушган сувни тўплаб ўз эҳтиёжлари учун сарфлайдилар.

**Г**лобал исиш туфайли Помир ва Тяньшан тоғларидаги қалин музликлар қоплами ning юпқалашиб бориши натижасида Марказий Осиёни сув билан таъминлаб турган Амударё ва Сирдарё сув ҳавзаларининг 2050 йилга бориб 10-20 фойизгача камайиши кутилмоқда. Бу ҳолат ўз-ўзидан сув тақчиллигини келтириб чиқаради. У вақтга бориб дунё аҳолиси сони 12 миллиардга етиши ёки ундан ҳам ошиши башорат қилингапти. Демак, биздек сувни азалдан кам бўлган ҳудудларда буғундан бошлаб бу ҳақда йўлашимиз лозим.



### Хўш, улар сувни қандай тўплашади?

Улар сувларнинг оқиб боришига қараб, ер ости сув резурвуарларини тайёрлайдилар, Яъни чуқур қазишиб, четларини бетонлашади. Темир-бетон деворлар ёки катта пластмасса идишларларни жойлаштириб сувларни буғланиб кетмаслиги учун устини ёпиладиган ҳовузларда ёғин сувларини тўплайдилар. Муҳими, сувнинг тўғридан тўғри маҳсус идишга тушиши учун идишнинг юзаси ер юзасидан юқори бўлмаслиги керак. Мана шу усулда жуда катта микдордаги сув заҳираси ҳосил қилинади. Чунки ушбу сувлар тўпланмаса, бесамар оқиб, Қизил дengизга тушиб кетади. Тўпланган сувларга маҳсус фильтрлайдиган восита қуйилган бўлса аҳоли уй-рўзгор эҳтиёжларига ишлатади, акс ҳолда томорқа ва дараҳтларни сугоришга сарфлайдилар.

**Мана шу тажрибаларни кўриб ўйлаб қоласан киши. Ахир бизда ёғин сувлар ҳажми иилига 320- 350 мм. ни ташкил қиласди. Нега бизда бу сувларга эътибор берилмайди? Ёғин сувлари беҳудага оқиб ерга сингиб кетади ёки сойдаги сувларга бориб қўшилиши мумкин.**

**Мисол учун, Қўшрабод, Нуробод, Деҳқонобод Чироқчи, Кўкдала каби кўплаб туманларда маълум бир қисм аҳолининг уйлари қир-адирларда жойлашган, айрим инсонлар тоғ олди худудларида яшади. У ерларда ёғин миқдори 340-370 мм. ни ташкил қиласди. Мана шу тоифа аҳоли вакиллари сув етишмаслигидан қўйналишади ва сувни қаерлардан дир сотиб олишга мажбур бўладилар.**

Демак, сув тақчиллиги бутун дунёда кечётган вақтда биз ҳам ёғин сувларини бир-икки маҳаллада ёки 15-20 хўжаликда бошлишимиз керак. Бунда, аввало, уй томларининг устидан тарнов орқали оқиб тушаётган ёмғир сувларини пастда катта 200 литрлик ёки 500 литрлик пластмасса идишларни қўйиб тўплаш керак бўлади. Иккинчидан, қирлардан ёки теварақ ён атрофда оқиб кетадиган сувларнинг ўзанини бирлаштириб сал пастроқда чуқурлар кавлаб уларни бетонлаб, устини ёладиган қилинса, мана шу сувлар ўз чорва молларини, томорқасидаги экинлар ва дарахтларни суғориша бемалол етади.

Саудия Арабистонида сувларни иссиқ ҳаво ҳароратида буғланиб кетмаслиги учун устига ёғли спиртлар (гексадецил ва октадецил спиртлари ўзи ёки араплашмаси) қўйилади ва шунда ҳарорат қанча юқори бўлишига қарамасдан сув мутлақо буғланмайди.

Бугунги кунда Ўзбекистон сув хўжалиги вазирлиги ходимлари Марказий Осиё давлатлари ичida сувдан фойдаланиш технологиясида энг замонавий усууллардан фойдаланиб, иш олиб бормоқда. Бу борада катта ижобий ютуқларга эришмоқда.

Аммо, энди ёғин сувларидан фойдаланиш масаласи кун тартибига қўйилиб бекорга оқиб кетаётган шу сувлардан фойдалансак, жуда катта амалий ва иқтисодий иш бўларди. Агарда

10-20та хўжаликда ёғин сувларини тўплашга, ҳовузларни кавлашга ҳамда сувни сақлашга идишлар масаласида давлат томонидан ёрдам берилса, бу усул ижобий натижага берганидан сўнг, кейинчалик аҳоли бир-биридан ўрганиб, чорва молларини, кичкинагина томорқасида пиёз, сабзи, помидор ва бодрингни суғора бошлайди. Натижада мазкур усул ўз-ўзида оммалашиб кетади.

Ҳеч кимга сир эмаски, ҳозирги кунда республикада камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва тегишли ташкилотлар томонидан оиласларга текинга турли мевали даражат кўчатлари ва турли экинларнинг уруғлари берилмоқда. Агар қир-адирлардан ўзларига уй кўриб олган аҳоли қиш ва баҳор фаслида катта миқдордаги сувларни тўплаб олишса, шу сувлар билан томорқасига экин экиб, улардан маҳсулот олиши мумкин.



Бу фаолият оила бюджетига даромад келтиради. Айниқса, оиласидаги фарзандларда меҳнатга қўнишка ҳосил қиласди. Уларда яратувчаник туйғулари ўсади.

Тоғ олди, қир-адирлардаги қишлоқларда яшаган ҳар бир инсоннинг уйида сигир-бузоги, қўй-эчкиси ва отлари бўлиши тайин. Уларни ям суғориш муаммоси ҳам шу тўпланган сув хисобидан ечилади.

Одамлар уйларининг олдига тўрт туп ток кўчати экиб, ишком қилиб кўтариб қўйиши мумкин. Бунинг учун, аввало, аҳоли шу усул самарасини англаши, уларда зироатчиликка иштиёқ уйғониши лозим.

Хуллас, бу ишларнинг бажариш одамларнинг ўзига ва ҳоҳишига боғлиқ.

**Дилором ЁРМАТОВА,**  
профессор.

# Хорижий ғўза навларини парваришлашда нималарга аҳамият бериш лозим?

Қишлоқ хўжалиги республикамиз иқтисодиётининг асосий йўналишларидан бири бўлиб, уни янада ривожлантириш бўйича ислоҳотлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. Биргина пахтачилик соҳасини оладиган бўлсак, янгича илмий ёндашувлар асосида ҳосилдорликни ошириш, тармоқа илм-фан ва инновацияларни, уруғлик, нав танлаш, ўғитлаш ва сугоришда илғор агротехнологияларини жорий этиш каби қатор тадбирлар пахта хомашёси етиширувчиларининг даромадини оширишга қаратилгандир.



Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “пахтачилиқда илм-фан ва инновацияларни, янгиликларни кенг жорий этиш”, “ҳар қарич ерни, ҳар томчи сувни юқори ҳосилга айлантириш йўлидан боришимиз шартлиги”ни давр тақозо этмоқда. Бу борада Президентимизнинг “Пахтачилиқда уруғчилик тизимини ривожлантириш ҳамда ҳосилдорлигини оширишнинг кўшимча чоратадабирлари тўғрисида” 2023 йил 15 декабрдаги қарорига асосана 2024 йилда мамлакатимизга Туркия, Хитой, Тоҷикистон, Ҳиндистон каби давлатлардан юқори ҳосилдор, касаллик ва зараркунандаларга бардошли, тола сифати юқори ғўза навлари уруғлари олиб келиниб, жами 94 минг гектар майдонга ҳимояланган тартибда экилиб, парваришланди ва улардан юқори ҳосил олишга эришилди.

Бу ишларни изчил давом эттириш мақсада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 2 январдаги 43-сон

қарорида ҳар бир вилоятидаги ғўза ҳосилдорлиги паст майдонларда хорижий ғўза навларини жойлаштириш, илғор агротехнологияларни қўллаш, касаллик ва зараркунандаларга қарши уйғунлашган кураш чораларини ишлаб чиқиш ҳамда томчилатиб сугоришда микро-макро элементларни кенг миқёсда қўллаш бўйича вазифалар белгилаб берилган эди.

Жорий йилда юртимизнинг бир-биридан кескин фарқ қилувчи учта — Шимолий, Марказий ва Жанубий минтақаларидағи умумий майдонларнинг 20 фоизига 2024 йил ҳосилидан жамгарилган хорижий ва 20 фоизига маҳаллий ғўза навларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Пахтачилик кенгаши олимлари ҳамда хорижлик олимлар томонидан ҳосилдорликка асосланган агротехнология асосида экиш тавсия этилганди. Бу жараёнда кўчат сони гектарига 220-240 минг дона, 76x10 схемада кўшқатор ҳамда плёнка остига томчилатиб сугориш усулини кўллаган ҳолда ҳолда экилади. Тавсия этилган замонавий агротехнология натижасида 60-70 ц/га ҳосилдорликка ҳамда ягана, чопик, культивация, чеканка амалларини бажармаслик эвазига маблағ тежаб қолишига эришилди.

Хорижий давлатлардан олиб келинаётган ғўза навларини генетик жиҳатдан ўзgartириш жараёнида ўсимлик ирсий аппаратига ҳашарот ва зараркунандалар учун зарарли бўлган оқсилларни синтезловчи ҳамда глифосат гербицидига чидамли генлар киритилган. Бунда генетик жиҳатдан ўзgartирилган ғўза навлари авлодлари – кўсак қуртига чидамлиликни бе-

радиган генларнинг ғўза навларига киритилган сонини куйидагича белгилайди:

- **биринчи авлод: ягона ген қўсак куртига чидамлиликни беради;**
- **иккинчи авлод: қўшалоқ генлар тутган қўсак курти ва тамаки барг куртига яхшироқ чидамлилик хусусияти бор гербицидга чидамли генни навлар;**
- **учинчи авлод: турли ҳашаротларга чидамлиликни таъминлайдиган учта ген киритилган навлар;**
- **тўртинчи авлод: зараркунандалар, касалликлар ва ташки муҳитининг стресс омилларига (курғоқчиликка, шўрга) чидамлиликни таъминлайдиган генлар киритилган навлар. Бундай нав-лар химер генларидан ташқари бошқа чидамли генларга эзадир.**

Генетик ўзгартирилган ғўза навлари экилган дала ичиди ёки ёнида анъанавий маҳаллий навлар (генетик жиҳатдан ўзгартирилмаган) экилган майдон (умумий майдоннинг 20 фоизи) бўлиши шарт.

2025 йил ҳосили учун қўсак қурти ва гербицидга чидамли генетик жиҳатдан ўзгартирилган хорижий ҳамда юқори самарали интенсив агротехнологиялар асосида парвариш қилинадиган маҳаллий ғўза навларини жойлаштириш параметрларига асосан:

- қўсак қурти ҳамда гербицидларга чидамли хорижий ғўза навлари интенсив агротехнология, яъни 76x10 см қўшқатор схемада гектарига 220-240 минг туп кўчат қалинлигига плёнка остида томчилатиб суфориш усулини қўллаган ҳолда парваришланади;

- плёнка танланганда 0.010 микрондан (юпқа) ўлчамдаги плёнкалардан фойдаланиш тавсия этилмайди. Юпқа плёнкалар иссиқлик ва қуёш нури таъсирида экин майдонларида плёнка йиртилиб кетиши оқибатида йигиб ололмайдиган даражага келади;

- юқори самарали интенсив агротехнология асосида 76x10 см қўшқатор схемада гектарига 220-240 минг туп кўчат қалинлигига плёнка остида томчилатиб суфориш усулини қўллаган ҳолда, маҳаллий ғўза навлари парваришланади;

- илмий асосланган нав жойлаштириш режаси асосида худудларнинг тупроқ-иқлим шароити,

шўрланиш даражаси, сув таъминоти, сизот сувлар сатхи, касаллик “ўчоклари” омилларини ҳисобга олган ҳолда маҳаллий ғўза навларининг тиндирилган уруғлик чигитлари билан алмаштириб экиш тавсия этилади.

Генетик жиҳатдан ўзгартирилган ғўза навларини жойлаштиришда қуйидаги тавсияларга амал қилиш зарур:

- генетик жиҳатдан ўзгартирилган ғўза навлари экилган майдонлар ҳажми худудлар ёки фермер хўжаликлари кесимида фарқ қиласа ҳам ҳар бир туманда ғўза экиладиган майдонлар 2025 йилда белгиланган ғўза навларини жойлаштириш параметрлари доирасидан ошмаслиги зарур;

- генетик жиҳатдан ўзгартирилган ғўза навлари маҳаллий ғўза навлари экилган майдонлардан камида 800 метр радиусда (узоқлиқда) жойлаштирилади;

- қўсак куртига чидамлиликни ошириш мақсадида генетик жиҳатдан ўзгартирилган ғўза навлари қуйидаги схема асосида жойлаштирилади, бунда:

- битта нав экилган майдонларда ушбу нав ўрнига бошқа нав жойлаштирилади;

- генетик жиҳатдан ўзгартирилган ғўза навларини икки йил кетма-кет бир контурда экмаслик талаб этилади.



Чигитни плёнка остида парваришландаша ерни сифатли текислашга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ер сифатли текисланса, плёнка текис тўшалади, четлари тупроқ билан бир меъёра ёпилади, кўчат тўлиқ ундириб олинади. Сифатли тайёрланган ерда ғўза жадал ўсиб, ривожланади, сифатли ва юқори ҳосил олиш кафолатланади.

## **ЖОРИЙ ЭТИЛАЁТГАН ИНТЕНСИВ АГРОТЕХНОЛОГИЯНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ:**

- бегона ўтларга қарши қўл чопиғи 2 мартаға қисқаради;
- яғаналаш тадбирлари ўтказилмайди;
- қатор орасига ишлов бериш тадбирлари (культивация) 7 мартаға қисқаради;
- суфориш учун сув сарфи 50 фоизгача қисқаради;
- чилпиш тадбири ўтказилмайди;
- етиштирилган ҳосилни 1 октябргача йиғиб олиш имконияти пайдо бўлади;
- гектаридан камида 60 центнер ҳосил олиниб, юқори иқтисодий самарадорликка эришилади.

Хорижий ғўза нав ва дурагайларини парваришилашда чигит экишдан олдин ёки экиш жараёнида даланинг бегона ўтлар билан ифлосланиш даражасига қараб Стомп 33% к.э. гербициди 2,0-4,0 л/га меъёрда кўлланилса, чопикни 2 мартаға, ишчи кучи сарфини 35-40% гача қисқариш мумкин.

Минерал ўғитлар (гранула) томчилатиб суфориш шланглари орқали фертигация (сувда эритиши) усулида ҳамда NPK (суюқ ҳолатда) ғўзани биринчи озиқлантириш 3-4 чинбарг, иккинчи озиқлантириш шоналаш ва гуллаш бошланиши даврида кўлланилади. Июль ойининг биринчи ўн кунлигига қадар йиллик ўғитлаш меъёрини якунлаш лозим.

Ғўза вегетацияси давомида, яъни 2-4 ва 5-6 чинбарг, шоналаш, гуллаш даврида 4-5 марта биостимулятор ва сувда эрувчан микроэлементлари мавжуд суюқ ўғитларни (таркибида сувда эрувчан бор, молибден, рух, мис, темир, марганец, кобольт) кўллаш орқали озиқлантириш тавсия қилинади.

Вегетация даври мобайнида ўсимлик ҳосил шохлари бўғин оралигини 3 см дан оширмай 4-5-чинбарг даврида – 5-6 г., гуллаш даврида – 15,0-22,5 г., кўсаклаш ҳосил қилиш даврида

– 45,0 г., кўсаклар очилишида – 100-120 г. дан Энто жеан, Сожеан, Еврожан ва бошқа ўсишни бошқарувчи препаратларни сепиш ғўзанинг мақбул ўсиши ва ривожланишини таъминлайди.

**Ғўза ривожланишида тупроқ-иқлим шароитлари муҳим аҳамиятга эга. Ҳавонинг мақбул ҳароратдан юқори ёки паст бўлиши, нисбий намлиги ўзгариши, ёғин миқдорининг кам ёки кўп бўлиши ўсимлик ўсиши ва ривожланишига таъсир кўрсатади. Масалан, 2024 йил февраль, март, апрель ва май ойларида ҳаво ҳарорати кўп йилликка нисбатан 2,0-7,0 °C гача паст бўлиб, ёғингарчилик миқдори 6,5-55,5 мм гача юқори бўлиши кузатилиб, бу фойдали ҳарорат йиғиндиси 167,2 °C гача камайишига сабаб бўлди. Натижада маҳаллий ғўза ниҳоллари ривожи 10-15 кунгача кечикиб, илдиз чириш, гоммоз сингари касалликлар авжланиши ҳамда сўрувчи ҳашаротлар кенг тарқалиши қайд этилди. Хорижий давлатлардан олиб келинган нав ва дурагайларда эса бундай ҳолатлар деярли кузатилмади ва юқори ҳосил олиш учун замин яратилди.**

Хулоса қилиб айтганда, юқори ҳосилдорликка асосланган агротехнологияга тўлиқ риоя қилинса, пахта майдонларида бегона ўтларга қарши чопиқ ўтказилмайди, махсус сеялкалар орқали экиш ҳисобига аниқ кўчат олинади, суфориш ҳамда озиқлантириш тадбирлари томчилатиб суфориш усулида бажарилиши ҳисобига кўл меҳнатини 80-85%, трактор юришини 90%гача камайтиришга, етиштирилган ҳосилни пахта териш машиналарида йиғишириб олишга эришилади. Пировардида пахта етиштирувчилар кам харажат қилиб, юқори ҳосил ва даромад оладилар. Зоро, дехқончиликдан асл мақсад-муддао ҳам айнан шудир.

**Шуҳрат ОТАЖОНОВ,**  
Қишлоқ хўжалигига билим ва инновациялар  
миллий маркази директори,  
и.ф.д., профессор,  
**И.КАРАБАЕВ,**  
бўлим бошлиғи, қ.х.ф.д., профессор.

# МАЙ – ҲОСИЛ ТАҚДИРИ ҲАЛ БҮЛАДИГАН ОЙ

## ғаллачиликда бажарылғандағы әдебиеттік агротехник тағдирлар

Республикамизда 2025 йил ҳосили үчүн 996 минг гектардан зиёд майдонда бошоқлы дон екінлари экилгандың бўлиб, бугунги кунда Республика изда кечайтган мураккаб объаво шароитида Президентимиз томонидан яратиб берилган имкониятлардан кенг фойдаланиб, озиқовқат саноатида аҳолини кундалик эҳтиёжларида энг зарур бўлган ун ва ун маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш қишлоқ хўжалигининг ғаллачилик соҳасидаги муҳим вазифалардан бириди.

Бу йил март ойининг охирги ўн кунлигидага ва апрель ойининг биринчи ўн кунлик бошида об-ҳавонинг серёғин келиши ҳамда март ойи охирда ҳавонинг кескин салқин ва ёғингарчиликнинг кўп бўлиши ғалла этишириш ва унинг парваришига, ўта маъсулитли ёндошиши тақозо этмоқда.

Ғаллачиликда май ойи ғалла ҳосилининг тақдирли ҳал бўладиган ой ҳисобланади. Чунки бу даврда ғалла озуқа элементларига ҳамда сувга бўлган талаби юқори бўлиши, ғаллани касаллик ва зарарли ҳашаротлардан ҳимоя қилиш ва уларга қарши кураш агротехник тадбирлари олиб борилади. Шунинг учун ғалла парваришилашда кўлланилаётган агротехник тадбирлар мутахассислар билан келишилган ҳолда уларнинг тавсияларига асосан қатъий график асосида амалга оширилиши зарур.

Баҳор салқин ва серёғин келган йилларда ғалланинг ўсиш-ривожланиши бир мунча узоқ



давом этиши ҳамда кўк массаси ортиши, барг пластинкаларининг кенг ва қалин бўлиши кузиталиб, бу даврда ғалла майдонларини суғришда сувга бўлган талабидан келиб чиқкан ҳолда суғориш ишларини ташкил этиш лозим. Кўк массаси юқори бўлган майдонларда суғориш ишлари узоқ давом этса ёки сифатсиз кўллатиб суғорилса бўй бериб ўсиши, дон шакилантирувчи поялар кучсиз мўрт бўлиб қолиши натижасида бошоқ тортиб сут, мум пишиш даврида шамол ёки ёғингарчилик даврида ерга ётиб қолади.

Ғалла майдонларида амалга ошириладиган муҳим агротехник тадбирлардан ғаллани йиллик азотли ўғитлар билан З-озиклантиришни якунлаш. Ўсимлик ҳолатига қараб З-озиклантиришда физик ҳолда 200-250 кг/га аммиакли селитра билан озиқлантириш ҳамда ўсимликни баргидан карбамид минерал ўғити билан 10-12 кг/га суспензия билан кўшимча ишлов бериш тавсия этилади.

Баҳор ойида ҳавонинг серёғин келиши ва ҳароратнинг паст келган даврларда ғалла майдонларида суғориш ишларига эътиборли бўлиш талаб этилади. Ғалланинг мумпишиш давригача май ойида даладаги намликни етарли сақлаб туриш минтақа шароитидан келиб чиқкан ҳолда 2-3 марта енгил 500-600 м<sup>3</sup> ҳисобида намма-нам

суғориш лозим. Фалла ниҳоллари май ойида асосан кўк массаси бошоқда бўлиб, ғалланинг мум пишиш даврида пояга нисбатан бошоқнинг массаси ортиқ бўлади. Ортиқча суғорилган ва сифатсиз кўллатиб суғрилган майдонларда фалла ниҳоллари тез ва кучсиз (ингичка) поя бўлиб ўсади ҳамда ётиб қолишга мойлилиги юқори бўлади. Табиийки, ётиб қолган майдонларда ҳосилдорлик 40-45 фоизгача йўқолиши кўп йилик тажрибаларда аниқланган.

Май ойида бошоқлаган фалла майдонларида, гуллаш, сут-мум пишиш даври кузатилади. Бунда кузги бошоқли дон экинларининг ривожланиш фазаларида қўйдаги агротехник тадбирлар ғалланинг эрта, ўрта ва кеч пишар навларига, экилган муддатлари ҳамда ривожланиш фазаларига қараб ишлов бериш графиги ва муддатлари аниқ белгиланиши зарур.

Авало эътиборни кечикиб экилиб, фалла ривожи тикланаётган майдонлардаги фаллага қаратмоқ керак.

### **БУНИНГ УЧУН БУ МАЙДОНЛАРДА ҚЎЙИДАГИ АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛИШИ ЛОЗИМ.**

**1. КЕЧ ЭКИЛГАН РИВОЖИ ТИКЛАНАЁТГАН ФАЛЛА МАЙДОНЛАРГА МАЙ ОЙИННИГ БИРИНЧИ ЎН КУНЛИГИДА ҚЎШИМЧА 100-150 КГ/ГА. ФИЗИКҲОЛДА АЗОТЛИ ЎҒИТ БЕРИШ ВА ГЕКТАРИГА 5-10 ТОННАДАН МАҲАЛЛИЙ ЎҒИТ БИЛАН ШАРБАТ УСУЛИДА СУҒОРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ КЕРАК;**

**2. ОБ-ҲАВО ШАРОТИГА ҚАРАБ, ФАЛЛАЗОРЛАРДА НАМЛИКНИ ЧЕКЛАНГАН ДАЛА НАМ СИФИМИГА НИСБАТАН (ЧДНС) 70-75 ФОИЗДА БўЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ ЛОЗИМ;**

**3. БОШОҚЛАГАН ФАЛЛА МАЙДОНЛАРИДА ЎСИМЛИКЛАРНИ БАРГДАН ОЗИҚЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА ГЕКТАРИГА 10-12 КГ/ДАН КАРБАМИД ЭРИТМАСИНИ СУСПЕЗИЯСИНИ ҲАМДА БИОЎҒИТЛАР СЕПИШ МАҚСАДГА МУВОФИҚДИР.**

Фаллани бошоқлаш, гуллаш, дон шаклланиши ва дон тўлишини ҳисобга олган ҳолда азотли ўғитлар билан физик ҳолда 100 кг дан озиқлантириш муҳим аҳамиятга эга. Эртапишар навлар экилган майдонларда ўрта ва кечипишар навларга нисбатан 7-10 кун эртароқ озиқлантириш ҳамда пешма-пеш шарбат усулида суғоришни ташкил қилиш керак.



Об-ҳавонинг ўзгариши, ёғингарчиликнинг кўпайиши натижасида фалла майдонларида буғдой майсалари остида намликни юқори бўлиши ва ҳаво хароратининг узоқ муддатда, яъни март-апрель оидан бўён 25-27°C бўлиши фалла майдонларида замбуруғли касалликларни ривожланиши учун энг қулай шароит яратилади. Бут фалла ривожи учун ўта жиддий ҳолат ҳисобланиб, касаллик оқибатида ҳосил 25-40 фоизга камайиб кетиши мумкин. Шунинг учун замбуруғли касалликлар тарқалишининг олдини олиш ва касаллик тарқалган майдонларда қарши кураш чораларини олиб бориша белгилangan самарали кимёвий препаратлар билан ишлов бериш зарур.

Фалла касалликларига ишлов беришда албатта штангали пуркагичлар билан ишлов беришиб унинг имконияти бўлмагандан ОВХ мосламалари сепиш қурилмаларини ўткир бурчакда пасайтириб фалла баргларини тагигача тўлиқ ювилишини таъминлаш лозим. Чунки, ишлатилаётган фунгицид препарати (контакт) ўсимлик баргидаги ёки танасидаги касаллик спораларига тегиб, уларни ювандагина унинг споралари ҳалок бўлади.

**ҒАЛЛА КАСАЛЛИКЛАРИДАН АСОСАН САРИҚ ВА ҚҮНФИР ЗАНГ, СПЕТАРИОЗ, ҮН ШУДРИНГ ҲАМДА БОШҚА ЗАМБУРУҒЛИ КАСАЛЛИКЛАРГА ҚАРШИ РЕСПУБЛИКАМИЗДА РУХСАТ ЭТИЛГАН ФУНГИЦИДЛАР ҚҰЛЛАНИШИ КЕРАК. РУХСАТ ЭТИЛГАН ҚҰЙИДАГИ ФУНГИЦИДЛАР ИШЛАТИЛСА МАҚСАДГА МУВОФИҚ БҮЛДІ: AGRO-TITIL DUO К.Е.К. 0,2 л/га, ДУАЗОЛ К.Э.К. 0,2 л/га, TITUL MIKS 40% К.Е.К. 0,2-0,25 л/га, ТОП-КРОП 40% К.Э.К. 0,25-0,3 л/га, ДИКАНАЗОЛ 40% К.Э. 0,2 л/га, NOVIKS 25% ЕМ.К. 0,3 л/га, КАБИ ПЕРЕПАРАТЛАРДИР.**

Ғалла ҳосилига жиддий зарар келтирувчи зарапкунанда ва ҳашаротлар бу йил қишининг совук ва қуруқ келиши ҳамда февраль ойининг учинчи үн кунлигига ҳавонинг кескин исиши натижасыда ҳар үйлігінеге нисбатан 7-10 кун эрта ва тез тарқалғанлығы күзатылды. Айниқса май ойда ғалланынг асосий ривожланиш бошоқлаш вада сут пишиш даврида зарапли хасва, поя арракашы, ғалла шипиқ курты (пиявица), шира, трипс шу каби ҳашаротлар жиддий зарар келтириб ғалланынг 25-30 фоизгача ҳосилини йүқтөшіші ҳамда дон технологик сифатини бузишга олиб келади.

**ЗАРАРКУНАНДА ВА ҲАШАРОТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШДА УЛАРНИНГ КҮПАЙИШ ҲОЛАТИГА ҚАРАБ ИШЛОВ ҮТКАЗИЛИШИ ЛОЗИМ. ҒАЛЛАЗОРЛАРДАГИ ЗАРАРКУНАНДА ҲАШАРОТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШДА ҚҰЙИДАГИ КИМЁВИЙ ВОСИТАЛАР – ИМИТРИН 20 % ЭМ.К. 0,1 л/га, FIPROMID ULTRA 50% S.D.G. 0,1 л/га, AKITO 10% ЕМ.К. 0,1 л/га, XIMFOKS 40% ЕМ.К. 0,2 л/га, КИНФОС ЭМ.К 0,25 л/га, КАБИ ПРЕПАРАТЛАР БИЛАН 300 ЛИТР ИШЧИ ЭРИТМА ТАЙЁРЛАБ ИШЛАШ ЯХШИ САМАРА БЕРАДИ.**

Ушбу ишларни ғаллани пайхон қилмаслик учун үйғунлашган ҳолда фунгицид ва инсектицидларни құшиб ишлатиш мақсада мувофиқдир.

Бунда касаллик ва зарапкунанда ҳашаротларнинг тарқалиш үчоқларига барча турдаги штангали, ОВХ пуркагичлар, құл аппаратлари билан үз муддатида ишлов беріш талаб этилади.



Кимёвий ишлов беріш жараёнінда тут ипак құрти озуқаси бўлган тутзорлардан масофа сақлаган (50-60 метр узоклиқда) ҳолда әхтиёт чораларини олиб бориш тавсия этилади.

Юқоридаги тадбирларни ташкил этишда албатта ушбу ишга маъсул бўлган Коракалпогистон Республикаси ва вилоятлардаги Үсимликлар карантини ва ҳимояси мутахассисларини жалб этиш лозим.

Республикада уруғлик учун экилған ғалла майдонларида навларнинг навдорлигини аниқлаш мақсадида уруғлик далаларни апробацияга тайёрлаш, бунда уруғлик учун экилған ғалла майдонларида соҳа мутахассислари ва селекционер олимлар билан биргалиқда ғаллани бошоқлаш ҳамда сут, мум пишиш даврида иккى марта навга хос бўлмаган бегона нав, тур хилларидан ҳамда бегона ўтлардан тозалаш ишларини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Етиширилган дон ҳосилини үз вақтида сифатли амалга ошириш ва дон нобудгарчилигини олдини олишни таъминлашда бугунги кунда ўрим-йигим техникаларини таъмирлаш, мавсумга тайёрлаш ҳамда күриқдан ўтказишни амалга ошириш ҳам бу ойнинг энг мұхим тадбирлардан биридир.

Ғаллачилықда май ойда амалга оширилиши зарур бўлган юқоридаги агротехникаси ва ўрим-йигим техникаларининг таъмирлаш ишларини сифатли ва белгиланган муддатларда бажарылиши ғалладан мўл ва сифатли ҳосил олишга пухта замин яратади.

**Равшанбек СИДДИҚОВ,**  
Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот  
институти директори, қ.х.ф.д.

# ЗАМОНАВИЙ РЕСУРСТЕЖАМКОР ТЕХНИКАЛАР ИМКОНИЯТЛАРИДАН

## ТҮЛАҚОНЛИ ФОЙДАЛАНА ОЛЯПМИЗМИ?

**М**амлакатимизда қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш мақсадида жуда катта ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида техника таъминотини ошириш, мавжуд техника паркини янгилаш мақсадида, қишлоқ хўжалиги техника ва агрегатлари хариди учун қатор имтиёзлар берилди. Бунинг натижасида охирги 7 йилда қарийб 80 мингдан ортиқ қишлоқ хўжалиги техника ва агрегатлари харид қилинди ҳамда соҳада техника таъминоти 74 фоиздан 81 фоизга етказилди.

**Н**атижада республика ҳудудларида кўп функцияли, юқори унумли ресурс тежамкор техникаларнинг ҳам сони кўпайиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кенг фойдаланилмоқда. Лекин ушбу техникалар имкониятларидан амалда тўлиқ фойдалана оляпмизми деган савол туғилади.

Бу борада яқинда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан Германиянинг “CLAAS” компанияси билан ҳамкорлиқда Тошкент, Андикон ва Самарқанд вилоятларида “Қишлоқ хўжалиги замонавий техникалардан фойдаланиш самародорлигини ошириш” мавзусида семинар-тренинглар ташкил этилди.

Мазкур семинар-тренингларда кластерлар, фермер хўжаликлиари раҳбарлари ва уларнинг механизатор-операторлари, техника йўналишида таҳсил олаётган талабалар, соҳа олимлари ҳамда тегишли мутасаддилар иштирок этишди.

Семинар давомида “CLAAS” компанияси-нинг мутахассиси С.Бутов компанияда ишлаб чиқарилган ва бугунги кунда ҳудудларда кенг ишлатилаётган ғалла ўриш комбайнлари ҳамда юқори унумли ҳайдов тракторларидан энг юқори самарада фойдаланиш бўйича тақдимот ўтказди.

Семинар жуда қизиқарли ва кўплаб савол жавобларга бой ҳолатда ўтди.

Савол жавоблар шуни кўрсатдиги ушбу техникалардан фойдаланувчилар техника имкониятларидан тўлақонли фойдалана олишмаябди.



Масалан, ғалла ўриш комбайнини турли хил иш жараёнларида турлича созлаш имконияти мавжуд. Лекин кўпгина ҳолатларда комбайн ишга тушиш олдидан бир қатор кўздан кечирилганида ишчи ҳолатга нисбатан мосланмаслигини кўришимиз мумкин. Чунки оператор комбайннинг тўлиқ имкониятлари тўғрисидаги билимларга эга эмас. Комбайн харид қилинганда унда комбайнни ишлатиш бўйича йўриқнома китоби бўлади. Афсуски кўпчилик операторлар томонидан ушбу йўриқнома очиб ҳам кўрилмайди.

Ўйлашимиз мумкин, етиштирган буғдойимиз ўрилмасдан қолиб кетмаядик, комбайн яхши ишлайти ва операторимиз комбайнни яхши бошқаради, зум ўтмай ўнлаб гектар ғалламизни ўриб ташлайди.

Ҳа жуда тўғри, лекин гап катта миқдордаги буғдой ва ёқилғи мойлаш материаллари йўқотилиши ҳақида кетаяпди.

Мен 10 гектар майдонда буғдой етиштираман шуни ўриб олишда жуда ошиб борса 20 кг дизел ёнилгиси қўшимча сарфланар, ёки йўқотишлар ошиб борса бир неча қоп бўлар қушларнинг ризқида деб айтарсиз. Хулоса қилишга шошилманг!

Республикамиз худудларида ўртача 1 млн гектар майдонга кузги бошоқли дон экилиб, ҳосилдорлик ўртача 85-90 ц/га бўлганда 8,5-9,0 млн тонна бўғдой етиширилмоқда.

Агарда ҳосилнинг 1 фоиз қисми йўқотилганда 85-90 минг тонна бўғдой йўқ дегани. Яъни каттагина бир туман ғалла етиширмади десак ҳам бўлади. Меъёрга нисбатан ўртача 2 кг/га кўп ёнилғи сарфланса, 1 млн гектар ғаллани ўриб олиш учун кўшимча 2 млн кг кўп ёнилғи сарфланади.

Ҳозирда комбайнлар билан ғалла ўришда ҳосилнинг йўқотиши неча фоизни ташкил этмоқда деган саволга семинар-тренингда иштирок этаётганлар 3-4 фоиз, айримлари 5-6 фоиз ҳам деб жавоб беришди. Семинар-тренинг давомида “CLAAS” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган ғалла ўриш комбайнлари ишчи ҳолатига тўғри ростланса ўриш пайтидаги йўқотишлар 1 фоиздан ошмаслиги ва сарфланётган ёнилғидан самарали фойдаланиш учун қандай омилларга эътибор қаратиш кераклиги тўғрисида тушунчалар берилди.

Бунинг учун бор йўғи комбайнни иш шароитига қараб тўғри ростлаш талаб этилади, холос.

Мисол учун, комбайннинг ўриш жараёнида масса кўп бўлса, шnek бармоқлари баландроқ кўтарилади, сомон кам бўлганда бармоқлар пастга туширилади. Ушбу жараёнга эътибор берилмаслиги натижасида массанинг янчиш барабанига текис узатилмаслиги, шнекка ўралиши, зўрикib ишлаши ёки унумсиз ишлашига олиб келади.

Яна бир мисол: барча “CLAAS” ғалла ўриш комбайнларида мавжуд бўлган “CLAAS AUTO CONTOUR” (жатканинг қирқиши баландлигини ернинг рейлефига қараб автоматик тарзда ростлаш) функциясидан фойдаланмаслик. Одатда кўпгина операторлар ушбу функциядан фойдаланмасдан жатканинг қирқиши баландлигини кўлда ростлашади. Натижада жатка башмоқлари емирилади, тўсатдан дала рейлефи ўзгарганда оператор қирқиши баландлигини ўзгартиришга улгура олмаслиги натижасида жатка қисмларига зиён етиши, синиши ёки сомонга кўплаб миқдорда тупроқ аралашиб кетиши оқибатида тасмаларнинг узилиши, подшибниклар тўкилиши каби салбий оқибатларни келтириб чиқаради.

Баъзи ҳолатларда масса жуда куруқ ҳолатда бўлади, бу эса барабанинг олд қисмига ҳамда ичига, яъни тозалаш тизимига жуда кўп майда

сомон қипиқчалари массаси кўпайиб кетишига сабаб бўлади. Бу эса тозалаш тизимиning ортиқча юкланишига ва комбайн иш унумининг кескин пасайишига олиб келади.

Бу таъсирни камайтириш учун деканинг остидан маҳсус тўсиқлар ўрнатилган. Массанинг қуруклигига қараб тўсиқ очилади ёки ёпилади.

Яна бир муҳим бўлган омиллардан бири “CLAAS” комбайнларининг янчиш барабани универсал бўлиб, барча донли экинларни янчишга мўлжалланган. Лекин ҳар бир экин тури учун барабанинг айланни тезлиги ва барабан таглигини (дека) алоҳида ростланиши ёки шу дон учун мўлжалланган декага алмаштириш талаб этилади. Шолини йиғиштириб олиш бундан мустасно, бунинг учун маҳсус штифтли барабан ва дека талаб этилади.

Этибор қаратилиши лозим бўлган яна бир жиҳат бор. Сомондаги бўғдой бошогининг янчилиш ҳолатига қараб комбайннинг янчиш тизими ни тўғри ростлашимиз мумкин бўлади.

#### ЯНЧИШ ТИЗИМИДА АГРЕССИВ-ЛИКНИ ОШИРИШ УЧУН:

- Ҳаракат тезлиги оширилади;
- Дека оралиқ масофаси камайтирилади;
- Янчиши барабанинг айланни тезлиги оширилади.
- Янчиши тизимида агрессивликни камайтириши учун:
- Янчиши барабанинг айланни тезлиги оширилади;
- Дека оралиқ масофаси кўпайтирилади;
- Ҳаракат тезлиги камайтирилади.

Хулоса қилиб айтганда энг охирги моделдаги техника харид қилдикими? Унинг имкониятларидан тўлақонли фойдаланишимиз мақсадга мувофиқ бўлади. Механизатор ва операторлар замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларини бошқаришдан олдин уларнинг барча имкониятларини тўлиқ ўрганиб олиш зарур. Бунинг учун техникидан фойдаланиш бўйича йўриқномаларни диққат билан ўрганиш лозим.

**Аслиддин АМИНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги  
вазирлиги Қишлоқ хўжалигини механизация-  
лаш ва автоматлаштириш бўлими  
бош мутахассиси.

## ФАЛЛА ЎРИШ КОМБАЙНИДАН МАҚСАДЛИ ФОЙДА- ЛАНИШ – ҲОСИЛ СИФАТИНИ ОШИ- РИШ ВА ИСРОФГАР- ЧИЛИГИНИ КАМАЙ- ТИРИШ МАНБАИ



1-расм. “Класс” фирмасининг “Доминатор 130” русумли комбайни


**М**амлакатимизда кузги ғаллалардан бўшаган майдонларга такорий дон экинлари (маккажўхори, кунгабоқар, мosh, нўхат ва бошқалар) экиш ва улардан юқори ҳосил олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу экинлар ҳосилини неснобуд қиласдан йигиб-териб олиш ишларини бажарувчи маҳсус техникаларни етишмаслиги оқибатида хўжаликлардаги мавжуд ғалла ўриш комбайнлари билан йиғишириб олина-ётган ҳосилнинг 15–20 фойзгача қисми исроф бўлишига йўл қўйилмоқда.

Маълумки, етиширилган бошоқли донлар (буғдоӣ, арпа, шоли ва бошқалар) ҳосилини йиғишириб олишда жаҳоннинг етакчи “Кейс” ва “Класс” фирмаларида ишлаб чиқарилган замонавий ва юқори унумли комбайнларидан фойдаланилмоқда.

Ушбу комбайнлар билан такорий дон экинлари (маккажўхори, кунгабоқар, мosh, нўхат ва бошқалар) йиғишириб олишда комбайннинг янчиш жараёнинирг кўрсаттичлари донлар хусусиятларига мос ҳолда ўзgartилиши талаб этилади.

Олиб борилган амалий ишлар натижасида “Класс” фирмасининг “Доминатор 130” русумли комбайнода (1-расм) барабанли дон янчиш механизимини ўрнатилганлиги ҳамда турли дон экинларини янчишга ростлаш имконияти мавжудлиги аниқланди.

Аммо такорий экинларни янчишда донларининг ўзига хос хусусиятларини (ўлчами, шакли ва бошқалар) ҳисобга олган ҳолда комбайннинг янчиш механизимини (2-расм) параметрлари экин турига қараб тўғри ростланманлиги (жадвал) оқибатида янчилган донларнинг шикасланиши ва исрофгарчиллик даражасини ошиб кетаётганлиги бўйича аниқланган камчиликлар бартараф этилиши талаб қилинади.



2-расм. Барабан ва дека орасидаги тирқиш кенглигини ростлаш:

*K – янчиш аппарати кириш қисмидаги тирқиши; Ч – янчиш аппарати чиқиш қисмидаги тирқиши.*

Жадвал.

Дон янчиш жараёнининг асосий кўрсаткичлари

Экинлар тuri	Таъминловчи бармоқлар ҳолати	Қилтириқ ажратадиган планкалар мавжудлиги	Бош сават тури	Янчиш барабанинг айланишлар сони	Янчиш савати масофасини ўрнатиш (Н)	Хаво йўналтирувчи тунука ҳолати
	тешик пастдан	0-ечилган 1-ўрнатилган	0-буғдой 1-жўхори 2-шоли	1/дақ.	тешик тепадан	тешик пастдан
Буғдой	3	0	0	1200	3	2
Арпа	3	1	0	1400	2	2
Сули	3	0	0	1250	4	2
Шоли	3	0	2	850	6	2
Нўхат	3	0	0	650	0	2
Мош	3	0	0	650	0	2
Кунгабоқар	3	0	1	650	4	2
Маккажўхори	-	0	1	650	0	2

**ЮҚОРИДАГИ МУАММОЛИ ВАЗИЯТЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ МАҚСАДИДА ҚҮЙИДАГИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАДИ:**

- 1 ЯНЧИШ АППАРАТИДА ДОНЛИ МАССАГА ЮМШОҚ ТАЪСИР БЕРИЛИШИ, ЎСИМЛИК ПОЯЛарНИНГ КАМРОҚ МАЙДАЛАНИШИ ВА СОМОННИНГ ЯХШИ УЮМЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ҲОСИЛНИ ЎРИБ-ЙИҒИБ ОЛИШДА ЭКИННИНГ ҲОЛАТИГА ҚАРАБ ЯНЧИШ БАРАБАНИНИНГ АЙЛANIШЛАР ЧАСТОТАСИ  $650 \div 1400$  АЙЛ/МИН ОРАЛИҒИДА БўЛИШИ;**
- 2 ҲАР БИР ДОН ЭКИННИНИ ЯНЧИШДА МАХСУС ТОРТҚИ (Н) ЖАДВАЛДА КЎРСАТИЛГАН 2-3 ҲОЛАТГА ЎРНАТИЛИШИ ВА ЯНЧИШ АППАРАТИНИНГ КИРИШ ҚИСМИДАГИ ТИРҚИШ 13-15 ММ, ЧИҚИШ ҚИСМИДАГИ ЭСА 3-4 ММ КАТТАЛИККА ҚЎЙИЛИШИ;**
- 3 БЕДА ВА БОШҚА МАЙДА УРУҒЛИ ЭКИНЛАРНИ ЯНЧИШДА ЭСА КИЧИКРОҚ ТИРҚИШЛАР, МАККАЖЎХОРИ СҮТАСИ, КУНГАБОҚАР КАБИ ЙИРИК ДОНЛИ ЭКИНЛАРНИ ЯНЧИШДА БИРМУНЧА КАТТАРОҚ ТИРҚИШЛАР ТАНЛАНИШИ ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ.**

Тақдим этилаётган ўрим-йигим технологияси ва комбайннинг янчиш механизмини тўғри ростлаш бўйича тавсиялар янчилган донларнинг шикасланишини ва истрофгарчилигини камайтириш имконини яратади.

Сайдилла АЛИКУЛОВ,  
Баҳодир ХАКИМОВ,  
“ТИҚҲММИ” МТУ.

# ҲОСИЛ БАРАКАСИ

## ШУ ОЙДАГИ ТАДБИРЛАРГА БОҒЛИҚ

**Лалмикор дәҳқончилиқда кузги ва баҳорги арпа етиштиришда май ойида амалга ошириладиган муҳим агротехник тадбирлар**

Лалмикор ерларга экилган кузги ва баҳорги арпа экинни куз-қишиш ва баҳор даврида гидротехник (тупроқнинг намлиги ва ҳарорати) шароитлар бир-бираига мувофиқ келганда экилган уруғ тупроқда бехато униши натижасида бу йил арпадан мўл ҳосил етиштириш имкониятлари мавжуд.

Бунинг учун 20-йилдан 8-йили ёғингарчилик миқдори жиҳатдан қараганда нисбатан қулай келишини ҳисобга олганда мавжуд имкониятдан тӯғри фойдаланиб, кузги ва баҳорги арпа парваришига, айниқса арпа ҳосили тақдири ҳал бўлладиган май ойида ўта маъсулият билан ёндошиш зарур.

Бу даврда амалга оширилаётган агротехник тадбирлар мутахасисларнинг тавсияларига асосан қатъий график асосда олиб бориш лозим.

Республикамида қир-адирлик минтақада кузда экилган арпа майдонларида баҳорги белгиланган барча агротехник чора-тадбирларни ўз даврда сифатли амалга оширилаётганлиги натижасида арпа (октябрь) экилган ҳамда эрта пишар навларда бошоқ тўлға шакланиб, навлар гуллаш фазасида ривожланмоқда.

**Гуллаш бошқичи чангчи пишиб, ташқарига ташланганда содир бўлади. Бу даврда вегетатив органлар ва илдиз тизимининг ўсиши тўхтайди. Арпа ўзидан чангланидиган ўсимлик. Гуллаш ва чангланиш айниқса, тонгги вакъларда жадал фоллашади. Чангланиш жараёни 6-8 соат давом этади ва бошоқчаларда кечади. Мўътадил ҳаво ҳарорати бу даврда +20°C, ҳавонинг нисбий намлиги 50-70 % ва тупроқ қатламида фойдали намлик миқдори 70% намлик захиралари керак.**

Кеч кузда (ноябрь) ва “очиқ” кунларда (февраль) экилган арпа экини парваришлишада энг таъсирчан агротехника воситалардан бўлган бороналаш, қалин қатқалоқ ҳосил бўлган майдонларда ротацион мотига юргизиш йўли билан, тупроқ юмшатилган майдонларда эртапишар навларда бошоқлаш фазасида ривожланмоқда.

Бошоқлаш фазаси арпа ўсимлигига бошоқлаш бошоқ қилтигининг учдан иккى қисми барг қўлтигидан чиққандан бошлаб ҳисобга олинади. Бу давр арпа ўсимлиги генератив органларининг шаклланиши билан тугалланади. Юқори бошоқ остидаги бўғим давр охирида максимум ривожланади. Мазкур даврда ўсимлик вазнининг тез ортиши ва ўсиши бошланади. Шунинг учун бу даврда экин минерал моддалар ва намлик билан яхши таъминланган бўлиши керак. Бунда қулай шароитнинг бўлиши билан ўсиш конусининг шаклланиш даврида ҳосил бўлган бошоқлар гулларга айланади ва дон ҳосил қиласи. Айни вақтда берилган фосфор гумат (фосфор, натрий, калий, магний, темир, марганец, рух, мис, бор, молибден) препарат бошоқлаш фазасида гектарига 1л меъёр асосида ҳаво ҳарорати +5, +7°C дан юқори бўлганда амалга оширилганда бошоқ шаклланиши, бошоқлар сони ва бошоқдаги бошоқчалар сони ошишига хизмат қиласи.



Февраль ойида ва мартаңнинг биринчи ўн кунлигига экилган арпа навлари начага чиқиш фазасида ривожланмоқда. Бу даврда бошқа рўваги бўғимлари шаклланади. Бу бошоқдаги дон сонини аниқлади. Арпа началашдан бошоқлагунча озуқа элементларига энг юқори талабчанлигини ҳисобга олинса барг орқали озиқлантириш орқали маҳсулдор бошоқлар сонини ошириш илдиз системасининг чукур кетишининг ҳисобига ўсимликнинг тупроқдаги озиқабоп элементлари ўзлаштиришини оширади, фотосинтезни кучайтиради, иссиқликка ва курғоқчиликка чидамлигини оширади. Ўгитни сүспензия тариқасида началаш фазасида 7-8 кг ҳисобида пуркалади.



Поядаги охирги байроқ барг қинидан ташқарига чиқа бошлайди. Қисқа тўқималар ва бошоқнинг барча аъзолари ва бўғим ораликлари, бошоқ ўқи ва юқори бўғим жадал ривожланади.

Начага чиқиш даврида арпа озуқа элементларига энг юқори талабчанлиги ҳисобга олган

холда, сувда эрувчан минерал ўғитлар жамланмаси (NPK). Фосфор гумат биостимулятори ва корбамид арапашмаси ҳолатида начага чиқиш фазасида ва белгиланган меъёрлар асосида амалга ошира олади.

Тоғли ҳудудларда декабрь ойида совуқ ҳаво оқимининг кириб келиши ҳамда 30-40 см корёгиши, ҳароратнинг 17-18 °C даражага совуқгача пасайиши кузатилди. Бу ҳолат арпа ниҳолларига ўсиш ва ривожланишининг бироз пасайишига олиб келди. Бунинг натижасида кузда экилган арпа экинни туплаган ҳолда ривожланмоқда. Арпада тупланишнинг бошланиши одатда учинчи баргнинг бошига тўғри келади. Поя хосил бўлиши даврида асосий поянинг ўсиши вақтинча секинлашади. Тупроқда ён поя бўлиб етишадиган янги шоҳлар шакллана бошлайди. Бу шоҳлар поянинг тупроқ остидаги бўғимидан ўсиб чиқади. Ҳар бир ён поя ўз навбатида янги илдиз ва янги ён поялар чиқариши мумкин. Поянинг бўғимларида захира озиқ ва қанд моддаси тўпландади. Ўсимлик учун қулай шароит бўлганда (мўттадил ҳарорат, намлиқ) арпа кўп ва бақувват туплади.

Туплаган арпа майдонларида ўсимликнинг тупланиш жараёни, майсаларнинг ўсиш ва ривожланишини яхшилаш мақсадида гектарига 50 кг меъёрда азотли минерал ўғитлар билан озиқлантириш лозим.

**Турсунқул МАМАТҚУЛОВ, қ.х.ф.д.  
Абдуғофур ХОЛДОРОВ, қ.х.ф.ф.д.**

Лалмикор дехқончилик илмий-тадқиқот институти.

## ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

### ХОРАЗМИЛЛАР ЗАМОНАВИЙ СУҒОРИШ УСУЛЛАРИГА ЎТМОҚДА

Австрияning “Bauer” компанияси билан Хоразмда 7,5 минг гектарда ёмғирлаб сұғориш технологиясини жорий қилиш бўйича келишувга эришилди.

Бундай технология синов тариқасида республикадаги 24 та фермернинг 2,5 минг гектар майдонида жорий қилиниб, сув сарфи 40 фоизга, ўғит сарфи 35 фоизга, кўл меҳнати 90 фоизга

камайиб, ҳосилдорлик 25 фоизга ошган.

**Бунда фермерларга жами 15 миллион евролик ёмғирлатиб сұғориш техникалари тайёр ўрнатилиб, лизинг асосида сўмда йиллик 2,5 фоиз ставкада 10 йил муддатга берилади.**

Австрия техникалари учун 10 йилга кафолат берилади ва мутахассислар бепул ўқитилади.

Мутасаддиларга бу йил 1,5 минг гектарда 2 миллион евролик лойиҳани тажриба қилиб, келгуси йили буни 7,5 минг гектарда жорий қилиш топширилди.

# Тўғри уруғлик танлови КЕЙИНГИ ЙИЛ ҲОСИЛИ ГАРОВИ

**У**руғчиликни тўғри ийлга қўйишда нав ва дурагайларнинг биологиясини билиш мұхим масалалардан бири ҳисобланади. Яхши навнинг сара уруғини экиш ҳисобига ортиқча ҳаражат қилмасдан ҳосилдорликни оширишга эришиш мүмкін.

Жаҳоннинг илфор мамлакатларида донли экинлар ҳосилдорлигини 50 фоизи селекция ва уруғчилик ҳисобига тўғри келса, қолган 50 фоизи илфор агротехника ҳисобига тўғри келади.

Сифатли ва ҳосилдор сара уруғни экиш натижасида ҳосилдорликни ўртача 20% га, баъзи ҳолларда 25-30 % ва ундан ҳам ошириш мүмкін. Селекция эришган мувоффақиятни кенг амалиётга, яъни ишлаб чиқаришга жорий этиш уруғчилик орқали амалга оширилади.

Уруғчиликнинг асосий вазифаси экишга раёнлаштирилган навларнинг керакли ва сифатли уруғликлари билан хўжаликларни таъминлашдан иборат. Уруғчилик нав алмаштириш ва уруғни янгилаш каби икки мұхим тадбирдан иборат. Шундай қилиб, экинлардан юқори ва сифатли ҳосил олишда уруғчиликнинг аҳамияти катта.

Бошоқли дон экинларининг уруғлик майдонларида генетик соғлигини таъминлаш мақсадида бегона навлардан тозалаш лозим бўлади. Бундай ҳолларда навнинг генетик хусусиятлари ва морфологик белгиларини яхши тушуниш катта аҳамият касб этади. Бошоқли дон экинларининг кўпгина турлари мавжуд бўлиб улар бир-биридан ташқи кўринишлари билан фарқланади. Ҳозирда экилиб келинаётган кузги юмшоқ буғдой навлари поя, барг ва генератив органларининг тузилиши, ўлчами ва рангига кўра фарқланади. Қишлоқ хўжалиги экинлари реестрида 80 га яқин кузги буғдой навлари экишга рухсат этилган бўлиб, уларнинг аксарият қисми 4 та ярим турхилларига мансубdir. Республикасида энг кўп экиладиган



юмшоқ буғдой ярим тур хилларидан грекум, эритроспермум, ферргинеум, лютессенс кабилардир.

Юмшоқ буғдой (оддий) - *T.aestivum* L. – бу тур бошқа турларга нисбатан ўзининг барча хоссалари билан жуда пластик ҳисобланади. Юмшоқ буғдой қутиб доирасидан бошлаб жанубий ярим шаригача экилади. Турнинг 100 дан ортиқ турхиллари мавжуд.

Қаттиқ буғдой - *T.durum* Desf. Тарқалиш ареали юмшоқ буғдойга нисбатан бироз қисқароқ. Асосан баҳорги шакллари мавжуд. Кузги ва ярим кузги шакллари кам учрайди. Турнинг 56 та ҳар хил турлари мавжуд.

Давлат нав назорати дала аprobациясини ўтказиш билан амалга оширилади. Бундан мақсад барча экин майдонларини давлат стандарти талабларига тўлиқ жавоб берадиган юқори сифатли уруғлар билан етарли миқдорда таъминлашдан иборат. Аprobация ўтказиш билан бирга уруғлик майдонлардаги экинларнинг уруғлик сифати аниқланади. Шунинг учун экинларнинг навдорлиги белгиланади, экинларнинг ажратиш қийин бўлган маданий ўсимликлар ва бегона ўтлар билан ифлосланиши, касаллик ва зазаркуннадалардан заарланиш даражаси аниқланади, хўжаликларда юқори сифатли уруғ этиширишни таъминловчи барча тадбирларнинг ташкил этилиши, агротехниканинг кўлланилиши, ўтоқ қилиш (нав тозалиги бўйича), ўтказилган агротехник тадбирларнинг сифати уруғ ҳосилини ўз вақтида йиғишириб олишга тайёргарлик ва бошқалар ўрганилади.

**НЯВДОР ЭКИНЛАР АПРОБАЦИЯСИ МАХСУС ҚҰЛЛАНМАГА АСОСЛАНГАН  
ХОЛДА БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБДА ЪТКАЗИЛДАИ.  
ДАЛЯ АПРОБАЦИЯСИ ҮЗ ИЧИГА ҚУЙИДАГИ ИШЛЯРНИ ОЛАДИ:**

- 1 АПРОБАЦИЯ ЪТКАЗИШГА  
ТАЙЁРГАРЛИК КҮРИШ;**  
**2 НАМУНА ОЛИШ;**

- 3 НАМУНАНИ ТЕКШИРИШ;**  
**4 ЪТКАЗИЛГАН АПРОБАЦИЯ ҲАҚИДА  
ХУЖЖАТ ТУЗИШ ВА УНИ ТОПШИРИШ.**

**Юмшоқ ва қаттиқ буғдойнинг ярим турхиллари**

Белгилари					Ярим турлари номи	
Бошоги		Ранги				
Қылтиқли ёки қылтиқсизлиги	Туки бор ёки ийқілігі	Ранги	Қылтиғи	Дони		
<b>Юмшоқ бұғдой</b>						
Қылтиқли	Туксиз	Оқ	Оқ	Оқ	Грекум	
Қылтиқли	Туксиз	Оқ	Оқ	Қизил	Эритроспермум	
Қылтиқли	Туксиз	Қизил	Қизил	Оқ	Эритролеукон	
Қылтиқли	Туксиз	Қизил	Қизил	Қизил	Ферргинеум	
Қылтиқли	Туксиз	Күкимтир-қизғиши	Күкимтир-қизғиши	Қизил	Сезиум	
Қылтиқли	Тукли	Оқ	Оқ	Оқ	Меридионале	
Қылтиқли	Тукли	Оқ	Қора	Оқ	Псевдо-Меридионале	
Қылтиқли	Тукли	Оқ	Қизил	Қизил	Гостианум	
Қылтиқли	Тукли	Оқ	Қора	Қизил	Псевдо-Гостианум	
Қылтиқли	Тукли	Қизил	Қизил	Оқ	Турсикум	
Қылтиқли	Тукли	Қизил	Қизил	Оқ	Псевдо-Турсикум	
Қылтиқли	Тукли	Қизил	Қизил	Қизил	Барбарасса	
Қылтиқли	Тукли	Қизил	Қора	Қизил	Псевдо-Барбарасса	
Қылтиқли	Туксиз	Оқ	Қора	Қизил	Нигриастатум	
Қылтиқсиз	Туксиз	Оқ	-	Оқ	Албидум	
Қылтиқсиз	Туксиз	Оқ	-	Қизил	Лютессенс	
Қылтиқсиз	Туксиз	Қизил	-	Оқ	Алборубрум	
Қылтиқсиз	Туксиз	Қизил	-	Қизил	Милтурум	
Қылтиқсиз	Тукли	Оқ	-	Оқ	Леукоспермум	
Қылтиқсиз	Тукли	Оқ	-	Қизил	Велотинум	
Қылтиқсиз	Тукли	Қизил	-	Оқ	Делphin	
Қылтиқсиз	Тукли	Қизил	-	Қизил	Пиротрикс	
<b>Қаттиқ бұғдой</b>						
Қылтиқли	Туксиз	Оқ	Оқ	Оқ	Леукурум	
Қылтиқли	Туксиз	Қизил	Қизил	Қизил	Мурсиензе	
Қылтиқли	Туксиз	Оқ	-	Оқ	Кандиканс	
Қылтиқли	Тукли	Оқ	Оқ	Оқ	Валенсия	
Қылтиқли	Тукли	Оқ	Қора	Оқ	Меланопус	
Қылтиқли	Тукли	Қизил	Қора	Оқ	Апуликум	
Қылтиқли	Тукли	Қизил	Қизил	Қизил	Агиптиакум	
Қылтиқли	Туксиз	Оқ	Қора	Оқ	Леукомелан	

Апробация олдиндан махсус тайёргарликдан ўтган ва бу ҳақида тегишли хужжати бўлган агроном-апробаторлар томонидан ўтказилади.

### Апробация қўйидаги экинзорларда ўтказилади:

- Хўжаликларнинг, илмий – тадқиқот муассасаларининг, қишлоқ хўжалик ўқув юртлари ўқув тажриба хўжаликларнига, элита – уруғчилик ва уруғчилик хўжаликларининг уруғ олиш учун экилган барча навдор экинзорларида;
- тегишли юқори ташкилотлар томонидан ҳар йили тасдиқланадиган камёб ва истиқболли навлар экилган барча пайкалларда;
- селекция ва тажриба муассаларида, элита уруғчилик хўжаликларида кўпайтириш мақсадида экилган ўзидан чанглантирилган линиялар ва оддий дургайларнинг барча майдонларида;
- навдор уруғлар экилган умумий майдонларнинг навдор уруғлар етишиши давлам шартномасини бажариш учун етарлича бўлган қисмида.

Дон ва мойли экинларнинг навдор уруғлар экилган қолган майдонлари ҳамда маккажухори ва жухорининг дурагай уруғлари экилган барча майдонлари руҳхатга олинади.

Кузги баҳорги буғдой, арпа ҳамда сули доининг мум пишиши бошланишида, тарик рӯвагиниг тепа қисмида гул қобиқчалари аниқ рангга кирганда апробация боғлами (намуналари) олинади. Даланинг энг узун диагонали бўйлаб, бир биридан тахминан бир хил узоқлиқдаги 150 тадан кам бўлмаган нуқтадан тўғри келган ўсимликлар олинади (ўриб ёки сурориб олинади). Битта апробация боғламида камида 1500 та нормал ривожланган поя бўлиши керак. Ҳар 450 гектардан, тарикнинг 350 гектаридан битта апробация боғлами тайёрланади.

Илмий-тадқиқот муассасаларида, ўқув – тажриба, элита – уруғчилик ва уруғчилик хўжжатларида уруғлик экинларнинг ҳар бир даласидан иккала диаганали бўйлаб иккита намуна олинади.

Улар бир бирига кўшиб юбормасдан алоҳида алоҳида текширилади (таҳлил қилинади) ва олинган маълумотлар апробация актига ёзилади. Экиннинг нав соғлиги ва бошқа кўрсаткичлари иккала апробация боғлами бўйича белгиланади.

### Апробатор қўйидаги ишларни амалга оширади:

- а) даладан (боғлам) намуна олади, унинг таҳлилини ўтказиб, апробация далолатномасини тузади;
- б) апробация намуналарини махсус ажратилган жойларда таҳлил қиласди;
- в) қўлланма асосида ўрим-ийғим бошлангунга қадар апробацияни, рўйхатга олишини тугаллаб, катта апробатор томонидан тасдиқланган апробация хўжжатларини хўжаликка тақдим этади;
- г) навдор майдонларни рўйхатга олади ва уни далада экинларнинг турган ҳолатини кўриб, экилган уруғликка берган хўжжатлар асосида амалга оширади;
- д) хўжалик маъмурияти апробация ўтказиш учун апробаторга инструктаж ўтган тажрибали ходимлардан (боғлам олиш, уни таҳлил қилиш, пояларни санаб чиқишида ёрдамлашади) ёрдамчиларни ажаратади ва далада юриш учун транспорт билан таъминлади;
- э) апробаторлар барча тадбирларни ўз вактида ва сифатли қилиб ўтказилишига, хўжжатларни тўлдирилишига ва уларни тегишли ташкилотларга тақдим этилишига шахсан жавобгардирлар. Бундан ташқари, улар уруғлик майдонларни умумий майдонлардан бўлак ўриш бўйича тадбирларни амалга оширишига жавоб беради.

Нав тозалиги – умумий ҳосил берадиган поялар сонига нисбатан асосий экиннинг соғлом поялари сонининг фоизлардаги ифодаланишидир.

Экинларнинг нав тозалиги сифатлари категориялар билан таърифланади. Масалан, донли экинларда 1-категорияга 95 % нав тозаликга эга, 2-категорияга 98 %, 3-категорияга 95 % дан юқори нав тозалигига эга уруғлик пайкаллар киритилади.

Уруғчилик хўжаликларда пайкаллар навдор деб топилса ғалла, дуккали дон экинларида апробация акти, қишлоқ хўжалик ҳисоби, № 193 шакл, уруғлик пайкалларда – апробация акти, № 195 шакл, илмий тадқиқот институтларида апробация акти, № 197 шакл тўлдирилгади.

## Юмшоқ ва қаттиқ буғдойнинг экиш сифатларига қўйиладиган талаблар

Буғдой тури	Синф	Тозалиги, %	Бошқа ўсимлик уруғи аралашмаси, дона/ 1 кг уруғда		Унувчанилиги, %
			ҳаммаси	Бегона ўтлар уруғи	
Юмшоқ буғдой	1	99	10	5	95
	2	98	40	20	92
	3	97	200	70	90
Қаттиқ буғдой	1	99	10	5	90
	2	98	40	20	87
	3	97	200	70	85

### ҚУЙИДАГИ ҲОЛЛАРДА ЭКИН НАВЛАРИ УРУҒЛИК УЧУН ЯРОҚСИЗ ДЕБ ҲИСОБЛАНАДИ.

- 1 НАВ ТОЗАЛИГИ 1-КАТЕГОРИЯ УЧУН 99,8% ДАН, 2-КАТЕГОРИЯ УЧУН 98% ДАН, 3-КАТЕГОРИЯ УЧУН 95% ДАН КАМ БЎЛСА;**
- 2 АЖРАТИШ ҚИЙИН БЎЛГАН МАДАНИЙ ЎСИМЛИКЛАРНИНГ МИҚДОРИ 5% ДАН ОРТИҚ БЎЛСА;**
- 3 АЖРАТИШ ҚИЙИН БЎЛГАН БЕГОНА ЎТЛАРНИНГ МИҚДОРИ 3% ДАН ОРТИҚ БЎЛСА;**
- 4 БУҒДОЙ ВА АРПА ЭКИНЛАРИ ЧАНГ ҚОРАКУЯ БИЛАН 2 % ДАН, ЁКИ ҚАТТИҚ ҚОРАКУЯ БИЛАН 5% ДАН ОРТИҚ, СУЛИ ҚОРАКУЯНИНГ ҲАММА ХИЛЛАРИ БИЛАН 5% ДАН ОРТИҚ ЗАРАРЛАНГАН БЎЛСА;**
- 5 ЧЕТДАН ЧАНГЛАНУВЧИ ЭКИНЛАРДА ИЗОЛЯЦИЯ МАСОФАСИГА РИОЯ ҚИЛИНМАГАН ҲОЛЛАРДА КАТЕГОРИЯСИЗ ДЕЙИЛИБ, ЯРОҚСИЗЛИК АКТИ ТУЗИЛАДИ ВА № 200 ФОРМА ТЎЛДИРИЛАДИ.**

Ҳар хил экинлар уруғидан ўртача намуна олиш бўйича ишлар давлат стандарти (ГОСТ 12066-66) да кўрсатилган. Агар уруғ партиясини миқдори стандартдаги меъёрдан кўп бўлса, уруғ шартли равища назорат бирликка ажратилиди ва ҳар биридан алоҳида намуна олинади.

Буғдой ва бошқа донли экинлар уруғининг 250 центнерли ҳар бир партиясидан 1 кг намуна олинади. Уруғ қопларда сақланган ҳолларда устидаги, ўртасидаги ва тагидаги қоплардан намуна олинади. Уруғлик омборларда ерга тўкилган ҳолда сақланганда уч хил чуқурлиқдан (устки 10 см, ўртача қалинлигининг ярмисидан ва паст қисмидан) намуналар олиб, жами 15 тага етказилади. Ҳар қайси назорат бирлиқдан олинган намуна бирга кўшилади ва шу усулда асосий намуна ҳосил қилинади.

**ДОН НАМУНАСИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИГА ОРТИЛГАН БЎЛСА, БЕШ ЖОЙИДАН УЧТА ЧУҚУРЛИКДА, ЖАМИ 15 ТА НАМУНА ОЛИНАДИ. ОМБОРЛАРДА САҚЛАНАЁТГАН БЎЛСА, БУРЧАКЛАРИДАН, ЎРТАСИДАН ВА ЗАЧУҚУРЛИКДАН (ЮЗАСИДАН 10 см ЧУҚУРЛИКДА, ЎРТАСИДАН ВА ЕРДАН 10 см БАЛАНДЛИКДА) ЖАМИ 15 НАМУНА ОЛИНАДИ. НАМУНАЛАР МАХСУС ҚОП ШЧУПИ, КОНУССИМОН ШЧУП, СИЛИНДРСИМОН ШЧУП ЁРДАМИДА ОЛИНАДИ.**

Хозирги кунда уруғчилик хўжаликларида парваришлананаётган ғаллазорларни доимий мониторинг қилиб турish, касаллик ва заарар-кунандалардан асраш, бегона ўтлардан ҳамда нав аралашмаларидан тозалаш асосида апробацияга тайёрлаш кечиктириб бўлмайдиган тадбирлардан ҳисобланади. Апробация кўригидан мувофақиятли ўтган экин майдонларидан олинган ҳосил келгуси йил учун мўл ва сифатли ҳосил етиштиришга замин яратади.

**Ойбек АМАНОВ,**  
к/х.ф.д., профессор,  
**Шерзод ДИЛМУРОДОВ,**  
қ.х.ф.ф.д., катта илмий ходим,  
Жанубий дехқончилик илмий-тадқиқот институти.

# БАХОР

# БОҒБОНЛАР УЧУН

# МУҲИМ ПАЛЛА

**Боғларимизда ҳосилдорлик йильтан-йилга ошиб, мевалар сифати ҳам яхшиланиб бормоқда. Натижада ҳалқимизни сарҳил мева маҳсулотига бўлган талабини қондириш билан бирга маҳсулотни четга экспорт қилишга катта имконият яратишмоқда.**

**Жорий йилда қиши фаслиниң илиқ бўлиши, баҳорнинг эрта келиши ҳамда эрта баҳорда бўлиб турадиган қисқа муддатли совуқларнинг бўлмаганигу сабабли мамлакатимиз боғларида ҳосил юқори бўлиши куттилмоқда.**

Май ойида дараҳтлар тўлиқ гуллаб, мевалари туғилиб бўлади. Агарда ҳосил бўлган меваларни тўлиқ дараҳтларда қолдирсан, мевалар кўплигидан улар яхши ривожланмасдан, бир-бирига ҳалақит беради ҳамда майдалашиб қолади. Кейинги йилларда уруғли мевалардан олма ва нок дараҳтларида ҳамда данакли мевалилардан шафтоли дараҳтида мева туғиб бўлгач уларнинг орасини сийраклаштириш мақсадида тоқалаш ишлари олиб борилмоқда. Бунда 1 та мева бандида 4-5 та меваси бўлса, шундан 2-3 таси олиб ташланади, натижада қолган 2 та мева сифатли бўлиб етилади. Ҳосилли боғларда албатта, меваларда тоқалаш усулини қўллаш тавсия этилади.

Боғларда суғориш қатор ораларини культивация қилиш, дараҳт танаси атрофларини бегона ўтлардан тозалаб юмшатиш, ўсиб чиқсан бачки новдаларни кесиб ташлаш ишларини бажариш зарур.

Жорий йилда қиши ва эрта баҳорда ёғингарчилик жуда кам бўлди, шунинг учун мевали боғларни бир марта суғориш керак. Суғорилгандан сўнг қатор оралари 10-12 см чуқурликда юмшатилади. Боғларга эрта баҳорда 50-60 кг соғ ҳолда азотли, 65-70 кг соғ ҳолда фосфорли ҳамда 40 кг калийли ўғит солиниб, кетидан суғорилади.

Ёш боғларда дараҳт тагларини юмшатиш ва суғориш ишлари олиб борилади. Уларда ўсув давомида май ойининг охири ва июнда ўсаётган ёш нов-даларнинг ҳали ёғочланмаган уч қисми чиллиб турилади. Ушбу тадбир шоҳшаббанинг шаклланишига ҳамда дараҳтларнинг тезроқ ҳосилга киришига ёр-дам беради. Ёш дараҳтларга 1-2 йил шакл берилгандан сўнг уларни кўп буташ тавсия этилмайди, сабаби улар кучли бўйига ўсади.



## ҚУЛУПНАЙ

Қулупнай сувга талабчан ўсимлик бўлганлиги сабабли уни етиширишнинг асосий шартларидан бири бу сув билан таъминлашдир. Жорий йилда қишида ёғингарчиликни кам бўлиши натижасида тупроқда намлик етарли дараҷада бўлмади, намга бўлган талаби қондирилмади. Мева пишиш даврида қулупнайзорда жўяқ оралатиб, яъни бир ариқ қолдириб, ҳар икки теримдан сўнг суғорилади. Бунда кейинги

пишадиган мевалар сифатли бўлиб етилади. Ҳосил териб олингач келаси йил ҳосили учун қулупнайзор қатор ораси 12-15 см чуқурликда юмшатилиб, эрта баҳорда тавсия этилган минерал: азотли ва фосфорли ўғитларни солиб, кетидан суғорилади.



## ОЛТИНСИМОН ҚОРАҒАТ



## ХЎЖАҒАТ

**Олтинсимон қорағат** ўсимлиги кўп йиллик бутасимон ўсимлик бўлиб, жорий йилда куртаклари жуда эрта бўртиб, март ойининг иккинчи ярмидан қийғос гуллади. Эрта баҳорда қорағатзорга минерал ўғитлардан соғ ҳолда 120-150 кг азотли ҳамда 90-120 кг фосфорли ўғит солиниб, қатор ораси 25-30 см чуқурликда ҳайдалиб, туп атрофи юмшатиласи. Олтинсимон қорағат қийғос гуллаш даврида албатта суғориш керак, чунки у бутасимон ўсимлик бўлганлиги сабабли тупроқда намлик етарли даражада бўлиши керак.

Олтинсимон қорағат ўсимлиги ҳар йили янги новдалар ташкил қилиш хусусиятига эга. Қорағат новдаларининг куртаклари аралаш куртаклар бўлганги боис, новдалар иккинчи йилдан ҳосил бера бошлайди 3-5 йиллик новдалар тўлиқ ҳосил бериб, новдада ҳосил ортиб боради. 5 йилдан сўнг новдаларда ҳосил камайиб, меваси майдалаша бошлайди. Эрта баҳорда 5 ёшдан ошган новдалар кесиб ташланиб, улар ўрнига бир йиллик яхши ривожланган новдалардан 5-6 таси қолдирилиб, қолганлари кесиб ташланади. Бир туп қорағатда 20-25 та ҳар хил ёшдаги новдалари бўлиши керак. Бундай туплар сифатли ва мўл ҳосил беради.

Олтинсимон қорағат ўсимлиги тупроқ намлиги ва механик таркибига мувофиқ вегетация даврида 6 маротабадан - 12 маротабагача суғорилади. Намлик сақлаш хусусияти яхши бўлган тупроқларда суғориш миқдори 500-800 м<sup>3</sup>/га.


**Хўжағатзорларда** баҳорда бу ўсимлик тупларининг илдизлари ер юзига яқин жойлашганлиги сабабли, қатор оралари 10-12 см, туп атрофлари 4-5 см чуқурликда юмшатиласи. Хўжағат ярим бутасимон ўсимлик бўлиб, устки қисми новдалар икки йиллик, илдиз тизими кўп йилликдир. Хўжағат новдалари биринчи йили новда ўсиб, ривожланиб, иккинчи йили ҳосил беради. Ҳосил бериб бўлган новда кузга келиб қуриб қолади. Кузда ёки эрта баҳорда қуриб қолган новдалар кесиб ташланиб, ёқиб юбориласи. Ўрнига янги ўсиб чиқсан новдадан қолдириласи, бир йиллик новдаларнинг 150-160 см дан юқори қисми кесиб ташланади. Бунда новдадаги мева куртаклари яхши ривожланиб, мевалари йирик, сифатли бўлади.

Хўжағат бир ерда 10-12 йил ва ундан ҳам кўпроқ ўсиб ҳар йили ҳосил беради. Чириндига бой, таркиби яхши ҳамда сувни ўтказувчи кумлок ва кумоқ тупроқли ерларда яхши ўсади ва мўл ҳосил беради. Оғир тупроқли, ботқоқ, карбонати кўп ерларда экиш ярамайди.

Резавор мевалилар ҳосилдорлигини ошириш ҳамда юқори сифатли мева олиш учун навларни танлаш ва агротехникини қўллашдан ташқари, ўсимликларни касаллик ва зааркунандалардан ҳимоя қилиш тадбирларини вақтида ўтказиш катта аҳамиятга эга.

Боғбонларимиз ушбу тадбирларни ўз вақтида сифатли қилиб бажарсалар сифатли ва мўл ҳосил олишга эришадилар.

**Хилола АБДУЛЛАЕВА,**  
Академик М.Мирзаев номидаги БУваВИТИ  
“Резавор мевалар селекцияси ва  
агротехнологиялари” бўлим бошлиғи,  
қ.х.ф.д., профессор.



Миришкор дехқонларимиз меҳнати, кўп йиллик тажрибаси эвазига мамлакатимиз аҳолиси йил давомида қовун, тарвуз ва қовоқ сингари полиз экинларини мунтазам истеъмол қилиш имкониятига эга бўлмоқда. Сўзимизни исботи сифатида бугунги кунда яъни май ойида бозорларда ўтган йили пишиб етилган ва сифатли сақланган қовун ва тарвузларни топиш мумкин. Ваҳоланки, мамлакатимизнинг жунубий минтақаларида эртаки қовун ва тарвуз пишиб етилди. Буларнинг барчаси дехқонларимиз томонидан полиз маҳсулотлари етиштиришда агротехник таддирларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширилаётганидан, албатта.

## ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ

Тарвуз ва қовуннинг биринчи ҳосили учун 65 кундан 130 кунгача, қовоқча 105–140 кун, қовоқча ва патиссон учун 50–65 кун зарур.

Полиз экинлари иссиқсевар ўсимликлар бўлиб, тарвуз ва қовун юқори ҳароратни кўпроқ, йирик мевали қовоқ навлари камроқ талаб килади.

Полиз экинларининг нормал ўсиб, ривожланиши учун +25...+30°C қулай ҳарорат ҳисобланади. Йирик мевали қовоқ навлари +20...+25°C ҳароратда яхши ўсади.

Қовун, тарвуз, қовоқлар энг ёруғсевар ўсимликлардир. Булар учун кун узунлиги 9-10 соат бўлса, 30-40 минг люкс ёруғлик даражаси қулай бўлиб, 6 минг люксда ўсимлик гуллаши мумкин.

Унумдорлиги юқори, озиқ моддаларга бой тупроқларда полиз экинлари яхши ўсиб-ривожланиб ҳосил беради. Полиз экинлари алмашлаб экишда бедапоялардан бўшаган, сабзи, пиёз ва кечки карамдан кейин экилганда яхши ҳосил беради.

### ЕРНИ ТАЙЁРЛАШ

Полизчилиқда ерни экишга тайёрлаш кейинги барча технологик чора-таддирларнинг яхши наф беринини таъминловчи муҳим шартдир. Ерни ҳайдаш олдидан маъдан ва органик ўйтлар берилади. Полиз экинлари экиладиган майдонлар кузда шудгорланади. Полиз экинлари эрта муддатда экилганда ерни баҳорда қайта ҳайдашнинг ҳожати йўқ. Экинлар кечки муддатларда экилганда ерни қайта ҳайдаш зарур. Бунда дала 22 см чуқурликда ҳайдаб чиқилади.



### ЭКИШ МУДДАТЛАРИ

Полиз экинини об-ҳаво шароитига қараб очиқ майдонларга уруғи билан қуидаги муддатларда экиш тавсия қилинади: марказий вилоятларда қовун ва тарвузнинг эртаги навлари 15 апрелгача, ўртагиси 20 апрелдан 10 майгача, кечкиси 15 майдан 10 июнгача; жанубий вилоятларда эртаги навлар 10 апрелгача, ўртагиси 10–20 апрелда, кечкилари 10–20 июня экилади. Шимолий минтақалarda эртаги қовун ва тарвузни 20 апрелгача, ўртагиси 25 апрелдан 10 майгача, кечкиси 20–30 майда экиш лозим.

### УРУГЛАРНИ ЭКИШ

Полиз экинларини тупроқ ҳарорати +14...+15°C га етганда экишга киришилади. Қатор оралари 70 см ёки 90 см ва пушталари 210–350 см бўлади. Экиш схемаси қовун учун (210+70)x70/2, тарвуз учун (290+70)x70/2 см ва (270+90)x70/2 см. Уруғлар 3–6 см чуқурликка экилади.

### ПАРВАРИШЛАШ

Полиз экинларини парваришлаш ўсимликларни яганалаш, тупроқни юмшатиш, экинни

озиқлантириш, чопиқ қилиш, сүфориш, палакларни түгрилаш, бегона ўтлар ва зааркунандаларга қарши курашишни ўз ичига олади.



Яганалаш икки босқичда: биринчиси ўсиммлик чинбарг чиқарганда ва навбатдагиси 3-4 чин барг чиқарганда биринчи чопиқ вақтида ўтказилади. Нихоллар ялпи униб чиқиши билан қатор ораларини юмшатишга киришилади. Нихоллар униб чиққач, 20–25 кун ўтказилип, иккита-учта чинбарг пайдо бўлганидан кейин экин биринчи марта чопиқ қилинади, дастлабки сув берилади, озиқлантирилади. Иккинчи чопиқ биринчисидан 25–30 кундан кейин ўтказилади. Ўсув даврида қатор оралари 4–5 марта юмшатилади.

## СҮФОРИШ

Полиз экинлари, айниқса тарвуз ва мускат туридаги қовоқнинг илдизлари жуда кучли ўсиб, тупроқнинг 3 м, ҳатто 5 м чукурлиқдаги қатламиғача таралади, диаметри эса 8–10 м га боради. Шунинг учун ҳам полиз экинлари курғоқчиликка ўта чидамлилиги билан бошқалардан ажralиб туради. Чунки уларда илдиз тукчаларнинг сўриш кучи юқори бўлиб, тупроқ унча нам бўлмаса ҳам мавжуд намдан фойдаланиш қобилиятига эга. Шу сабабли полиз экинлари сув буғлантирадиган барг шапалогининг катталигига қарамай лалми ерларда бемалол ўсиб, дурустгина ҳосил бераверади.

Курғоқчиликка чидамлилиги жиҳатдан тарвуз биринчи, қовун иккинчи, қовоқ энг кейинги ўринда туради. Полиз экинлари қурғоқчиликка жуда чидамли бўлишига қарамай, уларни сүфориб парваришлаш керак. Бироқ, ҳаддан ташқари сернам тупроқ полиз экинларига салбий таъсир этади. Сернам тупроқда мевадаги қанд моддаси камаяди, пўсти қалинлашади, ҳар хил замбуруғ касалликларига, жумладан фузариоз сўлиш касалига чалинади.

Ўзбекистоннинг кўпчилик ҳудудларида полиз экинлари сүфориладиган ёрга экиласди. Бўз тупроқли ерларда ўсув даврида 8–9 марта сүфорилади. Сизот суви юза жойлашган ерларда, бўз тупроқли ерларга қараганда камроқ 4–5 марта сүфорилади. Ўсув даврида полиз экинларини сув билан бир текис таъминлаш ҳосилни ошириш гаровидир.

Майсалар кўрингандан кейин биринчи чопиқка қадар экинлар 1–2 марта сүфорилади. Биринчи чопиқ тугаллангандан кейин экин 20–25 кунгача сувдан қантарилади.

Шундан кейин полиз экинлари ҳосил тўплашга киришади ва уларнинг сувга талаби ошади. Бинобарин, бу даврда полизни ҳар 10–12 кунда сүфориб туриш керак.

Қовун-тарвуз пиша бошлиши билан сув камроқ берилади. Ҳосил етилганда сүфориш тўхтатилади, акс ҳолда қанд моддаси камайиб, узоқ сақлашга ярамай қолади.

## ОЗИҚЛАНТИРИШ

Полиз экинлари экиласди майдонларга органик ўғит лардан гектарига 30–40 тонна, соф ҳолда 150 кг азот, 150 кг фосфор ва 75 кг калий солинади. Йиллик меъёрга нисбатан органик ва калийли ўғитларнинг ҳаммаси, фосфорнинг 70–75 фоизи шудгорлашдан олдин солинади. Фосфорли ўғитнинг қолган 25–30 фоизи ва азотнинг 50 фоизи экиш олдидан берилади, азотли ўғитнинг 50 фоизи экинлар уч-тўрт барг чиқарганидан кейин эгатларга 10–12 см чукурликка солинади.

## ҲОСИЛНИ ЙИҒИШТИРИШ

Қовун ва тарвуз ҳосили пишиб етилганларини танлаб-танлаб, икки-уч марта йиғиб олинади. Кечки муддатда экилган кечки қовун ва тарвуз навлари ҳамда қовоқ бир марта йиғишириб олинади.



## ЛАЛМИ ЕРЛАРДА ҚОВУН ВА ТАРВУЗ ЕТИШТИРИШ

Ўзбекистон шароитида лалмикор ерларда тарвуз ва қовуннинг ҳосилдорлигини ерга кузқишиш ва баҳор ойларида тушган нам миқдори белгилайди. Шунинг учун бу ерда қовун агротехникасида асосий эътибор тупроқда кўп намлини тўплаш ва уни тўла сақлаб қолишига қаратилиши керак.

Лалми полизчиликада ерни тўғри танлаш жуда катта аҳамиятга эга. Бунда паст текисликлардаги эриган қор ва ёмғир сувлари тўпландиган, шунингдек, ёзда тупроқ намлиги жанубий қияликларга қараганда 1,5-2,0% юқори бўладиган шимолий ва шимоли-ғарбий қияликлардаги ерлар энг яхши ҳисобланади.

Полиз экинлари экиш учун кўп йиллик бегона ўтлардан (какра, янтоқ, тухумак) тозаланган майдонлар танланади. Бундай далалар, албатта, ғалла-дон экинларидан бўшаган далалар бўлади. Ерни экишга тайёрлар кузда 20-22 см чуқурликда шудгорлаш ва баҳорда экин экиш олдидан қайта ҳайдаш ва бир вақтда мола босишдан иборат. Лалми полизчиликада экиш муддатини тўғри белгилаш катта аҳамиятга эга. Экиш муддати об-ҳаво шароитига қараб белгиланади, намгарчилик кўп бўлган йилларда кечроқ 10-20 май орасида экиш керак бўлади.

Озиқланиш майдони ва туп сони ҳам об-ҳаво шароитига қараб белгиланади. Ёғингарчилик кўп бўлган йиллар тарвуз, қовуннинг озиқланиш майдони кичик ( $2,5 \text{ м}^2$ ) ва аксинча, қуруқ келган пайтда катта ( $5 \text{ м}^2$ ) бўлиши лозим.

Тарвуз ва қовун уруғи ивтибиг экилади. Экишда уруғлар, албатта, тупроқнинг нам қаватига 7-8 см чуқурликка кўмилиши керак. Уруғ экиш меъёри гектарига 1,5-2 кг ҳисобида сарфланади. Қовунни биринчи марта битта чинбарг чиқарган вақтда, иккинчи марта уч-тўртта чинбарг чиқарганда яга-наланади. Бунда ҳар бир уяда биттадан соғлом ўсимлик қолдирилади.

Лалмикорлиқда қовунни парвариш қилишда ёғингарчилиқдан кейин ҳосил бўладиган тупроқ қатқалогига қарши кураш муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади. Майсалар униб чиққунга қадар қатқалоқ мотига ёки тишли борона билан бузилади. Униб чиққандан кейин қатор оралари фақат юмшатилади, холос. Тарвуз ва қовун мевалар пишиб етилишига қараб бир марта ёки бир неча марта узилади.

## ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИНИ КАСАЛЛИК ВА ЗАРАРКУНАНДАЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Ўзбекистонда кўп учрайдиган энг кўп зарар келтирадиган қовун ва тарвуз касалллклири ризоктониози, фузариоз сўлиш, ун-шудринг ва бошқалар, зааркунандалардан қовун майса пашиаси, қовун пашиаси, полиз шираси, ўргимчаккана, кемириувчи кўккүрт тунлами кабилардир.

**Фузариоз сўлиш** касалллигига қарши профилактик тадбирлар - уруғларни экишдан 25-30 кун олдин 2,5% Максим-0,4 л/т, 31,2% Селес Топ-0,4-0,6 л/т препаратлардан бири билан дорилаб экиш тавсия этилади.

**Ун шудрингга** қарши касалланган ўсимликларга таъсир этувчи моддаси (*Bacillus subtilis*) Споранггин с.э.к.-2,0 кг/га (Манкоцеб+металаксил М) Ридомил голд МЦ 68%-2,5 кг/га, (Пенконазол) Энто паз экстра 10% к.э. -0,25 л/га ва бошқа фунгициларни пуркаш тавсия этилади.

**Полиз шираларга** қарши Маспилан 20% нам. кук -0,2 л/га, Конфидор 20% с.э.к. -0,3 л/га дорилардан бирортаси қўлланилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ишлов беришни ҳосил етилишидан 30 кун илгари тўхтатиш шарт.

**Қовун пашиасига** қарши биринчи ишловни ўсимликнинг гуллаш давридан бошлаб, 3-4 марта пуркалади. Препаратлардан: Карбофос 50% к.э – 2 кг/га, Фуфанон 57% к.э – 1 кг/га, Пилигрим 24,7% к.э – 0,2 кг/га, Нестор 20% н.кук – 0,3 кг/га, Энджео 24,7% сус.к.-0,3 л/га меъёрида алмашлаб пуркаш тавсия этилади. Препаратларни 300 литр сувга аралаштириб ишлов берилади.

### МАСЛАҲАТЛАР

Сув бергандан кейин полиз тупроғи 20-25 см чуқурликда нам бўлиши керак.

Агар намлик бу даражада чуқур бўлмаса, сув бериш усулингизни қайта кўриб чиқинг.

Ўсаётган пайтида тарвуз ва қовунга кўп сув берилади, лекин улар пишаётганида суфорилмайди.

Рустам НИЗОМОВ, қ.х.ф.д.,  
Рафикжон ХАКИМОВ, қ.х.ф.н.,  
Фахриддин РАСУЛОВ, қ.х.ф.д.,  
Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти.

# ҲОСИЛНИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

Турли қишлоқ хўжалик экинларига зарап келтирадиган заараркунандаларнинг ривожланиш шароитларидағи асосий омиллар қишилаб чиққан авлодлари сони ва баҳор ойларидағи ҳаво ҳароратининг кўтарилиши, далада ўсадиган ўсимликлар ҳисобланади. Ушбу омилларнинг қиш ойлари ва баҳорнинг бошланиши билан ўзгаришлари қишлоқ хўжалик экинлари далаларида тарқалган заараркунандалар тур таркибига, ривожланиш биоэкологиясига ижобий ва салбий таъсир этиша натижасида, вегетация даври охиригача кўпайишини белгилаб беради. Сўнги йиллардаги экологик омиллар ўзгариши, биринчи галда ҳаво ҳароратининг бироз иллиқ келиши, қиш ойларида қўзатиладиган сувук ҳароратнинг суткалик меъёрининг мунус  $5-10^{\circ}\text{C}$  пасд даражада бўлиши қишлоғга кетган заараркунандаларнинг тўла қишилоб чикишига қўлай имканият яратиб берди.

Қорақалпоғистон агроиклим шароитида бу барадаги олиб борилаётган тадқиқотлар натижалари жорий йил қиш ойларининг бираз юмшоқ келиши, баҳордаги ҳаво ҳароратининг кўтарилиш жараёнлари қишлоқ хўжалик экинлари далаларида олдин учрамаган картошка куяси, помидор куяси, қовун пашшаси, тўбоқ ҳасил этадиган пашша, оқ пашша ва асосий заараркунандалардан ҳисобланган кузги тунлам, ундов тунлами, карадрина, сўрувчи заараркунандалардан полиз шираси, ўрик-қамиш шираси, ўргимчаккан турлари вегетация даври бошланиши билан ёппасига кўпайиб, зарап келтириши мумкин.

Ҳаво ҳарорати ўзгаришларининг 2025 йил бошланиши ҳисобланган январь ойида бўлган асосий ўзгаришлари бўйича маълумотларида жорий йилнинг даслабки кунларидан бошлаб абиотик омиллар элементлари қишлоғдаги заараркунандалар турларига салбий таъсир кўрсатмади.

Жараён февраль ойида давом этиб, биринчи ўн кунлигига ўртacha ўр кунлик ҳаво ҳарорати  $-3,9^{\circ}\text{C}$  кўзатилганлигига қаромосдан иккинчи ва учинчи ўр кунликларида  $-0,7-0,9^{\circ}\text{C}$  ва асосий кунларда ҳаво ҳарорати  $0^{\circ}\text{C}$  юқори бўлганлиги билан, далалада қишилаётган биологик таналарнинг умуман набут бўлишига олиб келмаганигини кўрсатмоқда.

Жорий йил март ойидаги абиотик омилларнинг қулай келганлиги айрим заараркунандаларнинг қишлоғдан чиқиши кўзатилиб, бошкалари таёргарлик даражасида ривожланганлигини кўрсатади.

Қишлоғдан омон чиққан заараркунандаларнинг физиологик ривожи мақбул шароитларда вужудга келиб, заараркунандаларнинг мазкур йил апрель ойи бошидан қишлоғдан ёппасига чиқиб, май ойида қишлоқ хўжалик экинларига катта зарап келтириши мумкин. Мавжуд муаммони вақтида бартараф этиш учун қуйидаги қарши кураш тадбирларини олиб бориш тавсия этилади:

Апрель ойи биринчи ўн кунлигидан бошлаб қишлоғдан чиққан шираларнинг кўпайтган турлари бегана ўтларда ривожлана бошлаган бўлса, қишлоқ хўжалик экинлари ниҳоллари ўниб чиқиши билан далаларга ўта бошлайди. Бу ҳолда оддий усул ҳисобланган далада бегона ўтларнинг чиқиши ва барча жойларда ўрикнинг гуллаш фазаси бошланиши, кейинги мева турларининг барглар чиқариб, гуллаши билан аниқлаш имканияти бўлади.




1-расм. Қовун пашшаси.

Мазкур агроиқлим шароитидаги қишлоқ хўжалик экинлари эртаги тур ва навлари экилган далалардаги ниҳоллар ўниб чиқиши, асосон мева дараҳтлари турларининг барглари пайдо бўлиши билан қишлиб чиқсан ширалар авлодлари тарқалиб, биринчи тўдалари пойда бўлишини ҳисобга олиш лозим. Ушбу ўсимликлар турлари аниқланиб, биолабораторияда кўпайтирилган олтинкўз энтомофагини берилган тавсия асосида тарқатиш талаб этилади. Зааркунандалар сони кўпайиб, экинлар барглари бужрайиши кўзатилган ўсимлик турларида ушбу тур учун кўллаш тавсия этилган кимёвий препаратлардан бири билан ишлов берилиши керак.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалик экинлари ниҳолларига катта заар келтирадиган тунламлар турларининг ривожини башарот қилиш учун, феромон тутқичларини берилган тавсиялар асосида далаларга кўйиб, доимий назаротини ташкиллаштириш лозим. Феромонларга тунламларниг капалаклари тушиши билан тухум кўйилган далалар аниқланиб биолабораторияларда кўпайтирилган трихограмма энтомофагидан гектарига 200 000 дона ҳисобида уч марта бўлиб тарқатилса, тухумлардан қуртларнинг чиқиши баратараб этилади ва эрта баҳордан бошлаб даладаги энтомофаг авлодлари кўпайиб, вегетация даври охиригача зааркунандалар сонининг камайтириб боради.

**Сўнгги йиллари зааркунандаларга қарши кимёвий препаратларни ёппасига кўллаш ишлари барча далаларда кенг олиб борилиб, берилган тавсияларга тўғри амал қимаганлиги туфайли кутилган самародорликка эришаолмаётганлар сани ортиб бормоқда. Тадбирни тўғри йўналтириш ва кутилган самара олиш учун ҳар бир препаратнинг хусусиятлари тўлиқ ўрганилиб, тавсия этилган усул ва агрегатлар ёрдамида ишлатишни ташкил қилишда мутахасислар тавсияларидан оқилона фойдаланиш даркор. Зааркунанда турларига қарши кўллаш талаб этилган инсектицид ва инсектоакарциздардан самарали фойдаланишнинг асосий усули, препаратларни ишлатиш меъёри ва вақтини, агрегатларнинг тўғри ишлатилишини таъминлаш эканлигини эсдан чиқармаслик керак.**



2-расм. Қовун пашша ва ғўбоқловчи пашша қуртлари келтирган зарари

Жорий йилда зааркунанда турлари ривожланиш биоэкологиясидаги ўзгаришларни ҳисобга олиб, бугунги кунда тавсия этилган усул ва васиталардан самароли фойдаланиш, зааркунандалар сонини вақтида камайтириб, ҳосилни сақлаб қолинишидаги асосий омиллардан эканлигини тўғри тушиниб ҳар бир мутахасис ва дехқон ҳаракат қилиши лозим.

**Елмурат ТОРЕНИЯЗОВ,  
қ.х.ф.д., профессор,  
Қорақалпогистон қишлоқ хўжалиги  
ва агротехнологиялар институти.**

# АСАЛАРИНИ КИМЁВИЙ ЗАҲАРЛИ МОДДАЛАРДАН АСРАЙЛИК!

Бугунги кунда дунёнинг барча мамлакатларида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бунда асаларичиликни янада ривожлантириш, асалари оиласи маҳсулдорлигини ошириш ҳам жуда муҳимдир.

Асаларичилик ривожланган мамлакатларда асаларининг жаҳон генофондига хос машҳур зотлари ва типлари яратилмоқда, маҳаллий зотлар такомиллаштирилмоқда. Бунинг натижасида йилига ҳар бир зот асалари оиласидан ўртacha 50-60 кг дан зиёд асал олишга эришилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг ўзига хос табиий иклим шароитида асалари оиласини тезкор технология асосида боқиш қуладир. Шунинг учун ҳам асаларичилик етакчи тармоқлардан бирига айланди.

Кейинги йилларда республикамида сифатли асал маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 октябрдаги "Республикамида асаларичилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда республикамиз шароитида асаларичилик маҳсулотларини етишириш ва уни қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтириш, маҳсулот етиширишнинг замонавий илғор усувларини жорий этиш, қишлоқ хўжалиги экинлари, зааркундандаларга қарши сепиладиган заҳарли кимёвий дорилардан асаларини сақлаб қолиш борасида, замонавий илғор технологияларни жорий этиш тўғрисида бир қатор кўрсатмалар берилган.

Аммо, кейинги йилларда республикада қишлоқ хўжалиги зааркундандаларига қарши курашишда тартибсиз равишда ҳар хил заҳарли



кимёвий дориларни асаларичиларга олдиндан хабар бермасдан, огохлантирмасдан туриб сепишлари натижасида кўплаб асалари оиласлари нобуд бўлмоқда. Хусусан, бу ҳодиса Қашқадарё, Самарқанд, Фарғона, Наманганд вилоятларидағи пахтачилик кластерларида кўплаб учрамоқда.

Ўзбекистондаги пахтачилик фермер хўжаликлари ва кластерлари пахта етишириш саломогини йил сайин кўпайтирмоқдалар. Аммо пахтачилик асаларичилик билан бирга қўшиб олиб борилса, бу соҳани янада жадал суратлар билан ривожлантириш мумкин бўлар эди.

Бироқ, ҳозиргача республикада бундай хўжаликлар кўп эмас. Пахтачилик фермер хўжаликлари ва кластерларнинг кўпчилигига асаларилар йўқ, асаларичилик тармоғи ташкил этилмаган. Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йилдаги 381-қарорида ҳар бир фермер хўжаликлари асалари оиласини ташкил этишлари лозим эди.

Афсуски, бу қарор ҳам ҳанузгача тўлиқ бажарилмасдан келмоқда. Янада ачинарлиси, пахтачилик фермер хўжаликлари ва кластерлари пахта зааркундандалари ва касаликларига қарши ишлатиладиган заҳарли химикатлар таъсирида Қашқадарё вилояти Қарши ва Шаҳрисабз туманларидағи бир қанча асалари хўжаликлида кўплаб асалари оиласлари қирилиб кетиш ходисалари содир бўлди.

Асаларини заҳарли химикатлардан асраб қолиш усувлари аллақачон етилган масалалардир. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ветеринарларининг асаларининг заарли химикатларидан сақлаб қолиш тўғрисидаги йўриқномаси ишлаб чиқилган эди. Аммо асала-

риларнинг заҳарли химикатлардан заҳарланиш ҳодисаси ҳамон давом этмоқда. Асаларининг нобуд бўлишига йўл қўймаслик учун, ғўзани кимёвий препаратлар билан дорилашга киришидан олдин, фермер хўжаликлари ва кластер раҳбарлари, агрономлар асаларичилари хабардор қилиб қўйишлари зарур. Ғўзани дорилаш ишлари бошлашдан 3-4 кун олдин хўжалик химизаторлари мазкур препаратларнинг номи ва уларнинг заҳарланиш даражасини ҳамда қўллаш усусларини маълум қилишлари лозим.

**“А**саларичи дориланаётган майдондан асаларини камида 4-5 км узокроқ жойга олиб бориб қўйиши, уларни заҳарланишдан саклашнинг энг ишончли усулуудир. Ҳимоялашнинг бундан ҳам осонроқ ва қулайроқ йўли ҳам бор. Бу албатта далани дорилаш пайтида, асаларилар дориланган даладан учб чиқолмаслиги учун асалари уясидаги устки ва остики тўйнукларини вақтида (3-5 кунга) бекитиб қўйишдир. Бундай асалари оиласларига кечқурунлари асалари уясидаги озиқлантириш охурчаларига 1 литрдан шакар шарбати қўйиб чиқиши лозим. Бу асалариларнинг кунлик озуқага бўлган талабини ҳам, кунлик сувга бўлган эҳтиёжи ҳам қондиради.

Худди ана шу қоидаларга риоя қилган чироқчилик кўпгина асаларичилар асалини заҳарли химикатлардан асраб қолдилар ва мўл асал ҳосили олишга эришдилар. Чунки ўша пайтда хўжалик агрономлари ғўзадаги заҳарли химикатлар билан дорилаш муддатлари, жойлари ва қандай препарат ишлатилиши тўғрисида хабардор қилган эдилар. Бу тажрибалар бошқа туманлардаги пахтачилак хўжаликларида асаларичилкни ривожлантириш мумкин эканлигидан далолат беради. Агар бу тизим йўлга қўйилса, республикамизда қўшимча равишда кўп минг килограмм асал олиш мумкин бўлади. Қолаверса асаларилар билан чанглатилган ғўза майдонларидан минг тонналаб ортиқча пахта ҳосили олишга эришилади.

Азиз пахтачилик фермер хўжаликлари ва кластер раҳбарлари, ғўза майдонларидағи заараркунданаларга қарши курашда ишлатиладиган заҳарли кимёвий моддаларни сепишдан 2-3 кун олдин ишлатиладиган заҳарли препаратлар тўғрисида ҳудудингиздаги асаларичилек хўжаликларини огоҳлантириб қўйишини унутманг. Акс ҳолда, дехқоннинг қанотли дўсти бўлган асаларини кўп миқдорда нобуд бўлишига сабабчи бўласиз.

**Омон ТЎРАЕВ,** бўлим бошлиғи,  
**Дилдора ЖЎРАЕВА,** бўлим бошлиғи,  
**Тулқин АХМЕДОВ,** бўлим бошлиғи,  
**Шоҳноза ШОХНАЗАРОВА,** таянч докторант,  
Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти,  
**Хилола ЭШМУРОДОВА,** талаба,  
Астрахан давлат техника университетининг  
Тошкент филиали.

## Қонунчиликда янгиликлар



### СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

“Осиё тараққиёт банки иштирокида “Иқлим технологиялари орқали сув ресурсларини бошқаришни ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори (ПҚ-81-сон, 28.02.2025 й.) қабул қилинди

#### Қарорга кўра:

Осиё тараққиёт банки иштирокидаги “Иқлим технологиялари орқали сув ресурсларини бошқаришни ривожлантириш” лойиҳасининг асосий мақсадли кўрсаткичлари этиб қуйидагилар белгиланди:

- Йирик сув иншоотлари ва магистрал қувурларга 4,8 мингта ҳисоблагичларни ҳамда 2,8 мингта телеметрия тизимларини ўрнатиш ҳисобига ишлаб чиқарилган ичимлик сувининг аниқ ҳисобини юритиш;
- 12,7 мингта сув иншоотлари ҳамда 80 минг километр ичимлик ва оқова сув тармоқларининг рақамли харитасини (GIS) жорий этиш орқали инфратузилмани янгилаш ишлари самарадорлигини ошириш;
- 5,1 миллион истеъмолчини қамраб олган биллинг тизимини такомиллаштириш, сув таъминоти корхоналари молиявий ҳисоботининг халқаро стандартларига ўтиш ва консолидациялашган ҳисоб-китобини юритиш;
- республика ва 14 та худудий сув таъминоти корхоналарида ягона ситуациян марказ ташкил этиш орқали аварияларни тезкор бартараф қилиш тизимини жорий этиш.

## ИСЛОҲОТ ВА ИМКОНИЯТЛАР ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ ЗАМИНИДИР

**Бугунги кунда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш дунё мамлакатлари учун энг долзарб масалага айланмоқда. Шу боис, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги тармогини, айниқса, чорвачилик йўналишини кенгайтиришга, наслчилик ишларини яхшилашга қаратилган изчил чора-тадбирлар ўзининг самарасини бермоқда.**

**Насли яхши чорва бир оила учун қанчалик мухимлигини ўйлар экансиз, масаланинг мамлакат миқёсидаги аҳамияти нечоғлик долзарблигини тасаввур қилиш қийин эмас. Демак, тармоқда озуқа захираси ва наслчилиги иқтисодий ўсиш, эл дастурхони тўкинилигига даҳлдор жиҳатдир.**

2025 йил 30 январда Президентимизнинг “Яйловларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишнинг замонавий механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда “Чорвачилик ва паррандачиликни қўллаб-куватлаш, соҳада юқори қўшилган қиймат яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатлар ички бозорларга сифатли ҳамда арzon чорва ва парранда маҳсулотларини узлуксиз етказиб бериш, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ҳамда шу йўналиш-лардаги хўжаликларни давлат томонидан қўллаб-куватлаш самарадорлигини оширишда ўзига хос дастур бўлди. Шу билан бирга, яйлов хўжалигини ривожлантиришини янги босқичга олиб чиқиши, соҳада бошқарувнинг ихчам ва самарали тизимини жорий этиш, чорвачилик хўжаликларининг ер участкаларига бўлган хуқуқларини эътироф этиш борасидаги масалаларни ҳал қилишда мухим аҳамият қасб этди.



**Суратда: Когон тумани ветеринария бўлими мутахассиси Шуҳрат Ачилов, фермер Ҳаким Эшмуродов билан**

— Давлатимиз раҳбарининг “Чорвачилик ва паррандачиликни қўллаб-куватлаш, соҳада юқори қўшилган қиймат яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ва унда белгиланган имтиёзлар бизга харажатларимизни иқтисод қилишга ва қўшимча тармоқлар яратиш орқали янги иш ўринлари ташкил этишимизга ва келгусида янада равнақ топишмизга зарур шароитлар яратмоқда, — дейди Когон туманидаги “Когон юлдузи” фермер хўжалиги раҳбари Ҳаким Эшмуродов.

Албатта, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўлида кўп маҳсулот ишлаб чиқариш орқали ўз ҳиссасини кўшаётган бу каби хўжалик юритувчи субъектлар учун яратилаётган имкониятлар, қўшимча лойиҳалар ишга тушириш имконини беради. "Коғон юлдузи" фермер хўжалиги аъзолари ҳам келгусида ушбу имтиёзлардан фойдаланиб, яна хориждан қорамол олиб келишни, шу билан қишлоқ ёшлиарини бандлигини таъминлашни режалаштироқда.

Чорвадор учун яна бир мухим ресурс, бу яйлов ерларидан фойдаланиш. Нарпай туманида истиқомат қилувчи чорвадор Истроил Тошев анча йиллардан бўён кўй бокишида яйлов ерлари етишмаслигидан қийналиб келар эди.

**Чорвадор Истроил аканинг уч авлоди чўпон бўлган ва улар доим давлат қўйларини боқиб келган. Бугун у мулкдор, фарзандларини қишлоқдошларини иш билан таъминлаб, чорва бош сонини кўпайтиришини ният қилмоқда. Албатта, бу мақсад ва режаларни амалга оширишда бош омил – бугунги имтиёзлар, ҳуқуқий мезоннинг мавжудлигидир.**

Аграр соҳанинг етакчи тармоқлари истиқболи учун амалга оширилаётган бу каби чора-тадбирлар, саъй-ҳаракатлар, пировардида бозорларда чорва маҳсулотлари – сут, гүшт, ёғ сероблигини ва арzonлигини таъминлаб, аҳоли дастурхонига файз-барака киритиш билан бирга, иқтисодиётимизнинг янада юксалишига хизмат қиласи.

Ўз мухбиришимиз.



**Суратда: (чапдан) "Истроил ота чорваси" фермер хўжалиги чўпони Ҳамидулла Эргашев хўжалик раҳбари Истроил Тошев билан**

— Президентимизнинг 2025 йил 30 январдаги фармон ва қарори чорвачилик хўжаликларининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини мустаҳкамлаш ва кўплаб масалаларни ҳал қилишда мухим ҳужжат бўлди. Ўзим мисолимда олсақ, бир неча йиллардан бўён яйловлар борасидаги кўзлаган режаларим амалга ошмоқда. Эндиликда чорвамизни янада кўпайтиришга, ҳалқимиз дастурхонига кўпроқ гўшт маҳсулотлари етиштиришимизга янги имкониятлар яратилмоқда, — дейди Истроил Тошев.

## ЧОРВАЧИЛИКДА ЯПОНИЯ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

**Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасида Япония ҳалқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA)нинг Марказий Осиё ва Кавказ минтақаси раҳбари ўринbosари Юка Сонояма билан учрашув бўлиб ўтди.**

Қўмита матбуот хизмати хабарига кўра, учрашувда қиймати 152 миллион АҚШ долларига тенг бўлган "Чорвачиликни ривожлантириш ва ҳайвонлар саломатлигини яхшилаш" лойиҳаси доирасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Қайд этилишича, томонлар чорвачилик хўжаликларига имтиёзли кредитлар ажратиш, ветеринария соҳасидаги илмий-тадқиқот ва ташхис марказларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, мутахассислар малакасини ошириш бўйича

ҳамкорликни белгилаб олди.

Шунингдек, JICA грантлари асосида ҳайвон касалликларининг олдини олиш, Японияда диагностика ва аквакултура йўналишларида маҳаллий мутахассисларнинг малакасини оширишни давом эттиришга келишилган.

Маълумки, қишлоқ хўжалигига йилнинг дастлабки ҳосили соҳадаги энг сердаромад тармоқлардан ҳисобланган пиллачиликдан олинади. Демак, ушбу тармоқда эришилган илк муваффақият, соҳадаги кейинги эришиладиган ютуқларга замин ҳозирлайди.

Жорий йилда Навоий вилоятининг Хатирчи туманидаги “Хатирчи хазинаси” МЧЖ аъзолари ҳам 405 тонна қимматбаҳо саноат хомашёси етишириши режа қилишган. Мавсум бошида туман бўйича фермер хўжаликлари ва касаначиларга тарқатилган 6 минг 749 қути ипак қурти оби-тобида парваришланмоқда. Пиллани етишириб хомашё ҳолида сотиш эмас, балки қайта ишланиб, калава қилингани кўпроқ фойда келтиради. Адрес, атлас каби тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш эса моддий манфаатдорликни янада оширади.

## ПИЛЛА МАВСУМИ ҚИЗГИН ЎТМОҚДА

Шу мақсадда Хатирчидаги пиллани кластер усулида етишириш йўлга қўйилган бўлиб, пилла етиширувчиликларга хизмат кўрсатишни, хомашё қабул қилиш ва қайта ишлашни ихтиносослашган “Хатирчи хазинаси” МЧЖ корхонаси ўз зиммасига олган. Топширилган жами маҳсулот ушбу ташкилотга қарашли йигириув цехида қайта ишланиб, харидорларга тайёр ҳолатда етказиб берилади.



Суратда: Хатирчи туман пиллакорлари



Суратда: Ромитан тумани пиллакорлари

Бу йил ромитанлик пиллакорлар ҳам катта мақсадлани кўзлашган. 4 минг 368 қути ипак қурти фермер хўжаликлари аъзолари ва оиласий касаначилар хонадонларида уюшқоқлик билан парваришланмоқда. Мақсад 262 тонналик режани ортиғи билан уddeлаш.

— Бугун туманимизда пилла етишириш хитой технологияси асосида ташкил этилоқда, — дейди туман “Агропилла” масъ — улияти чекланган жамияти раҳбари Дилшод Тўйлимуродов. — Бунда озуқа тежалади, пилла қурти тез ривожланади. Йилига икки марта ҳосил олиш мумкин. Хўжаликларга тарқатилган уругларни нобуд қилмай парва-ришлаш учун зарур шароит яратилган.

Дарҳақиқат, пиллачиликда ҳосил мўл бўлиши, аввало, озуқа базасининг мустаҳкамлигига боғлик. Айни пайтда тумандаги мавжуд тутзорлар майдонини янада кенгайтиши мақсадида фермер хўжаликлари худудлари ва зовур, ариқ ёқаларида янги тутзорлар ташкил этилиши ўйлга кўйилган. Албаттa, бу келажакда “кумуш тола”нинг сифатли ва мўл бўлишига замин яратади.

Ўз мухбиризимз.

## ЗЕЛЕНЫЙ ЩИТ ОСУШЕННОГО ДНА АРАЛА

**Созданные лесные насаждения на осушенном дне Аральского моря в рамках Государственной программы на площади около 2 млн. га снижают дефляционные процессы на 40-60%. Разработанный экологический маршрут для туристов по эко тропе Муйнак-Казалинск одобрен 18 апреля 2025 года на Международной конференции «Послы доброй воли Приаралью» проходившей в г. Нукус.**

С осушенной части бывшего моря в воздух подымается более 150 млн тонн соли, пыли и песка. Существуют неоспоримые признаки изменения климатических условий (особенно бури и ветры с увеличивающейся частотой и силой). Соль и пыль, которые разносятся ветром, носят ощутимый вред окружающей среде. На космических снимках видно, что «грязевые» шлейфы, заполненные пылью и солью Арала, проникают на 800–1000 км вглубь густонаселённых оазисов.

Всему живому в Приаралье наносится огромный ущерб, который через несколько лет может достичь катастрофических размеров.

В первую очередь, увеличение площади осушенного дна за счёт солёного Большого Арала отрицательно сказалось на урожайности сельскохозяйственных культур, экономике Узбекистана, на здоровье местного населения и в целом на его генофонде, а генофонд населения — это наше достояние, которое мы должны очень тщательно беречь.

Ярким примером негативного влияния осушенного дна на прилегающие территории может служить песчано-солевая буря, которая произошла 27 мая 2018 года, когда города Узбекистана и соседних стран были покрыты солёной пылью, а часть растений на сельскохозяйственных полях погибла. Такие бури встречаются ежегодно и наносят непоправимый ущерб всему живому в Приаралье.

Здесь были утрачены качество водных и земельных ресурсов, нарушены состав и устой-



чивость экосистем и снижена экологическая ценность окружающей среды, её продукционные свойства и возможности самовоспроизводства; резко возросла токсичность среды, в связи с чем утрачена медико-гиигиеническая стабильность среды обитания.

**Посадка лесов на осушенном дне.** Эффективность лесных насаждений очевидна. Президент Шавкат Мирзиёев 20 января 2017 года, выступая на расширенном заседании актива Каракалпакстана, поставил задачу расширить работы по созданию лесных насаждений на осушенном дне.

24 августа 2018 года состоялось заседание Совета Глав государств — учредителей Международного фонда спасения Арала в городе Туркменбаши Туркменистана, где с докладом выступил Шавкат Мирзиёев. Он отметил, что вопросы закрепления подвижных песков и уменьшения выноса ядовитых аэрозолей с высохшего дна Арала должны оставаться в центре внимания. В этих целях было предложено создать Региональный центр по выращиванию саженцев пустынных и кормовых растений, который может стать уникальной научно-образовательной базой по подготовке востребованных специалистов лесного хозяйства (ими лесхозы страны укомплектованы лишь на 50%).

Мой научный стаж работы на осушенном дне Аральского моря составляет более 40 лет, и о технологиях, используемых при создании лесных насаждений и возможностях лесомелиоративного освоения осушенного дна с применением

инновационных технологий я рассказал Президенту Шавкату Мирзиёеву. Тогда было принято решение разработать Государственную программу по коренному преобразованию Приаралья посредством проведения широкомасштабных лесомелиоративных работ на осушеннем дне. Она была разработана, принята, и её реализация началась 16 декабря 2018 года. В рамках данной программы на осушеннем дне за 5 лет создано около 2 млн. га защитных лесных насаждений мелиоративный эффект которых уже наглядно виден, т.к. дефляционные процессы на 40-60% прекратились.

Люди, далёкие от реалий, вместо лесопосадок на осушеннем дне начали предлагать дать воду в таком количестве, чтобы море восстановилось в прежних берегах, но для выполнения этого условия надо было бы отказаться от орошаемого земледелия, что практически невозможно сделать. На вопрос, где взять воду, возникла давно забытая идея о переброске части стока сибирских рек, что практически на сегодняшний день сделать невозможно, т.к. будут задеты интересы многих государств, а затраты на реализацию данного проекта будут космическими.



**Пора объединить усилия Узбекистана и Казахстана по озеленению осушенного дна Арала.** Документом, который бы отражал реальную картину, складывающуюся на осушенном дне с учётом временного периода, **могла бы стать Единая система лесомелиоративного освоения осушенного дна Аральского моря, включая Узбекистан и Казахстан.** Ни одно из государств самостоятельно не сможет в полной мере решить экологическую проблему Аральского моря. Осушенное дно так расположено, что к нам постоянно дуют северные ветры, т.е. с Казахстана. Поэтому на протяжении более 30 лет я призываю казахстанских лесоводов и учёных вместе взяться за решение Аральской проблемы.

мы. Но воплощение её идёт очень медленно.

В единой системе, касающейся Узбекистана и Казахстана, должны быть отражены такие важные показатели, как засолённость почвогрунта в корнеобитаемом слое, его подверженность дефляционным процессам, тип донных отложений, уровень залегания грунтовых вод и степень их минерализации, степень проективного покрытия травянистой и древесно-кустарниковой растительностью.

Было бы правильным, если бы эту работу проводили учёные Узбекистана и Казахстана одновременно с двух сторон осушенного дна, т.е. с узбекской и казахской. Эта работа под силу только в рамках Регионального международного проекта с единой общей методикой проведения работ.

В разработке системы должны быть задействованы институты разного профиля, что позволит получить достоверный материал, который каждые пять лет надо будет сравнивать в динамике развития процессов. В зависимости от лесорастительных условий важным является проектирование создания лесных насаждений применительно их целевому назначению. В частности, это **принципы локального, очагового, пастбищезащитного**, мелиоративно-кормового лесоразведения; используются также разные приёмы закрепления подвижных песков. Как показала практика, это намного дешевле и результативнее.

Настало время дать чёткие ответы на вопросы: сколько необходимо времени, чтобы облесить наиболее дефляционно-язвимые площади всего осушенного дна и свести к минимуму кризисную ситуацию в наших странах, и какие при этом нужны материальные затраты по годам выполнения работ. Полагаю, что ответы на эти вопросы будут даны в разработанной единой системе лесомелиоративного освоения осушенного дна отдельно по Узбекистану и Казахстану.

Вторым важным документом для решения Аральской проблемы могла бы стать **Межнациональная программа борьбы с экологическими кризисными ситуациями**, и при её разработке в основу решения кризисных ситуаций будут положены основные аспекты лесомелиоративной науки. Только общими усилиями мы смогли бы обуздать экологическую трагедию, обрушившуюся на наши народы. Данная программа стала бы обязательным документом к

исполнению правительствами Центральноазиатских государств.

В тех местах, где раньше «гуляли» ветры, а в летние месяцы невозможно было открыть глаза из-за песчано-солевой пыли, сейчас появляются облагороженные земли со своим биоценозом. В межполосных пространствах появилась травянистая растительность.

С плато Устюрт в эти насаждения спускаются сайгаки, которые здесь находят корм. Из живности появились зайцы, большое количество фазанов, лисицы, корсаки, а в тех местах, где поблизости имеются глубинные колодцы, обитают дикие кабаны. Появилось много птиц, и рано утром можно любоваться их разноголосым пением. Естественно, при такой живности прошмыгают здесь и волки.

Когда в места произрастания новых лесных насаждений приезжают местные жители, которые помнят эти места, когда здесь ещё было море, они не могут поверить своим глазам, что это дело рук человеческих и, в первую очередь, наших лесоводов, которые, базируясь на научных разработках НИИЛХ, создали такое зелёное убранство. На территориях этих насаждений полностью прекратились дефляционные процессы.

“

**Я считаю, что настало время двум государствам – Узбекистану и Казахстану – совместно взяться за решение Аральской проблемы. В Узбекистане научными работами на осущенном дне занимается НИИЛХ, а в Казахстане – Национальный исследовательский институт лесного хозяйства и лесомелиорации. Это две родственные научные организации, которые прорабатывают научные проекты и издают рекомендации для своих производственных организаций. Эти работы проводятся уже более 40 лет. Было бы целесообразно объединить усилия учёных этих научных подразделений и разработать единые комплексные научные рекомендации, которыми могли бы пользоваться лесхозы двух государств.**

**Леса Приаралья противодействуют климатическим изменениям и противостоят парниковому эффекту.** В этом плане лесные насаждения, созданные на осущенном дне Аральского моря, бесценны. Они являются биологическим фактором, способным возвратить население Приаралья к здоровой жизни, решить проблему обеспечения животных кормами, а также свести к минимуму возникновение дефляционных

процессов, что положительно сказывается на чистоте воздуха, уменьшении углекислоты и увеличении кислорода.

Наши исследования показали, что 1 гектар саксаула и 1 гектар черкеза в возрасте четырёх лет поглощают в год соответственно 1158,2 кг и 1547,8 кг углекислого газа и при этом выделяют 835,4 кг и 1116,4 кг кислорода.

Всем нам необходимо помнить, что в лесных делях на осущенном дне Аральского моря и на деградированных землях не может быть равнодушных, так как народу нашему вечно жить на этой земле.

Это наша земля, наша Родина, и мы в ответе перед будущими поколениями за её экологическую судьбу. Смягчить последствия высыхания Аральского моря можно лишь благодаря активной консолидации международных усилий.

**Развитие экотуризма в зоне Арала.** На осущенном дне Аральского моря проводятся большие работы по смягчению экологической напряженности в Регионе, испытываются инновационные методы и технологии создания лесных насаждений, но не всегда это известно мировой общественности. Поэтому важным является развитие экотуризма на научной основе по маршруту Муйнак — Казалинск, проходящему по осущенному дну. Эко туристов будут сопровождать ученые разных профилей – это лесоводы, ботаники, географы, почвоведы, климатологи и др. По всему маршруту будет вестись съемка, т.е. видеоролики, которые потом будут показаны по ТВ. Кроме этого, было бы целесообразным организовать Международный молодежный экологический Центр по изучению инновационных методов и технологий борьбы с опустыниванием, где молодые ученые с разных стран с аналогичными климатическими условиями как у нас, могли бы изучить наши прогрессивные результативные приемы.

К решению экологически кризисной проблемы Арала необходимо подходить комплексно и всесторонне, тогда и результативность будет очевидна!

**Зиновий НОВИЦКИЙ,**

Заслуженный работник сельского хозяйства Республики Узбекистан и Республики Каракалпакстан, доктор сельскохозяйственных наук, заведующий лабораторией защитного лесоразведения и лесомелиораций Научно-исследовательского института лесного хозяйства, академик РАЕН.

УЎТ: 635.21:631.547:631.52

## ЭРТАГИ КАРТОШКА ТЕЗПИШАР ВА ЎРТАТЕЗПИШАР НАВЛАР ТҮПЛАМИНИНГ ЎСИШИ, БАРГ САТҲИ ВА ПАЙКАЛНИНГ ФОТОСИНТЕТИК ПОТЕНЦИАЛИ

Остонақулов Тоштемир Эшимович, қ.х.ф.д., профессор,

Тошпулатова Сурайё Тулқин қизи, докторант,

Қарши давлат университети,

Турсунов Ғиёс Суннат ўғли, қ.х.ф.ф.д., ўқитувчи,

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чоравчилик ва агробиотехнологиялар университети.

**Аннотация.** Мақолада эртаги экин сифатида картошка тезпишар ва ўртатезпишар навлар түпламини ўсиши, ўсимликда ва майдон бирлигига барг сатҳи ҳамда пайкалнинг фотосинтетик потенциали шаклланишини ўрганишига бағишиланган.

**Калит сўзлар:** картошка, нав, ўсув даври, баргланганлик, барг сатҳи, туп қалинлиги, пайкалнинг фотосинтетик потенциали.

**Аннотация.** В статье изложены результаты изучения роста, формирование площади листовой поверхности на растения и единицы площади, а также фотосинтетический потенциал посевов ранних и среднеранних сортов картофеля при ранней культуре.

**Ключевые слова:** картофель, сорт, вегетационный период, облиственность, площади листовой поверхности, густота стояния, фотосинтетический потенциал посевов.

**Abstract.** The article presents the results of studying growth, the formation of leaf surface area per plant and unit area, as well as the photosynthetic potential of early and mid-early potato varieties during early cultivation.

**Keywords:** potato, variety, vegetation period, foliage, leaf surface area, planting density, photosynthetic potential of crops.

**Кириш.** Маълумки, эртаги картошкадан барвақт, барқарор ва юкори сифатли ҳосил олишда нав алоҳида аҳамиятга эга. Эртаги картошка етиширишда қимматли хўжалик белги ва ҳусусиятларига эга бўлган мосланувчан навларни танлаш, экиш ва парваришлашнинг янги усулларини яратиш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга. Жанубий минтақаси Қашқадарё вилояти тупроқ-иқлим шароитида ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, замонавий ресурс тежамкор агротехнологияларни жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш мақсадида картошка генофонди нав намуналарини ҳар томонлама баҳолаш, муайян шароитлар учун арzon, сифатли, экологик соғ ва юкори барқарор ҳосилдорлик, уруғлик сифати, ташилувчанилиги ҳамда сақланувчанилигини таъминлайдиган агротехнологик тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалиётга кенг жорий этиш долзарб ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади эртаги картошка тезпишар ва ўртатезпишар навлар түпламини ўсиши, ҳосил түплаш тезлиги, ўсимлик ва майдонда барг сатҳи шаклланиши, пайкалнинг фотосинтетик потенциали бўйича баҳолашдан иборат.

**Материаллар ва услублар.** Тажрибаларда картошка тезпишар ва ўртатезпишар навлар түпламининг ўсиши, барг сатҳи шаклланиши ва пайкалнинг фотосинтетик потенциали ўрганилди.

Дала тажрибалари 2022-2024-йилларда Қарши тумани “Боғобод” МФЙ Иноқ Абдуллаев томорқа хўжалиги участкаси суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида олиб борилди.

Объект сифатида картошканинг 5 та тезпишар, 24 та ўртатезпишар навлари олиниб, 15-18 февралда 90x20см тартибда 6-8 см чуқурликда экилди. Делиянканинг майдони 9 м<sup>2</sup>, такрорлар сони 3 та бўлди.

Дала тажрибаларини ўтказиш, экиш, экинни парваришлаш, ҳосилни йиғиш, ҳисоблаш, кузага-

1-жадвал.

**Эртаги картошка тезпишар ва ўртатезпишар навлари пайкалининг фотосинтетик потенциали  
(2022-2024 йиллар.)**

Т/п	Нав номи ва келиб чиқиши	Пайкал фотосинтетик потенциали даврлар бўйича, минг м <sup>2</sup> /га х кунда				
		шоналаш (10-13.04)	гуллаш (20-23.04)	палак саргайиш (25-28.05)	ковлаш олди (10-13.06)	ўсув даврида
<b>Тезпишар навларда</b>						
1	Кувонч-16/56м(UZ), (ст)	696,8	238,7	1648,9	840,8	3425,0
2	Gala (DE)	595,2	219,0	1651,6	696,7	3162,9
3	Binella (DE)	684,8	263,0	1765,4	759,7	3472,8
4	Esmee (NL)	540,0	215,7	1423,3	555,6	2734,6
5	Kolomba (NL)	513,2	195,5	1334,9	476,9	2520,4
<b>Ўртатезпишар навларда</b>						
6	Sante (NL), (ст)	787,1	302,0	2192,5	93,0	3460,8
7	Fontane (NL)	514,7	289,6	1834,9	125,1	2764,3
8	Бахро-30(UZ)	782,7	370,1	2350,2	219,1	3722,0
9	Almera (NL)	720,1	296,6	2080,0	281,2	3377,9
10	Zafira (NL)	581,8	245,5	2107,7	103,4	3038,7
11	Пском (UZ)	504,5	331,5	1824,0	102,5	2762,4
12	Orlo (NL)	496,8	230,9	1611,5	79,3	2418,5
13	Kurado (NL)	797,8	344,5	2110,1	243,3	3495,5
14	Arizona (NL)	842,3	309,3	2339,2	284,3	3472,8
15	Sylvana (NL)	860,6	358,9	2273,4	315,8	3809,7
16	Evolution (NL)	900,2	375,4	2372,2	348,4	3996,1
17	Madlen (NL)	687,0	334,2	2108,5	232,7	3362,5
18	Challenger (NL)	646,0	297,7	1806,2	133,2	2881,5
19	Sifra (NL)	635,2	223,7	1905,5	124,2	2888,4
20	Konstantin (NL)	482,3	219,8	1736,7	92,1	2531,0
21	Saviola (NL)	867,0	343,2	2397,3	257,9	3865,5
22	Ҳамкор-1150 (UZ)	810,8	265,4	2051,1	104,5	3231,9
23	Picasso (NL)	907,4	307,6	2474,9	88,5	3519,2
24	Боғизоғон (UZ)	813,4	319,3	2379,7	103,9	3758,6
25	Lazar (RU)	654,0	228,7	1976,0	113,5	2972,2
26	Labella (NL)	757,9	295,2	1993,6	175,2	3218,9
27	Manitu (NL)	788,5	303,8	2043,4	99,4	3235,1
28	Ranomi (NL)	773,9	264,8	2147,6	113,0	3299,2
29	Lucinda (NL)	838,2	334,1	2343,4	115,6	3631,4

тиш ва таҳлиллар умумқабул қилинган услублар ва тавсиялар асосида олиб борилди [1-6].

**Натижалар ва мунозара.** Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, экишдан униб чиқишгача бўлган давр ўрганилган навларда 19-25 кунни ташкил этиб, эрта униб чиқиш (19-22 кунда) - Қувонч-16/56 м, Gala, Binella, Esme, Sante, Бахро-30, Almera, Kurado, Arizona, Sylvana, Evolution, Saviola навларида, бошқа навларда эса кеч (24-25 куни) кузтилди.

Ўсув даври тезпишар навларда 74-77 кунни, ўртатезпишар навларда 84-89 кунни ташкил қилиб, нисбатан тезпишар (74-75 кун) Esme, Қувонч-16/56м навлари, ўртатезпишар (84-85 кун)-Almera, Orlo, Sylvana, Evolution, Madlen, Challenger, Sifra, Konstantin навлари эканлиги маълум бўлди. Бошқа ўрганилган навларда ўсув даври 2-4 кунгacha ўзайгани аниқланди.

Ўсимлик бўйи бўйича навлар шоналаш давридан бошланиб фарқланди. Энг баланд бўйли ўсим-ликлар (30,9-44,0 см) Gala, Esme, Almera, Arizona, Sylvana, Evolution, Saviola, Ҳамкор-1150, Picasso, Бофизоғон, Lucinda навлари бўлди. Ушбу, устунлик ўсув даври давомида сақланиб, ковлаш олди ўлчангандан 77,2-98,5 см ни ташкил этди. Энг кўп баргланиш ва барг сатҳи ҳосил бўлиши ўсув даври давомида- Қувонч-16/56м (0,37-0,81 м<sup>2</sup>), Gala (0,31-0,78 м<sup>2</sup>), Binella (0,35-0,83 м<sup>2</sup>), Бахро-30 (0,42-0,91 м<sup>2</sup>), Almera (0,38-0,84 м<sup>2</sup>), Kurado (0,41-0,87 м<sup>2</sup>), Arizona (0,43-0,90 м<sup>2</sup>), Sylvana (0,46-0,94 м<sup>2</sup>), Evolution (0,48-0,99 м<sup>2</sup>), Saviola (0,45-0,93 м<sup>2</sup>), Ҳамкор-1150 (0,41-0,82 м<sup>2</sup>), Picasso (0,45-0,95 м<sup>2</sup>), Бофизоғон (0,42-0,92 м<sup>2</sup>), Lucinda (0,42-0,90 м<sup>2</sup>) навларида кузатилди.

Ўрганилган эртаги картошка навларида майдон бирлигига барг сатҳи юзасининг ҳосил бўлиши ўсув даври давомида, яъни шоналаш даврида 14,1-26,5, гуллаш даврида 36,4-56,4, ковлаш олди эса 35,7-54,7 минг м<sup>2</sup> гача ўзгарди.

Синалган навлар эртаги экин сифатида ўстирилганда шоналаш даврида пайкалнинг фотосинтетик потенциали 496,8-907,8; гуллаш даврида 195,5-375,4; палак саргайиш даврида 1334,9-2474,9; ковлаш олди даврида 79,3-840,8; ўсув даврида эса 2418,5-3996,1 минг м<sup>2</sup>/га х кунни ташкил этиши қайд этилди (1-жадвал).

Энг юқори пайкалнинг фотосинтетик потенциали (3425,0-3996,1 минг м<sup>2</sup>/га х кун) Evolution, Saviola, Sylvana, Бофизоғон, Picasso, Lucinda, Arizona, Kurado, Almera, Бахро-30, Sante, Binella, Қувонч-16/56м навларида кузатилди. Картошка навларининг майдон бирлигидаги барг сатҳи ва пайкалнинг фотосинтетик потенциали ўртасида корреляция коэффициенти  $r=0,955$  ( $R^2=0,9127$ ) га тенг бўлиб, юқори даражада ижобий боғлиқлик мавжудлиги аниқланди.

**Хуласа.** Эртаги экин сифатида турли тезпишар ва ўртатезпишар навлар ўсиши, ўсимликда ва майдон бирлигига барг сатҳи ҳамда пайкалнинг фотосинтетик потенциали шаклланиши бўйича кескин фарқланиб, энг баланд бўйли, сербаргли, барг сатҳили ва пайкалнинг юқори фотосинтетик потенциали Evolution, Saviola, Sylvana, Бофизоғон, Picasso, Lucinda, Arizona, Kurado, Almera, Бахро-30, Sante, Binella Қувонч-16/56м навларида қайд этилди. Бу албатта, ўсимликнинг маҳсулдорлик кўрсаткичлари ва ҳосилдорлигига ўз ифодасини топади.

## АДАБИЁТЛАР

1. Азимов Б.Ж., Азимов Б.Б. Сабзвотчилик, полизчилик ва картошкачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси. Тошкент, “Ўзбекистон миллий энсиклопедияси”, 2002 (2006). –Б. 217.
2. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. Москва, “Колос”. 1985. –С. 351.
3. Остонакулов Т.Э. Картошка етиштириш. Тошкент, Агробанк, 2021.–Б.96.
4. Остонакулов Т.Э. Картошкачилик. Дарслик. Самарқанд. 2023. –Б.320.
5. Методика исследований по культуре картофеля. Москва, ВНИИКХ. 2014. –С. 213.
6. Методика государственного сортопытования сельскохозяйственных культур. Выпуск первый. Общая часть. Москва, 2019. –С. 329.

УЎТ: 633.854.78:631.559

## КУНГАБОҚАР НАВЛАРИНИНГ БАРГ САТҲИГА УРУГ ЭКИШ ТИЗИМИ ВА МАЪДАНЛИ ЎЃИТЛАР БИЛАН ОЗИҚЛАНТИРИШ МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

**Абдуғаниева Мушаррафа Ҳабибулло қизи**, мустакил тадқиқотчи,

Андижон қишлоқ ҳўяжалиги ва агротехнологиялар институти,

**Абдуллаев Исмоилжон Ибраҳимжонович**, к.х.ф.ф.д (PhD), доцент,

ORCID ID: 0000-0003-0222-0763

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачалик илмий-тадқиқот институти

Андижон илмий-тажриба станцияси.

**Аннотация.** Андижон вилоятининг ўтлоқи тупроқлари шароитида кунгабоқарнинг маҳаллий «Дилбар», «Янги замон» ва хорижий «Березанский», «Родник (Р 453)» навларини тақрорий экин сифатида турли экши тизимларида экиб, ўсув даврида маъданли ўѓитларнинг турли меъёрлари билан озиқлантиришини ривожлашанин фазалари бўйича барг сатҳининг шаклланишига таъсири ўрганилди.

**Калим сўзлар:** кунгабоқар навлари, уруг, экши тизимлари, маъданли ўѓитлар меъёрлари, барг сатҳи, ривожланиши фазалари.

**Аннотация.** В условиях луговых почв Андижанской области в качестве повторной культуры по разным системам посадки высаживали местные сорта подсолнечника «Дильбар», «Янги Замон» и зарубежные сорта «Березанский», «Родник (Р 453)» и изучали влияние подкормок различными нормами минеральных удобрений в период роста на формирование листовой поверхности в разные фазы развития.

**Ключевые слова:** сорта подсолнечника, семена, системы посадки, нормы минеральных удобрений, листовая поверхность, фазы развития.

**Abstract.** In the conditions of meadow soils of the Andijan region, local sunflower varieties “Dilbar”, “Yangi Zamon” and foreign varieties “Berezansky”, “Rodnik (P 453)” were planted as a repeat crop according to different planting systems and the effect of fertilizing with different rates of mineral fertilizers during the growth period on the formation of the leaf surface in different phases of development was studied.

**Keywords:** sunflower varieties, seeds, planting systems, mineral fertilizer rates, leaf surface, development phases.

**Кириш.** Бугунги кунда республикамиз аҳолисини сифатли мой маҳсулотларига бўлган талабини қондириб бориш мақсадида ҳукуматимиз томонидан мойли экинларга катта аҳамият қаратиб келинмоқда. Бу борада кунгабоқар экинини қузги бошоқли экинлардан бўшаган майдонларга тақрорий экин сифатида экиб етиштиришни кенгайтириш бўйича тавсиялар берилиб, тарғибот ишлари амалга оширилмоқда.

Кунгабоқар (*Helianthus annuus* L.) ҳозирги кунда дунёда энг муҳим аҳамиятли мойли экинлардан бири ҳисобланади. Кунгабоқар озиқ-овқат мойни сифати жиҳатидан танланган ўсимлик мойлари орасида биринчи ўринни эгалламоқда. Шу сабабли, дунёда кўплаб давлатларда экин майдони ва ундан олинадиган ҳосил миқдорига қараб иқтисодий санамарадорлик даражаси ортиб бориши кузатилмоқда. Сўнгги беш йиллиқда кунгабоқар ер юзидаги 72 та

мамлакатда ўртacha 25-26 млн. гектардан ортиқ майдонда етиштирилиб, ўртacha 40,5-42,0 млн. тонна ҳосил етиштирилган. Дунё мамлакатлари бўйича энг кўп кунгабоқар етиштирувчи мамлакатлар рўйхатида: Украина, Россия, Аргентина, Руминия ва Хитой давлатлари етакчилик қилиб қилмоқда. Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда кунгабоқар экин майдони ортиб 17,5 минг гектарни ва ўртacha ҳосилдорлик 12-15 ц/га ни ташкил этмоқда [5].

Сўнгги йилларда Республикаиз бўйича жами 61,7 минг гектар, шундан асосий экин сифатида 25,7 минг гектар ва тақрорий экин сифатида 36,0 минг гектар майдонга кунгабоқар экилиб, 128 минг тоннадан зиёд ҳосил етиштириб келинмоқда. Кунгабоқар уруғларини қайта ишлаш натижасида 45 минг тонна ўсимлик мойи ва 83 минг тонна кунгабоқар шроти ишлаб чиқарилиб, чорвачилик ва паррандачилик ҳўяжаликларига йўналтирилмоқда [6].

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, республикамиз аҳолисини сифатли мой маҳсулотига бўлган талабини бир меъерда қондириб бориша кунгабоқар экини муҳим аҳамиятга эгадир.

М.Қ.Луковнинг таъкидлашича, тақорий экин сифатида кунгабоқар 1 гектар майдондан 2,5 тонна уруғ ҳосил ёки ундан 1200 кг истеъмол учун ишлатиладиган экологик тоза мой, 800 кг. шрот (300 кг оқсил), 500 кг кунгабоқар пистаси пӯчфи (ундан 70 кг ачитқи моддаси) 1500 кг саватча, гуллаш фазасида асаларилар ёрдамида 30 кг. асал ва бошқа кўп фойдали моддалар олиш мумкин [4].

Кунгабоқар сугориладиган шароитда эртаги экин сифатида ўстирилганда, гектаридан 35-37 центнергача, бошоқли дон экинларидан бўшаган ерларда тақорий экилганда 25-28 центнер уруғ ҳосили ёки гектаридан 2,4-2,8 тонна мой олиш мумкинлиги аниқланган [3].

Хаммамизга маълумки, кунгабоқар шўрланган ҳамда қурғоқчил минтақларда хам ўса олади. Кучли қурғоқчилик шароитида кунгабоқар поясининг юқори ва қисман ўрта қисмларида майда ксероморфик баргларини шакллантириш орқали турли нокулай шароитларга мослаша олади. Бундан ташқари кунгабоқар пастки баргларнинг тўкиб юбориш, поянинг юқори қисмидаги баргларнинг транспирация юзасини қисқартириш каби мослашувчаникка хам эгадир [1].

Кунгабоқар баргларнинг асосий қисми фақат гуллашдан олдин йириклишади, гуллашдан кейин эса поянинг юкорисидаги саватчаларнинг барглари ўсади. Пояда жойлашган 4 дан 11-13 гача бўлган барглар пастки қатламга, 12-13 дан 23-25 гача бўлган ўрта қатламга ва юқорида жойлашган барглар юқори қатламга таълуқли бўлади [2].

**Материаллар ва услублар.** Ушбу ҳолатларни инобатга олган ҳолда 2022-2024 йиллари Андижон вилоятининг ўтлоқи тупроқлари шароитида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди.

Илмий тадқиқот ишлари 2022-2024 йиллари Андижон вилояти, Андижон туманида жойланган Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг марказий тажриба хўжалигининг ўтлоқи тупроқлари шароитида олиб борилди.

Ҳар йили тажриба вариантиларини жойлаштиришдан аввал тажриба олиб бориш учун танлаб олинган майдонинг дастлабки агрокимёвий хусусиятларини аниқлаш мақсадида даланинг беш нуқтасидан тупроқнинг ҳайдов 0-30 ва ҳайдов остки 30-50 см қатламларидан тупроқ намуналари олиниб, таҳлил қилинди. Таҳлил натижаларининг кўрсатишича, тадқиқот олиб борилган йиллари даланинг озиқа унсурлари билан таъминланганлик даражаси нитрат билан кам, фосфор ва калий би-

лан ўрта даражада бўлгани маълум бўлди.

Тажриба 16 та вариантдан иборат бўлиб, 3 тақорланишда бир ярусда жойлаштирилди. Тажриба даласида эгат кенглиги 60 см, узунлиги 50 м. Ҳар бир булакчалар майдони 240 м<sup>2</sup>, ҳисобга олинадиган майдон 120 м<sup>2</sup>. Тажрибаларнинг умумий майдони 1,2 га. Тажриба 3 йил давомида 1:1 (дон-дуккакли экин : мойли экин) қисқа ротацияли алмашлаб экиш тизимида олиб борилди. Тажрибада кунгабоқарнинг давлат ресстринг киритилган маҳаллий “Дилбар”, “Янги замон” ва хорижий “Березанский”, “Родник (R 453)” навлари экиб ўрганилди. 1-жадвал.

#### Тажриба тизими

№	Кунгабоқар навлари	Уруг экиш тизими	Маъданли ўғитларнинг йиллик меъёрлари, кг/га
1	Дилбар	60x25-1	N <sub>150</sub> P <sub>75</sub> K <sub>100</sub>
2			N <sub>180</sub> P <sub>90</sub> K <sub>120</sub>
3		60x30-1	N <sub>150</sub> P <sub>75</sub> K <sub>100</sub>
4			N <sub>180</sub> P <sub>90</sub> K <sub>120</sub>
5	Янги замон	60x25-1	N <sub>150</sub> P <sub>75</sub> K <sub>100</sub>
6			N <sub>180</sub> P <sub>90</sub> K <sub>120</sub>
7		60x30-1	N <sub>150</sub> P <sub>75</sub> K <sub>100</sub>
8			N <sub>180</sub> P <sub>90</sub> K <sub>120</sub>
9	Березанский	60x25-1	N <sub>150</sub> P <sub>75</sub> K <sub>100</sub>
10			N <sub>180</sub> P <sub>90</sub> K <sub>120</sub>
11		60x30-1	N <sub>150</sub> P <sub>75</sub> K <sub>100</sub>
12			N <sub>180</sub> P <sub>90</sub> K <sub>120</sub>
13	Родник (R 453)	60x25-1	N <sub>150</sub> P <sub>75</sub> K <sub>100</sub>
14			N <sub>180</sub> P <sub>90</sub> K <sub>120</sub>
15		60x30-1	N <sub>150</sub> P <sub>75</sub> K <sub>100</sub>
16			N <sub>180</sub> P <sub>90</sub> K <sub>120</sub>

Тажрибада кунгабоқарнинг маҳаллий “Дилбар”, “Янги замон” ва хорижий “Березанский”, “Родник (R 453)” навлари иккى хил экиш тизимида (60x25-1, 60x30-1) экилиб, маъданли ўғитларнинг иккى хил ( $N_{150}P_{75}K_{100}$  кг/га,  $N_{180}P_{90}K_{120}$  кг/га) меъёрлари билан озиқлантирилди.

Кузги тритикалени озиқлантиришда, азотли ўғитлардан аммиакли селитра (N-34%), фосфорли

ўғитлардан суперфосфат ( $P_2O_5$ —20%), калийли ўғитлардан калий тузи ( $K_2O$ —40%) ишлатилди. Тажрибада фосфорли ва калийли ўғитларнинг 100% миқдори кузда, шудгор остига қўлланилди. Азотли ўғитлар иккига бўлиб, 1-озиқлантириш 3-жуфт баргларни ҳосил қилиш даврида, 2-озиқлантириш гуллаш даврида қўлланилди.

**Натижалар ва мунозара.** Уруғ экиш тизимлари ва маъданли ўғитлар меъёрларини кунгабоқар навларининг барг сатхининг шаклланишига таъсири ўрганилганда Дилбар нави 60x25-1 схемада экиб, маъданли ўғитлар  $N_{150}P_{75}K_{100}$  нисбатда қўлланилган варианtlарда 1 туп ўсимликнинг барг сатхи биринчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида 28,3 см<sup>2</sup>, учинчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида 86,4 см<sup>2</sup>, саватчанинг шаклланиш фазасида 184,4 см<sup>2</sup>, гуллаш фазасида 599,6 см<sup>2</sup>, уруғ тугиш фазасида 404,8 см<sup>2</sup>, тўла пишиш фазасида 129,1 см<sup>2</sup>, маъданли ўғитлар  $N_{180}P_{90}K_{120}$  нисбатда қўлланилган варианtlарда 1 туп ўсимликнинг барг сатхи биринчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида 29,6 см<sup>2</sup>, учинчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида 89,6 см<sup>2</sup>, саватчанинг шаклланиш фазасида 187,5 см<sup>2</sup>, гуллаш фазасида 602,7 см<sup>2</sup>, уруғ тугиш фазасида 407,1 см<sup>2</sup>, тўла пишиш фазасида 132,4 см<sup>2</sup> ни ташкил этди. Бир гектар майдонда эса биринчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида 1616 м<sup>2</sup>, учинчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида 4916,0 м<sup>2</sup>, саватчанинг шаклланиш фазасида 10492,4 м<sup>2</sup>, гуллаш фазасида 34105,9 м<sup>2</sup>, уруғ тугиш фазасида 23010,4 м<sup>2</sup>, тўла пишиш фазасида 7362,9 м<sup>2</sup>, маъданли ўғитлар  $N_{180}P_{90}K_{120}$  нисбатда қўлланилган варианtlарда биринчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида 1707,9 м<sup>2</sup>, учинчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида 5169,9 м<sup>2</sup>, саватчанинг шаклланиш фазасида 10824,5 м<sup>2</sup>, гуллаш фазасида 34770,0 м<sup>2</sup>, уруғ тугиш фазасида 23518,5 м<sup>2</sup>, тўла пишиш фазасида 7651,0 м<sup>2</sup> ни ташкил этди.

Шу навнинг 60x30-1 схемада экиб, маъданли ўғитлар  $N_{150}P_{75}K_{100}$  нисбатда қўлланилган варианtlарда 1 туп ўсимликнинг барг сатхи биринчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида 29,2 см<sup>2</sup>, учинчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида 90,3 см<sup>2</sup>, саватчанинг шаклланиш фазасида 188,5 см<sup>2</sup>, гуллаш фазасида 603,6 см<sup>2</sup>, уруғ тугиш фазасида 408,9 см<sup>2</sup>, тўла пишиш фазасида 133,9 см<sup>2</sup>, маъданли ўғитлар  $N_{180}P_{90}K_{120}$  нисбатда қўлланилган варианtlарда 1 туп ўсимликнинг барг сатхи биринчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида 30,8 см<sup>2</sup>, учинчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида 92,7 см<sup>2</sup>, саватчанинг шаклланиш фазасида 190,4 см<sup>2</sup>, гуллаш фазасида 605,8 см<sup>2</sup>, уруғ тугиш фазасида 410,6 см<sup>2</sup>, тўла пишиш фазасида 135,8 см<sup>2</sup> ни ташкил этди. Бир гектар майдонда эса биринчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида 1372,4 м<sup>2</sup>, учинчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида 4172,3 м<sup>2</sup>, саватчанинг шаклланиш

фазасида 8670,5 м<sup>2</sup>, гуллаш фазасида 27719,0 м<sup>2</sup>, уруғ тугиш фазасида 18768,5 м<sup>2</sup>, тўла пишиш фазасида 6146,0 м<sup>2</sup>, маъданли ўғитлар  $N_{180}P_{90}K_{120}$  нисбатда қўлланилган варианtlарда биринчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида 1447,6 м<sup>2</sup>, учинчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида 4361,6 м<sup>2</sup>, саватчанинг шаклланиш фазасида 8967,6 м<sup>2</sup>, гуллаш фазасида 28472,6 м<sup>2</sup>, уруғ тугиш фазасида 19307,6 м<sup>2</sup>, тўла пишиш фазасида 6382,6 м<sup>2</sup> га етганлиги аниқланди.

Янги замон навида ушбу кўрсаткичлар куйидаги натижаларни кўрсатди: 60x25-1 схемада экиб, маъданли ўғитлар  $N_{150}P_{75}K_{100}$  нисбатда қўлланилган варианtlарда 1 туп ўсимликнинг барг сатхи биринчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида 30,5 см<sup>2</sup>, учинчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида 89,6 см<sup>2</sup>, саватчанинг шаклланиш фазасида 187,4 см<sup>2</sup>, гуллаш фазасида 602,8 см<sup>2</sup>, уруғ тугиш фазасида 407,7 см<sup>2</sup>, тўла пишиш фазасида 132,8 см<sup>2</sup>, маъданли ўғитлар  $N_{180}P_{90}K_{120}$  нисбатда қўлланилган варианtlарда 1 туп ўсимликнинг барг сатхи биринчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида 31,4 см<sup>2</sup>, учинчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида 91,4 см<sup>2</sup>, саватчанинг шаклланиш фазасида 189,3 см<sup>2</sup>, гуллаш фазасида 604,5 см<sup>2</sup>, уруғ тугиш фазасида 409,8 см<sup>2</sup>, тўла пишиш фазасида 134,1 см<sup>2</sup> ни ташкил этди. Бир гектар майдонда эса биринчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида 1706,3 м<sup>2</sup>, учинчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида 4974,9 м<sup>2</sup>, саватчанинг шаклланиш фазасида 10404,1 м<sup>2</sup>, гуллаш фазасида 33395,1 м<sup>2</sup>, уруғ тугиш фазасида 22592,1 м<sup>2</sup>, тўла пишиш фазасида 7357,1 м<sup>2</sup>, маъданли ўғитлар  $N_{180}P_{90}K_{120}$  нисбатда қўлланилган варианtlарда биринчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида 1764,7 м<sup>2</sup>, учинчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида 5136,7 м<sup>2</sup>, саватчанинг шаклланиш фазасида 10644,3 м<sup>2</sup>, гуллаш фазасида 33967,3 м<sup>2</sup>, уруғ тугиш фазасида 23008,3 м<sup>2</sup>, тўла пишиш фазасида 7553,3 м<sup>2</sup> ни ташкил этди.

Экиш схемаларини ўзгартириб, 60x30-1 схемада экилган ҳамда маъданли ўғитлар  $N_{150}P_{75}K_{100}$  нисбатда қўлланилган варианtlарда 1 туп ўсимликнинг барг сатхи биринчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида 32,5 см<sup>2</sup>, учинчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида 93,4 см<sup>2</sup>, саватчанинг шаклланиш фазасида 191,5 см<sup>2</sup>, гуллаш фазасида 606,6 см<sup>2</sup>, уруғ тугиш фазасида 411,8 см<sup>2</sup>, тўла пишиш фазасида 136,1 см<sup>2</sup>, маъданли ўғитлар  $N_{180}P_{90}K_{120}$  нисбатда қўлланилган варианtlарда 1 туп ўсимликнинг барг сатхи биринчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида 32,5 см<sup>2</sup>, учинчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида 96,5 см<sup>2</sup>, саватчанинг шаклланиш фазасида 194,4 см<sup>2</sup>, гуллаш фазасида 609,9 см<sup>2</sup>, уруғ тугиш фазасида 414,7 см<sup>2</sup>, тўла пишиш фазасида 139,9 см<sup>2</sup> ни ташкил этди. Бир гектар майдонда эса маъданли ўғитлар  $N_{150}P_{75}K_{100}$  нисбатда қўлланилган варианtlарда биринчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида

1449,5 м<sup>2</sup>, учинчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида 4170,1 м<sup>2</sup>, саватчанинг шаклланиши фазасида 8540,9 м<sup>2</sup>, гуллаш фазасида 27049,9 м<sup>2</sup>, уруғ тугиш фазасида 18352,9 м<sup>2</sup>, тўла пишиш фазасида 6087,9 м<sup>2</sup>, маъданли ўғитлар N<sub>180</sub>P<sub>90</sub>K<sub>120</sub> нисбатда қўлланилган варианларда биринчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида 1490,4 м<sup>2</sup>, учинчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида 4389,6 м<sup>2</sup>, саватчанинг шаклланиши фазасида 8829,0 м<sup>2</sup>, гуллаш фазасида 27628,5 м<sup>2</sup>, уруғ тугиш фазасида 18795,0 м<sup>2</sup>, тўла пишиш фазасида 6337,5 м<sup>2</sup> ни ташкил этди.


Уруғ экиш тизимлари ва маъданли ўғитлар меъёрларини кунгабоқар навларининг барг сатхининг шаклланишига таъсири Березенский нави мисолида ўрганилганда 60x25-1 схемада экиб, маъданли ўғитлар N<sub>150</sub>P<sub>75</sub>K<sub>100</sub> нисбатда қўлланилган варианларда 1 туп ўсимликнинг барг сатхи биринчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида 31,2 см<sup>2</sup>, учинчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида 92,3 см<sup>2</sup>, саватчанинг шаклланиши фазасида 190,4 см<sup>2</sup>, гуллаш фазасида 605,6 см<sup>2</sup>, уруғ тугиш фазасида 410,6 см<sup>2</sup>, тўла пишиш фазасида 135,2 см<sup>2</sup>, маъданли ўғитлар N<sub>180</sub>P<sub>90</sub>K<sub>120</sub> нисбатда қўлланилган варианларда 1 туп ўсимликнинг барг сатхи биринчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида 32,8 см<sup>2</sup>, учинчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида 95,4 см<sup>2</sup>, саватчанинг шаклланиши фазасида 193,8 см<sup>2</sup>, гуллаш фазасида 608,7 см<sup>2</sup>, уруғ тугиш фазасида 413,6 см<sup>2</sup>, тўла пишиш фазасида 138,8 см<sup>2</sup>ни ташкил этди.

Шу навнинг 60x30-1 схемада экиб, маъданли ўғитлар N<sub>150</sub>P<sub>75</sub>K<sub>100</sub> нисбатда қўлланилган варианларда 1 туп ўсимликнинг барг сатхи биринчи жуфт

барг ҳосил қилиш фазасида 33,6 см<sup>2</sup>, учинчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида 96,5 см<sup>2</sup>, саватчанинг шаклланиши фазасида 194,6 см<sup>2</sup>, гуллаш фазасида 609,8 см<sup>2</sup>, уруғ тугиш фазасида 414,7 см<sup>2</sup>, тўла пишиш фазасида 139,6 см<sup>2</sup>, маъданли ўғитлар N<sub>180</sub>P<sub>90</sub>K<sub>120</sub> нисбатда қўлланилган варианларда 1 туп ўсимликнинг барг сатхи биринчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида 34,6 см<sup>2</sup>, учинчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида 103,6 см<sup>2</sup>, саватчанинг шаклланиши фазасида 201,3 см<sup>2</sup>, гуллаш фазасида 616,1 см<sup>2</sup>, уруғ тугиш фазасида 421,5 см<sup>2</sup>, тўла пишиш фазасида 146,6 см<sup>2</sup>ни ташкил этди.

Бир гектар майдон бирлигидаги барг юза стахи хисобланганда 60x25-1 схемада экиб, маъданли ўғитлар N<sub>150</sub>P<sub>75</sub>K<sub>100</sub> нисбатда қўлланилган варианларда биринчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида 1756,6 м<sup>2</sup>, учинчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида 5190,9 м<sup>2</sup>, саватчанинг шаклланиши фазасида 10708,3 м<sup>2</sup>, гуллаш фазасида 34072,8 м<sup>2</sup>, уруғ тугиш фазасида 23094,3 м<sup>2</sup>, тўла пишиш фазасида 7611,8 м<sup>2</sup>, маъданли ўғитлар N<sub>180</sub>P<sub>90</sub>K<sub>120</sub> нисбатда қўлланилган варианларда биринчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида 1866,3 м<sup>2</sup>, учинчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида 5451,0 м<sup>2</sup>, саватчанинг шаклланиши фазасида 11027,2 м<sup>2</sup>, гуллаш фазасида 34640,7 м<sup>2</sup>, уруғ тугиш фазасида 23545,2 м<sup>2</sup>, тўла пишиш фазасида 7897,7 м<sup>2</sup>ни ташкил этди.

60x30-1 схемада экиб, маъданли ўғитлар N<sub>150</sub>P<sub>75</sub>K<sub>100</sub> нисбатда қўлланилган варианларда хар гектар майдоннинг барг юза сатхи биринчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида 1528,8 м<sup>2</sup>, учинчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида 4395,3 м<sup>2</sup>, саватчанинг



1-расм. Уруғ экиш тизимлари ва маъданли ўғитлар меъёрларининг кунгабоқар навларининг шаклланишига таъсири (1 га майдонда м<sup>2</sup>)

шаклланиш фазасида  $8854,3 \text{ м}^2$ , гуллаш фазасида  $27736,8 \text{ м}^2$ , уруғ тугиш фазасида  $18864,3 \text{ м}^2$ , тўла пишиш фазасида  $6351,8 \text{ м}^2$ , маъданли ўғитлар  $N_{180}P_{90}K_{120}$  нисбатда қўлланилган варианларда биринчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида  $1595,1 \text{ м}^2$ , учинчи жуфт барг ҳосил қилиш фазасида  $4776,0 \text{ м}^2$ , саватчанинг шаклланиш фазасида  $9293,8 \text{ м}^2$ , гуллаш фазасида  $28425,3 \text{ м}^2$ , уруғ тугиш фазасида  $19435,8 \text{ м}^2$ , тўла пишиш фазасида  $6758,3 \text{ м}^2$  майдонни ташкил этди.

Жадвал маълумотларига эътибор бериладиган бўлса, энг юкори барг юза сатҳи гуллаш фазасида эканлигини кўриш мумкин. Пишиш фазасига ўтганда барг сатхининг камайишининг асосий сабаби поянинг пастки қисмидаги баргларнинг тўклиши билан изохланади.

Ўрганилган навлар орасида хорижий Березанский нави қолган навларга нисбатан барг сатхининг юқорилиги билан ажралиб турди. Поя баландилиги ҳамда барг япроғининг катталиги битта ўсимликдаги ҳамда бир гектар майдондаги барг сатҳига ўз ижобий таъсирини кўрсатди. Маъданли ўғитларнинг меъёрларини ортиб бориши битта ўсимлика  $0,3-7,1 \text{ см}^2$  гача, экиш меъёрларининг ортиши билан эса  $0,9-4,8 \text{ см}^2$  гача барг сатхининг ортишига олиб келди.

**Хуноса.** Кунгабоқар навларида юқори барг саатҳи гуллаш фазасида кузатилиб, юқори натижалар маъданли ўғитларнинг  $N_{180}P_{90}K_{120}$  кг/га меъёрлари қўлланлган варианларда аниқланган бўлса, навлар бўйича юқори барг сатҳи “Березанский” навида номоён бўлди.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Nel A.A., Loubser H.L., Hammes P.S. The effect of water stress during grain filling on the yield and processing quality of sunflower seed// S. Afr. J. Plant and Soil. 2001. № 3. т.18. С. 114-117.
2. Лошкомойников И.А., Пузиков А.Н. Густота стояния, урожайность и качество семян подсолнечника в условиях Омской области// Земледелие. 2009. №8. С. 20-22.
3. Луков М.К., Тоғаймурадов Э.Б., Исмоилов И.С. Кунгабоқарнинг юқори навли уруғлигини етиштиришнинг самарали усули - Ўзбекистонда мойли ва толали экинларни етиштириш ҳамда уларнинг маҳсулдорлигини оширишига қаратилган янги технологиялар, Республика илм-амал. Конференцияси мақолалар тўплами, Тошкент. 2009. Б. 28-29.
4. Луков.М.Қ. Мойли экинлар селекцияси ва уруғчилиги (лексиялар курси), Самарқанд-2012.11-12.6.
5. Худайқулов Ж.Б., Атабаева Х.Н. Кунгабоқар етиштириш // 100 китоб тўплами, 43-китоб. “Агробанк” АТБ – 2021, 7-бет.
6. <https://yuz.uz/news/ozbekistonda-kungaboqar-hosili-osimlik-moyi-va-shrot-ishlab-chiqarishgaganoltiriladi>

**УО‘Т: 636.5:637.54:577.16:614.3**

## TUXUM YO‘NALISHIDAGI TOVUQLAR GO‘SHTI SIFATIGA INNOPROVET PROBIOTIGINING TA’SIRINI VETERINARIYA SANITARIYA JIHATDAN BAHOLASH

Ilyosov Zafar Ilyos o‘g‘li, mustaqil izlanuvchi,

Abdihakimova Malika Eshvali qizi, talaba,

Hojijeva Dilbar O’tkir qizi, talaba,

Samarqand davlat veterinariya meditsinasasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universiteti.

*Annotatsiya. Ushbu maqolada tuxum yo‘nalishidagi tovuqlarga “Innoprovet” probiotigi berilganda tovuqlarning go‘shtiga hamda ulardan olingan go‘shtini veterinariya sanitariya jihatdan baholash, tarkibini o‘rganish natijalari keltirilgan.*

*Kalit so‘zlar: probiotik, immunitet, oqsil, yog‘, uglevod, vitamin, namlik, kul va aminokislota.*

*Аннотация. В статье представлены результаты ветеринарно-санитарной оценки состава мяса кур и мяса, полученного от них при скармливании курам-несушкам пробиотика «Иннопропрет».*

*Ключевые слова:* пробиотик, иммунитет, белок, жир, углевод, витамин, влага, зола и аминокислота.

**Abstract.** This article presents the results of a veterinary and sanitary assessment of the composition of chicken meat and meat obtained from them when laying hens were given the probiotic "Innoprovet".

**Keywords:** probiotic, immunity, protein, fat, carbohydrate, vitamin, moisture, ash, and amino acid.

**Kirish.** Parrandachilik xalqimizning oziq-ovqat maxsulotlariga bo'lgan talabini qondirishda muhim manbaa bo'lib xizmat qilmoqda. Parrandalarning genetik potensiali darajasida mahsuldorligini ta'minlashning nazariy asoslari va profilaktik tadbirlarini ishlab chiqish bugungi kunda veterinariya sohasi oldidagi asosiy vazifalardan hisoblanadi.

Bugungi kunda mamlakatimizda yuqori mahsuldor parranda zotlari va krosslari mavjud. Ammo parrandalarni oziqlantirishdagi kamchiliklar: sifatsiz bo'lgan ozuqalar, ratsion tarkibida vitaminlilar, makro va mikroelementlari va boshqa biologik faol qo'shimchalarining yetishmasligi ularning mahsuldorligi, reproduktiv qobiliyatni va kasalliklarga chidamliligining pasayishi, tuxumdan jo'ja ochib chiqishidagi kamchiliklarga sabab bo'lmoxda [1, 4].

Respublikamiz aholisini oziq-ovqat mahsulotlari bilan barqaror ta'minlash hamda parrandachilik mahsulotlarini ishlab chiqarishning raqobatbar-doshligini oshirish, ilg'or xorijiy davlatlar tajribasidan foydalangan holda parrandachilik klasterlarini tashkil qilish va innovatsion texnologiyalarni keng tatbiq etish, parrandachilik mahsulotlari turlarini ko'paytirish va bozor munosabatlарini yanada kuchaytirish maqsadida parrandachilikning turli yo'nalişlarining ommaviyligini oshirish choralarini ko'rish, aholi xonardonlarida parranda go'shti va tuxumga bo'lgan ehtiyojlarni yanada barqaror ta'minlash maqsadida xonaki parranda turlarini qishloq joylarida ko'paytirish bilan bir qatorda parranda go'shtining tavsiya etilgan minimal iste'mol normalarini qayta ko'rib chiqish, tuxum yo'nalişidagi tovuq zotlarini mahalliy sharoitga moslashtirish va ixtisoslashgan parrandachilik bo'rdoqichilik xo'jaliklarini tashkil etish hisobiga kooperatsiya tizimini joriy etish va qo'shilgan qiymat zanjirini yaratish choralarini ko'rish kabi vazifalarni tadqiqotlarimiz davomida o'rganib boriladi [3, 5].

**Materiallar va uslublar.** Tadqiqotlarimizning eksperimental qismi Samarqand viloyati Jomboy tumanining "Qorasuv parranda fayz" parrandachilik fermer xo'jalikdagi tajriba uchun ajratilgan 30 bosh 4,5 oylik "Lohman sandi" zotli tuxum yo'nalişidagi tovuqlarda o'tkazildi. Tajriba uchun olingan tuxum yo'nalişidagi tovuqlarga PZ - 2020123121-raqamli innovatsion loyiha asosida ishlab chiqarilayotgan "Innoprovet" probiotigini suviga qo'shib berilib, nazorat guruhi esa tajriba guruhi bilan bir xil oziqlantirish tashkil etildi. Tajriba va nazorat guruhidagi tovuqlar kuzatish, o'hash hamda tirk vazn nazorati orqali doimiy nazorat qilib borildi. Tovuqlardan olingan go'sht Respublika hayvonlar kasalliklari tashxisi va oziq ovqat mahsulotlari xavfsizligi davlat markazida, Akademik A.S. Sodiqov nomidagi bioorganik kimyo instituti laboratoriyalari-da tekshirilib natijalar olindi.

**Natijalar va munozara.** Tovuqlar go'shtining kimyoviy tarkibi uning oziq-ovqatilik qiymatini belgilaydi. Go'sht tarkibidagi oqsillar, uglevodlar yog'lar, vitamin va minerallar, ekstraktiv moddalarning go'sht tarkibidagi nisbati parrandaning zotiga, jinsiga, yoshiga, oziqlanish sifatiga, semizligiga va boshqa ko'plab omillarga qarab o'zgaradi [6].

Tajriba va nazorat guruhalidagi tovuqlardan olingan go'shtni kimyoviy tarkibi tekshirilganda quyidagicha natijalar olindi (1-jadval):

Tajriba va nazorat guruhalidagi tovuqlar go'shtidan olingan o'rtacha namunada tajribadagi go'shtda oqsil miqdori 22.79 % nazorat guruhida esa 21.99 % ekanligi aniqlandi. Shu bilan birgalikda tajriba guruhidagi tovuqlar go'shti tarkibida yog' va kul miqdori mos ravishda 8.82 va 1.04 % ekanligi va bu ko'satkichlar nazorat guruhida esa 8.73 va 1.01 ekanligi aniqlandi. Namlik esa tajriba guruhida 70.7 % nazorat guruhida 71.8 % ni tashkil etmoqda.

1-jadval.

#### Tajriba va nazorat guruhalidagi tuxum yo'nalişidagi tovuqlardan olingan go'shtni kimyoviy tarkibi

Guruhal	Oqsil		Yog'		Namlik		Kul	
	%	N %	%	N %	%	N %	%	N %
Tajriba	22.79±0,09	112	8.82±0,46	102	70.7±1,01	98,6	1.04±0,06	122
Nazorat	21.99±0,18	100	8.73±0,23	100	71.8±1,03	100	1.02±0,06	100

N %- nazoratga nisbatan foiz ko'satkich.

2-jadval

**Tajriba va nazorat guruhlardagi tuxum yo'nalishidagi tovuqlar go'shti tarkibidagi umumiy aminokislotalar miqdori**

Aminokislota	Nazorat	Tajriba
	Konsentratsiya mg/gr	
Aspargin kislota	3.054876	3.567576
Glutamin kislota	1.150063	1.620113
Serin	0.118941	0.689732
Glitsin	0.238111	0.335476
Asparagin	0.479756	0.98072
Glutamin	1.041833	0.52656
Sistein	4.510383	6.934426
Treonin	1.40176	0.427175
Argenin	12.45273	19.79976
Alanin	4.027056	3.884466
Prolin	13.69903	9.956311
Tirozin	0.410941	0.270992
Valin	0.345394	0.843417
Metionin	0.821046	0.307372
Gistidin	6.664808	6.222429
Izoleysin	0.207916	0.158314
Leytsin	1.380508	1.248311
Triptofan	0.351161	0.258557
Fenilalanin	0.181634	0.1786
Lizin	0.098998	0.149299
Jami:	52.636945	58.359606

Tajriba va nazorat guruhlardagi tovuqlar go'shti tarkibidagi umumiy aminokislotalar miqdori o'rganilib quyidagicha natijalar olindi (2-jadval):

Tajriba va nazorat guruhlardagi tovuqlar go'shtidan olingan o'ttacha namunada tajribadagi go'shtda asosiy o'r'in almashilmaydigan aminokislotalar miqdori nazorat guruhiga nisbatan tajriba guruhida 1.17 % ga yuqori ekanligi aniqlandi.

Go'sht tarkibida asosiy o'r'in almashilmaydigan aminokislotalar miqdorining ko'-payishi oziq-ovqatlik darajasini oshishiga olib keladi.

Yuqoridagi jadval ma'lumotlaridan ko'rinish turubdiki tovuqlar go'shti tarkibidagi umumiy aminokislotalar nazorat guruhiga nisbatan miqdori tajriba guruhida 0,11 % ga yuqori ekanligi aniqlandi.

**Xulosasi.** Tadqiqot natijalaridan ko'rinish turubdiki probiotik bilan qo'shimcha oziqlantirilgan tovuqlarda ichki organlarning hujayra va to'qimalariga ijobiy ta'sir ko'rsatishi natijasida o'sish jadalligi nazorat guruhiga nisbatan yuqoriligi aniqlandi. Tajribadagi tovuqlar go'shti tarkibidagi umumiy amino-kislotalar nazorat guruhiga nisbatan miqdori 0,11 % ga yuqori ekanligi aniqlandi.

Probiotik bilan qo'shimcha oziqlantirilgan tovuqlarda moddalar almashinuvining jadallahishi hisobiga tajribadagi tovuqlar go'shti tarkibida oqsil va yog' hamda aminokislotalar miqdorining nazorat guruhidan olingan go'shtga nisbatan ko'payishi oziq-ovqatlik va energetik qiymatini oshiradi.

### ADABIYOTLAR

1. N.Sh. Hamraqulov va boshqalar. Tuxum yo'nalishidagi tovuqlarda kaltsiy va fosfor almashinuvni buzulushining simptomlari va gematologik ko'rsatkichlari. VETERINARIYA MEDITSINASI ilmiy ommabop jurnalı (Toshkent –2022, № 2, 15 B.).
2. Z.I.Ilyosov, X.B.Yunusov va F.B.Ibragimov. Evaluation of Egg Quality in Poultry. INTERNATIONAL JOURNAL OF BIOLOGICAL ENGINEERING AND AGRICULTURE (2023-12-06, № 2, 9-13 P.).
3. Методы контроля. Химические факторы. Руководство по методам контроля качества и безопасности биологически активных добавок к пище. Руководство Р 4.1.1672-03. М.: Федеральный центр госсанэпиднадзора Минздрава России, 2004.
4. Z.I.Ilyosov, X.B.Yunusov va F.B.Ibragimov. Tuxum yo'nalishidagi tovuqlarning oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlashdagi o'rni (Adabiyot taxlili). VETERINARIYA MEDITSINASI ilmiy ommabop jurnalı (Toshkent –2023, № 3, 108-109 B.).
5. A.X.Xolmatov Tuxum yo'nalishida parrandachilik «Agrobank» ATB.-Toshkent: "TASVIR" nashriyot uyi, 2021.
6. Raxmatillayev P.E., Nurmuxammedov X.N. "Tuxum yo'nalishidagi tovuqlarni parvarishash qilish" Toshkent 2013-yil.

УЎТ: 638.27

## ИССИҚ ҲАВО БИЛАН ТУРЛИ ЮҚОРИ ҲАРОРАТ РЕЖИМЛАРИДА ВА ДАВОМИЙЛИКДА ПИЛЛАЛАРГА ИШЛОВ БЕРИШ ЖАРАЁНИДА БУҒЛАНГАН НАМЛИК МИҚДОРНИИ АНИҚЛАШ

**Умаров Сардор Фотихович**, лаборатория мудири, техника фанлари номзоди,  
**Джабборов Хикматулла Хамидович**, катта илмий ходим,  
 Ипакчилик илмий-тадқиқот институти.

**Аннотация.** Мақолада тирик пиллаларга турли юқори ҳарорат режимларида ва давомийликда пиллакүртши агрегатида иссиқ ҳаво билан ишлов берилган пиллалардан бўғланган намлик миқдорини аниқлаши мақсадида ишлаб чиқарши шароитида олиб борилган тажриба натижалари келтирилган.

**Калим сўзлар:** тирик пилла намлиги, эркин ва гигроскопик намлик, пилла гумбагини жонсизлантиши, пиллаларни иссиқ ҳаво билан қўртиши, пиллакүртши агрегати, пиллалардан намликнинг бугланиши.

**Аннотация.** В статье приведены результаты экспериментов, проведенные в производственных условиях, с целью определения количества испарившейся из коконов влаги, обработанные горячим воздухом на коконосушильном агрегате при разных высоких температурных режимах и продолжительности.

**Ключевые слова:** влажность живого кокона, свободная и гигроскопическая влажность, замаривание кокона, сушка коконов горячим воздухом, коконосушильный агрегат, испарение влаги из коконов.

**Abstract.** The article presents the results of experiments conducted under production conditions to determine the amount of moisture evaporated from cocoons treated with hot air in a cocoon drying unit at different high temperature conditions and durations.

**Keywords:** humidity of a living cocoon, free and hygroscopic humidity, killing pupa of silkworm cocoon, drying cocoons with hot air; a cocoon drying agrigate, evaporation of moisture from cocoons.

**Кириш.** Пилла – тузилиши, келиб чиқиши бўйича турли компонентлардан, яъни ипак қобиғи, тут ипак қурти гумбагидан иборат қишлоқ хўжалик маҳсулоти ҳисобланади. Тирик ёки хом пилланинг характеристли ҳусусияти намлик миқдорининг юқорилиги бўлиб, ўртacha 160-180%га етади. Бу намлик пилланинг алоҳида компонентлари ўртасида бир хил таҳсилланмаган [1,2]. Етилган тирик пиллада, унинг массасини 76-86%ни гумбак, 14-24%ни ипак қобиғининг массаси ташкил этади [3].

Қуритиш жараёни пилладаги намликни йўқотишдан иборат. Хом пилладаги намлик кимёвий боғланган, гигроскопик ва эркин ҳолатда бўлади. Пиллани қуритиш жараёнида эркин намлик пилладан буғланниб йўқотилади, бу асосан гумбакда бўлади. Пиллани қуритиш жараёнида гумбак ташки мухитга ўз намлигини диффузия йўли билан пилла қобиғи ва қобиқ ичидаги ҳаво қатлами орқали беради.

Қуритиш жараёнининг жадаллиги асосан пилла қобиғи қатлами орқали масса ўтказувчаникнинг жадаллиги билан пилла ичидаги ва ташқаридаги

ҳавонинг намлик миқдорини тафоввути билан аниқланади. Қуритиш жараёнини кечиши материалдаги ва атроф-муҳитдаги намликнинг миқдорига, ҳамда намликнинг пилла билан боғлиқлик ҳусусиятига боғлиқ. Кимёвий боғланган сув пилла моддалари молекуларининг тузилишида иштирок этади. Уни олиб ташланиши қайтарилмас ўзгаришларга, яъни моддани бузилишига олиб келади.

Гигроскопик намлик атроф-муҳитнинг ҳарорати ва намлигига боғлиқ. Гигроскопик намликни оптика олиб ташлаш пилланинг физик-кимёвий ҳусусиятларини ўзгартиради, шунинг учун пиллани қуритиш даврида 8-12% оралиғидаги гигроскопик намликни олиб ташлаб бўлмайди.

Иссиқ ҳаво билан тут ипак қурти пилласи гумбагини ўлдириш ва пиллани қуритиш мамлакатимиз ва хорижда асосий усуllibардан бири бўлиб қолмоқда [4]. Иссиқ ҳаво билан турли юқори ҳарорат режимларида ва давомийликда пиллаларга ишлов бериш жараёнида улардан буғланган намлик миқдорини аниқлаш устида тадқиқот ишлари деярли олиб борилмаган. Шу сабабли бу йўналишларда

тадқиқотлар олиб бориш мухим масалалардан ҳисобланади.

**Материаллар ва услублар.** Тадқиқот ишлари учун тажрибалар Ипакчилик илмий-тадқиқот институти қуртхонасида маҳаллий тут ипак курти дурагай уруғларидан етиштирилган пиллаларида ўтказилди. Бир хил шароитда ва бир кунда тереб олинган пилла партиясидан қорапачоқ, кар ва ностандарт пиллалар сараланди. Қолган навли пиллалар аралашмаси партиясидан 75-115°C ҳарорат оралиғидаги турли юқори ҳарорат режимларида ва давомийликда пиллаларга ишлов бериб, тажрибалар ўтказиш учун ҳаво ўтказувчи қопчаларга бир хил миқдорда пилла намуналари олинди.

Тажрибалар Самарқанд вилоятида ишлаб чиқарыш шароитида пиллаларни қуритишда фойдаланилаётган XXP ишлаб чиқарилган хорижий пилла қуритиш агрегатида ҳарорат пасайиб бориш режимида амалга оширилди.

Мазкур агрегатда пиллаларни қуритиш жараёнида улардан буғланиб чиққан намлик миқдорини аниқлаш максадида ишлов беришдан олдинги ва ишлов беришдан кейинги пилла намуналарининг вазнлари электрон тарози ёрдамида 0,01 аниқликда ўтчанди. Олинган тажриба натижаларига математик статистик ишлов берилди.

**Натижалар ва мунозара.** Пиллаларни иссиқ ҳаво билан пилла қуритиш агрегатида қуритиш

жараёнида буғланган намлик миқдорини аниқлаш максадида пилла намуналарини ишлов беришдан олдинги ва кейинги вазнлари ўтчанди. Тажриба натижалари 1-жадвалда келтирилган.

Жадвалдан кўриш мумкинки, пилла намуналарига хорижий пилла қуритиш агрегатида 95-75°C ҳарорат интервалида, ҳарорат пасайиб бориш режимида 6 соат давомида иссиқ ҳаво бориш орқали ишлов берилганда, пиллалар гумбагидан буғланиб чиққан намлик миқдори ўтча 65,29 г. ташкил этди. Бошқа ҳарорат режимида, яъни пилла намуналарига 110-75°C ҳарорат интервалида, ҳарорат пасайиб бориш режимида 4 соат давомида иссиқ ҳаво билан ишлов берилганда, пиллалар гумбагидан буғланиб чиққан намлик миқдори ўтча 62,73 г. ташкил этди. Шунингдек, пилла намуналарига хорижий пилла қуритиш агрегатида 95-70°C ҳарорат интервалида, ҳарорат пасайиб бориш режимида 3,5 соат давомида иссиқ ҳаво билан ишлов берилганда, пиллалар гумбагидан буғланиб чиққан намлик миқдори ўтча 51,07 г. ташкил этди. Пилла намуналарига 105-75°C ҳарорат интервалида, ҳарорат пасайиб бориш режимида 4 соат давомида иссиқ ҳаво билан ишлов берилганда, пиллалар гумбагидан намликтин буғланиб чиқиши миқдори, юқоридаги ҳарорат режимида, яъни 95-70°C ҳарорат интервалида

1-жадвал.

#### Пиллаларни пилла қуритиш агрегатида қуритиш жараёнида буғланган намлик миқдори кўрсаткичлари

Қайтарилишлар сони	Қуритишдан олдинги намунашаги пиллалар вазни, г	Қуритишдан кейинги намунашаги пиллалар вазни, г	Намунашаги пиллалардан буғланган намлик миқдори, г	Намунашаги пиллалардан ўтча буғланган намлик миқдори, г	Агрегатта киришдаги ва ундан чиқишидаги ишчи ҳаво ҳарорати, °C	Қуритиш давомийлиги, соат
1	156,34	89,75	66,59	65,29±0,76	95-75	6
2	156,34	91,02	65,32			
3	156,24	92,29	63,95			
1	155,37	93,45	61,92	62,73±0,53	110-75	4
2	155,60	91,86	63,74			
3	155,68	93,15	62,53			
1	153,51	102,96	50,55	51,07±0,31	95-70	3,5
2	153,65	102,02	51,63			
3	153,30	102,26	51,04			
1	154,47	98,01	56,46	57,18±0,40	105-75	4
2	154,54	96,69	57,85			
3	154,08	96,85	57,23			

ишлов берилган пиллаларга нисбатан бирмунча кўпроқ бўлиб, 57,18 г. ташкил этди.

**Хуроса.** Олинган натижалардан шундай хуросага келиш мумкинки, пиллаларга пиллақуритиш агрегатида иссиқ ҳаво билан ишлов беришда ҳавонинг ҳарорати ва давомийлиги ошган сари, пиллалардан буғланган намлик миқдори ошади. Аксинча пиллаларга пиллақуритиш агрегатида иссиқ ҳаво билан ишлов беришда ҳавонинг ҳарорати ва давомийлиги

камайган сари, пиллалардан буғланган намлик миқдори ҳам камаяди.

Келгусида пиллаларга юқоридаги ҳарорат режимларида ва давомийлиқда иссиқ ҳаво билан ишлов берилган пиллаларни сояли пиллақуритигчиларда қуритишда, уларнинг ҳаво намлигидаги қуруқ пилла ҳолатига келиш давомийлигини аниқлаш устида тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим масалалардан ҳисобланади.

### АДАБИЁТЛАР

1. А.М.Махаматханов, Н.М.Исламбекова, С.Т.Валиев. Ўзгарувчан босим остида тирик пиллаларни қуритиш усулини ишлаб чиқиш. Монография. – Тошкент: “Фан” нашриёти, 2023. – 136 б.
2. Кадыров Ш.А., Махаматханов А.М., Ибрагимов И.И., Латипов К.Ш. Сушка живых шелковичных коконов пульсационным способом. – Ташкент: Издательство “Ўзбекистон”, 1994. – 104 с.
3. Рубинов Э.Б. Шелкосырье и кокономотание / Рубинов Э.Б., Мухамедов М.М., Осипова Л.Х., Бурнашев И.З.– 2-е изд. – М.: Легпромбытизdat, 1986. – 312 с.
4. Ш.Йўлдошев. Пилла қуритиш ускуналарида тут ипак қурти ғумбагини ўлдириш ва пиллани қуритиш бўйича тавсиянома. – Тошкент, 1993. -7 б.

УО‘Т: 631.64

## INTENSIV BOG‘LARNING SUV ISTE’MOLINI ANIQLASHNING HISOBİY USULLARI

To‘raev O‘ktam Ismoilovich, mustaqil tadqiqotchi,  
Termiz davlat muxandislik va agrotexnologiyalar universiteti.

*Annotatsiya. Mazkur maqolada intensiv bog‘larda etishtiriladigan ko‘p yillik daraxtlarni parvarishlash, xususan, “Anjir” navli shaftolini etishtirishda uning suvgaga bo‘lgan talabini aniqlash orqali, yuqori va sifatli maxsulot olinishida kerak bo‘ladigan resurslarni tejash, maqbul sug‘orish tartibini ishlab chiqish jarayonlari keltirilgan. Intensiv bog‘dagi shaftolini sug‘orish ishlarini olib borishda, tuproqning mechanik tarkibi, suv o‘tkazuvchanlik, sug‘orish turlari, resurslarning tejalishi, suv iste’molini aniqlash asosiy masala hisoblanmoqda. Olib borilayotgan tadiqiqotda muommolarni bartaraf qilish bo‘yicha tahlillar, ortiqcha resurslardan yo‘qotilishiga barham berish asosiy vazifa qilib olingan.*

**Kalit so‘zlar:** intensiv bog‘, suv, zamonaliv sug‘orish, iqlim o‘zgarishi, resurs, tuproq, namligi, usul.

**Аннотация.** В данной статье представлены процессы ухода за многолетними деревьями, выращиваемыми в интенсивных садах, в частности, определение потребности в воде сорта персика «Анжир», что позволяет экономить ресурсы и разрабатывать оптимальный режим орошения, необходимый для получения высококачественной продукции. При поливе персиков в интенсивном саду основными вопросами являются определение механического состава почвы, водопроницаемости, типов орошения, ресурсосбережения и водопотребления. Основная задача проводимых исследований — анализ проблем и устранение ненужной траты ресурсов.

**Ключевые слова:** интенсивное садоводство, вода, современное орошение, изменение климата, ресурс, почва, влага, метод.

**Abstract.** This article presents the processes of caring for perennial trees grown in intensive gardens, in particular, by determining their water requirements in the cultivation of the “Anjir” variety of peach, the processes of saving resources and developing an optimal irrigation regime necessary for obtaining a high and quality product are presented. When carrying out peach irrigation in an intensive garden, the main issue is to determine the mechanical composition of the soil, water permeability, types of irrigation, resource conservation, and water consumption. The main task of the ongoing research is to analyze the elimination of problems and eliminate the loss of excess resources.

**Keywords:** Intensive garden, water, modern irrigation, climate change, resource, soil, moisture, method.

**Kirish.** Bugungi kunda O'zbekistonning barcha xududlarida global iqlim o'zgarishi quyidagi salbiy oqibatlarga olib kelmoqda. Jumladan, harorat ko'tarilishi natijasida suvning bug'lanish koeffitsiyenti ortib borishi, hududlarda cheklangan suv resurslarning kamayishi, suv tanqisligiga ta'sirini ko'rsatmoqda; ekologik taqchilik oqibatida yillar davomida umuman yog'ingarchilik bo'limgan kunlar soni tobora ko'paymoqda; qolaversa tuproqning namligi kamayishi hisobiga takroriy qurg'oqchilik xavfi ortib bormoqda va hosildorlikdagi ko'rsatkichlar dinamikasi pasayib bormoqda; kasbiy, orol dengizlariga quyladigan suv hajmining kamayishi, daryo deltasining cho'iga aylanishi va qurigan dengiz tubida yangi cho'l maydonlari paydo bo'lishini tezlashtirmoqda; atmosfera havosi esa tubdan katta maydonlarda changlanish ortib bormoqda; isish va sovish kabi anomal hodisalarning o'zgarishi kun sayin ortib qishloq xo'jaligi mahsulotlari va bog'larni, mevalarning nobud bo'lismiga sabab bo'lmoqda [6].

Bilamizki ekinni sug'orishda, sug'orish tartibi, sug'orish davriyig'i, sug'orish elementlari, texnika va texnologiyasiga ta'sir etuvchi omillari quyidagilardan iborat: yer maydonlarining iqlim sharoiti; tuproq va meliorativ sharoiti; geologik va gidrogeologik sharoiti; gidrologik sharoiti; iqtisodiy xo'jalik sharoiti; ekinlari navlaringin turlari va geografiy joylashishi; g'o'zaning biologik xususiyatlari; bog'ni sug'orish usuli va texnika - texnologiyasi; uzumni yetishtirishda ilg'or agroteknik tadbirlarini tadbiq qilish darajasi [2].

Yuqoridaqgi dolzarb vazifalaridan kelib chiqib, Dala tajribalarini o'tkazish o'slubiyatlari asosida tadqiqotlar amalga oshirilmoqda[3]. Potensial bug'lanuvchanlikni tuproq-o'simlik-atmosfera tizimidagi issiqlik va namlik almashinuvu dinamikasini xarakterlovchi tenglamalarni qo'llashga asoslangan hisob usullardan foydalanib aniqlanadi. Hisob usullarining maqbul suv ta'minotida bug'lanuvchanlik kabi majmuvi ko'rsatkich bilan baholanadigan qishloq xo'jalik dalasi va atmosferaning energetik resurslari o'rtaida chambarchas bog'liqlik mavjudligi nazariy asosi bo'lib xizmat qiladi. Ko'p holatlarda jami suv iste'molini aniqlashda (evapotranspirasiya) asos sifatida sug'orilayotgan maydonning namlikni bug'lanirishida o'simliklar va iqlimning rolini hisobga oladigan koeffitsientlar loyihalashtirilgan bug'laniruvchanlik olinadi.

**Materiallar va usulublar.** 2023-2024 yillarda intensiv bog'larda yetishtirilayotgan shaftoloni resurstejamkor sug'orish texnologiyalaridan foydalangan holda sug'orish ishlarini tashkil qilish va eng maqbul sug'orish tartibini ishlab chiqishdan iboratdir. Shaftoloni egatlab sug'orish texnologiyasida ChDNSga nisbatan 70-75-65 % sug'orish oldi tuproq namligida 2-4-1 tizimda jami 7 marta sug'orilib. Shaftoloni zamonaviy tomchilatib sug'orish texnologiyasini ChDNSga nisbatan 70-75-65 % sug'orish oldi tuproq namligida 3-7-2 tizimida jami 12

marta sug'orilib, yaxshi natija olindi. Intensiv bog'dagi shaftoliga tomizgichli shlangdan tomayotgan tomchidollarning suv sarfini 3.0 l/soat suv berilganda 2023 yilda 62,4 % ga, 2024 yilda esa 64,7 % ga, tomchidollarning suv sarfini 3.5 l/soat suv berilganda 2023 yilda 52,4 %, 2024 yilda esa 53,2 % ga, tomchidollarning suv sarfini 3.9 l/soat suv berilganda 43,6 % va 41,4 % sug'orish suvlarini tejalganligini, shuningdek, intensiv bog'da qator oralariga o'tkazilgan ishlovlari sonining 2,3 baravar kam xaratjatlar bo'lganligi hisobiga, Shu koeffitsientlarni hisobga olib, jami suv iste'moli (mm) quyidagi bog'liqlikdan aniqlanadi[2]:

$$ET = k_b k_o ET_o \quad (1)$$

bu yerda:  $k_b$  – o'simliklar rolini tavsiflovchi biologik koeffitsient;

$k_o$  – mikroiqlim koeffitsient;

$ET_o$  – bug'lanuvchanlik (potensial evapotraspirasiya), mm.

Bug'lanuvchanlikni aniqlashning xorijiy usul-laridan X.L.Penman, L.Tyurk, X.F.Bleyni va V.D.Kridlning hisob modellarini keng tarqalgan.

O'zbekistonda bug'lanuvchanlik va suv iste'molini aniqlashning hisob modellaridan N.N.Ivanovning quyidagi ko'rinishga ega bo'lgan soddalashtirilgan formulasiga asoslangan A.M. va S.M.Alpatovlar usuli keng tarqalgan:

$$ET_o = k_o \sum d\varphi \quad (1)$$

bu yerda:  $ET_o$  – bug'lanuvchanlik, mm;

$k_o$  – bug'lanuvchanlik va havo namligi taqchilligi o'rtaсидаги 0,61 ga teng bo'lgan proporsionallik koeffitsienti;

$\sum d\varphi$  – hisob davri uchun havo namligining taqchilligi yig'indisi, mm.

So'ngi 50 yil mobaynida butun dunyo olim va mutaxassislari tomonidan  $ET_o$  (potensial evapotraspirasiya) turli iqlim parametrlari bo'yicha ishlab chiqilgan. By usullar ko'pincha maxalliy ahamiyatga ega bo'lgan va dunyoning boshqa joylarida qo'llanilgan. U yoki bu usul sinovlarining boshqa sharoitlarda o'tkazilishi sermehnat, uzoq davom etadigan ish bo'lib,  $ET$  bo'yicha ma'lumotlar operativ ravishda kerak[1]. FAO (Food and Agriculture Organization) quyidagi hisob usulining baholanishini o'tkazdi: radiatsion, Penman usuli, bug'lantirgich bilan ishlash usuli, Penmannning aniqlashtirilgan usuli. Irrigatsiya va suv iste'moli bo'yicha fuqaro muhandislari Amerika jamiyati qo'mitasi rahbarligida o'tkazilgan bu baholash natijalari bo'yicha FAO evapotranspirasiyani hisoblash uchun yagona standart usul sifatida Penman-Monteyn usulini tavsuya qildi. X.L.Penmannning fikricha energetik balans nazariyasini massani ko'chirish usuli bilan birlashtirdi va standart iqlim sharoitlari uchun ochiq suv yuzasidan bug'lanishni hisoblash uchun tenglama ishlab chiqdi. Bu kombinasion usul deb atalgan usul keyinchalik ko'plab tadqiqotchilar tomonidan rivojlantirildi va qarshi-

lik omillarini kiritish yo'li bilan ekin ekilgan maydonlarda qo'llaniladi.

$$ET_0 = \frac{0,408 \cdot \Delta(R_n - G) + \gamma \cdot T + 273 \cdot u_2 \cdot (e_s - e_a)}{\Delta + \gamma \cdot (1 + 0,34 \cdot u_2)} \quad (3)$$

bu yerda:  $ET_0$  -potensial evapotranspirasiya (mm  $\text{km}^{-1}$ );

$R_n$ - ekin ustidagi radiasiya nettosi [ $\text{MDjm}^2 \text{ kun}^{-1}$ ];

$G$  - tuproqning issiqqliq oqimi zichligi, [ $\text{MDjm}^2 \text{ kun}^{-1}$ ];

$T$  - 2 m balandlikdagi havoning o'rtacha harorati [ $^{\circ}\text{S}$ ];

$u_2$  - yer yuzasidan 2 m balandlikda shamol tezligi [ $\text{m s}^{-1}$ ];

$\Delta$  - to'yigan bug' bosimining nishabligi [ $\text{kPa } ^{\circ}\text{S}^{-1}$ ];

$\gamma$  - psixometrik doimiy qiymat [ $\text{kPa } ^{\circ}\text{S}^{-1}$ ];

$e_a$  - bug'ning xaqiqiy bosimi [ $\text{kPa}$ ];

$e_s$  - to'yigan bug' bosimi [ $\text{kPa}$ ];

$e_s - e_a$  - to'yigan bug' bosimining taqchilligi [ $\text{kPa}$ ].

Rossiyaning markaziy qoratuaproq yerlaridagi bog'larda o'tkazilgan tadqiqotlarida N.N.Dubenok, Ye.V.Yeryomin jami potensial bug'lanishni N.N.Ivanovning havo harorati va namligini hisobga oluvchi formulasi bo'yicha aniqlanadi:

$$E_0 = 0,0018 \cdot 0,8 \cdot (25 + t_1)^2 \cdot (100 - a_1) \quad (4)$$

by yerda:  $E$  - bug'lanish,  $\text{mm/ga}$ ;

$t$  - havoning o'rtacha harorati,  $^{\circ}\text{C}$ ;

$a$  - hisob davri uchun havoning nisbiy namligi, %.

Sug'orish me'yorining m hisobini A.N.Kostyakov formulasi bo'yicha namlanish maydonini hisobga olgan holda o'tkaziladi:

$$m_1 = 100 \cdot Sh_p \cdot p (W_{HB} - \beta W_{HB}) \quad (5)$$

by yerda:  $S$  - namlanayotgan maydon, umumiy birligi;  $\text{m}^2$

$h_p$  - tuproqning hisobli qatlami,  $\text{m}$ ;

$p$  - tuproqning o'rtacha hajm massasi,  $\text{t/m}^3$ ;

$W_{HB}$  - eng kam nam sig'imi, quruq tuproq massasiga nisbatan % da;

$\beta$  - tuproqning maqbul namligi qui chegarasiga muvofiq bo'lgan sug'orish oldi namligi umumiyl birlik koeffitsienti.

$$S = nw / S_{\text{yummuy}}$$

bu yerda:  $S_{\text{yummuy}}$  - maydoni,  $\text{m}^2$ ;

$n$  - maydondag'i tomizgichlar soni;

$w$  - bitta tomizgich bilan namlanadigan maydon,  $\text{m}^2$ .

Shuningdek, aerasiya zonasiga namlikning sizot suvlariidan kirib kelishi ham hisobga olingan (mm), chunki tajriba uchastkasida ularning sathi 3 m gacha o'zgaradi, bu yopiq drenaj ta'siri bilan shartlanadi:

$$\uparrow q_1 = E \cdot e^{-m(h-h_0)} \quad (7)$$

bu yerda:  $E$  - bug'lanuvchanlik,  $\text{mm}$ ;

$m$  -  $1,4 \text{ m}^3/\text{ga}$  teng bo'lgan koeffitsient;

$e$  - Neper soni;

$h, h_0$  - sizot suvlarining amaldagi va kritik chuqurligi,  $\text{m}$ .

Maydon suv bilan to'ldirilgandan so'ng polietilen pylonka bilan uning ustidan tuproq bilan yopib qo'yildi. Shundan so'ng uchinchi kundan boshlab namlikni aniqlash uchun har 10 sm qatlamda sizot sathigacha 5 qaytariqdan tuproq namunalari olindi. Tuproq namunalari olish namlik doimiy miqdorga yetguncha davom ettilidi. Namlikning doimiy ko'satkichi cheklangan dala nam sig'imi deb qabul qilindi. Cheklangan dala nam sig'imi aniqlash uchun tajribalar boshlash vaqtida maydonchalardan namunalar olindi hamda namlik miqdori aniqlandi.

Tomchilatib sug'orish tizimi o'simlikning suvgaga bo'lgan ehtiyojiga teng miqdordagi suvni g'o'zaning ildiz qatlamiga yetkazib berishga mo'ljallangan sug'orish tarmog'i. Tomchilatib sug'orishni boshqa sug'orish usullaridan farqi shundaki, suv ekinning ehtiyojiga mos ravishda dala bo'ylab bir tekisda beriladi. Dalaning ekin joylashgan joylari bir xilda namlanadi. Tomchilatib sug'orishda ekin ildiz qatlam namligi bir xilda ushlab turiladi va ekin hamma energiyani o'z hosilini yaratishga sarflaydi.

**Xulosa.** Intensiv bog'lardagi shaftoli daraxtlarni yetishtirishda turli xil sug'orish texnologiyalarini qo'llanilishi bo'yicha shunday xulosa qilish mumkinki, egatlab sug'orilgan bog'lardagi hosildorlik va hosilning pishish darajasi turliha ko'rinishda bo'lib, ularning ta'sir doirasiga nisbatan tomchilatib sug'orish texnologiyasi qo'llanilgan variantlarda nafaqat suv balki turli xilda resurslarning tejalishiga ham asos bo'ldi desak bo'ladi, yoqilg'i moylash xarajatlari, (qo'l mehnati) ishchi kuchi xarajatlarining ham sezilarli ravishda tejalishiga erishilib, navli shaftolidan yuqori va sifatlari hosil yetishtirilishi evaziga iqtisodiy samaradorlikning oshishiga ham erishilganligini alohida ta'kidlash lozim. Jumladan, Intensiv bog'lardagi shaftoliga tomizgichli shlangdan tomayotgan tomchidonlarning suv sarfini 3,0 l/soat suv berilganda 2023 yilda 62,4 %, 2024 yilda esa 64,7 %, tomchidonlarning suv sarfini 3,5 l/soat suv berilganda 2023 yilda 52,4 %, 2024 yilda esa 53,2 % ga, tomchidonlarning suv sarfini 3,9 l/soat suv berilganda 43,6 % va 41,4 % sug'orish suvlarini tejalganligini, shuningdek, intensiv bog'da qator oralariga o'tkazilgan ishlovlari sonining 2,3 baravar kam xarajatlari bo'lganligi hisobiga YoMMLari 40-45%, sug'orishlar avtomatshtirilganligi va qator oralariga ishlovlari soni evaziga suvchilarga to'lanadigan ish haqsi va boshqa mehnat xarajatlari 25-30 % ga tejalishiga erishilganligini alohida ta'kidlash lozim. Intensiv bog'dagi shaftoloni yetishtirish jarayonida egatlab sug'orish tizimi orqali sug'orilganda berilgan barcha resurslarga nisbatan, o'rtacha 65 % suvning iqtisod qilinishi, menral ug'itlar miqdorini 45 – 55 % ga kamaytirilgan holda sarflanishi, hosildorlik miqdori 35 – 45 % gacha oshganligi, yonilg'i moylash mahsulotlarining miqdori 40 – 45 % gacha kam sarflanishga erishilgan.

## ADABIYOTLAR

1. Butayarov A. T., Nazarov A. A. Scientific substantiation of technology of efficient use of water resources in irrigation of cotton //E3S Web of Conferences. – EDP Sciences, 2023. – Т. 401. – С. 05048.
2. Serikbaev B., Butayarov A. Operational responsibility and operational reliability of cotton drip irrigation systems //IOP Conference Series: Materials Science and Engineering. – IOP Publishing, 2020. – Т. 883. – №. 1. – С. 012037.
3. Butayarov A. T. Improvement of water use in farms in the territory of» Amu-Surkhan» ITSB //AGROILM» magazine special. – №. 4. – С. 60.
4. Butayarov A. T. Amu-Surxon //ITXB hududidagi fermer xo 'jaliklarida suvdan foydalanishni takomillashtirish.// "AGROILM" jurnali maxsus son. – Т. 4. – №. 60. – С. 79-81.
5. Serikbaev B., Butayarov A. Operational responsibility and operational reliability of cotton drip irrigation systems //IOP Conference Series: Materials Science and Engineering. – IOP Publishing, 2020. – Т. 883. – №. 1. – С. 012037.
6. Butayarov A. T. et al. Technology of efficient use of water in irrigated agriculture. Republican scientific-practical conference on the topic " Environmental problems of rational use of water and land resources in irrigated farming" Volume I //Tashkent. November. – 2017. – С. 24-25.
7. Serikbaev B. et al. Water circulation is the main factor of water savii in dry years //Water resources of Central Asia and their use" materis of the International Scientific and Practical Conference dedicati to summing up the results of the UN Decade" Water for Life" Almat Kazakhstan book. – 2016. – Т. 2. – С. 234-238.

**УОТ: 631.1:332**

## INNOVATSION TEKNOLOGIYALARDAN FOYDALANGAN HOLDA QISHLOQ XO'JALIGI YERLARI MONITORINGINI YURITISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH

**Akramov Islom Lukmanovich,**  
"O'zdavyerloyiha" DILI tadqiqotchisi,  
ORCID: 0009-0009-1574-1534  
**Abduraxmonov Sarvar Narzullayevich,**  
"TIQXMMI" MTU, t.f.f.d. (PhD), dotsent,  
ORCID: 0000-0001-9559-5614

**Annotatsiya.** Respublikamizda bugungi kunda olib borilayotgan islohotlarning asosi aholining turmush tarzini yaxshilashga qaratilgan bo'lib, bunda jamiyatning ijtimoiy-iqtisodiy ahvolini tubdan yaxshilash oliv maqsad qilib olingan. Mamlakat aholisini qishloq xo'jaligi mahsulotlari bilan ta'minlash uchun qishloq xo'jaligi yerlarini doimiy monitoringini tashkil qilish orqali erishish mumkin. Hozirda qishloq xo'jalik yerlarining monitoringi to'g'ri tashkil qilish maqsadida bir qancha usullardan foydalanilmogda. Ushbu maqolada innovatsion texnologiyalardan foydalanish orqali qishloq xo'jaligi yerlari monitoringini samarali tashkil etish masalalari yoritilgan.

**Kalit so'zlar.** Yer monitoringi, innovatsion texnologiyalar, dron, aqlli qishloq xo'jaligi, yer holati, yer fondi, GAT texnologiyalari, vaqt mahsulorligi, yer uchastkasi, tabiiy va antropogen omillar.

**Аннотация.** Основной целью реализуемых в нашей республике проектов является улучшение условий жизни населения, с целью улучшения социально-экономического положения общества. Можно наладить регулярный мониторинг лесных массивов, чтобы обеспечить жителям страны доступ к лесным ресурсам. В Хозире для мониторинга сельской местности используется ряд методов. В статье описывается успешная организация мониторинга сельских территорий с использованием инновационных технологий.

**Ключевые слова:** Мониторинг земель, инновационные технологии, дроны, умное сельское хозяйство, управление земельными ресурсами, земельный фонд, технологии GAT, производительность времени, земельный участок, природная и антропогенная среды.

**Abstract.** In our republic today, the social and economic life of the people is considered to be the best, and the socio-economic situation of the society is very good. It is possible to organize regular monitoring of agricultural land in order to provide the population of the country with agricultural products. In order to improve the monitoring of rural farmland in Kozir, several methods are used. In this article, the issues of organization of monitoring of agricultural land with the use of innovative technologies are discussed.

**Keywords.** Land monitoring, innovative technologies, drone, smart agriculture, land management, land fund, GAT technologies, time productivity, land plot, natural and anthropogenic waste.

**Kirish.** Qishloq xo'jalik yerlaridan samarali foydalanishni tashkil etishda zamonaviy GAT va dronlardan foydalanish orqali erishilmoqda. Bunday usullar dunyoning rivojlangan mamalakatlarda qo'llanilmoqda. Jumladan, AQSh, Gollandiya, Yaponiya, Koreya, Xitoy kabi davlatlarda bu sohada zamonaviy usullar va texnologiyalardan foydalanilmoqda. Buna yerlarning monitoringi va qishloq xo'jaligi yerlarining raqamli kartalarini tuzish uchun foydalanishmoqda.

Yerlarni masofadan turib tadqiq qilishda va turli yangi iqtisodiy tarmoqlarni tashkil etishda uchuvchisiz uchish qurilmalaridan foydalanish amaliyotga keng joriy qilinmoqda. Bugungi kunda, GATdan va dronlardan foydalanish orqali qishloq xo'jalik yerlarining yer hisobini yuritish aniqligi oshirilmoqda. Asosiyi qishloq xo'jalik yerlari monitoringini olib borish yuzasidan davlatimiz tomonidan qabul qilingan qonun hujjatlari talablarini bajarilishda hamda qishloq xo'jaligi sohalarini barqaror rivojlanishiga ijobji ta'sir ko'rsatadi [5].

Yer monitoringini to'g'ri tashkil etishda zamonaviy usullardan foydalanish qishloq xo'jaligini rivojlanitarish va iqtisodiy ko'rsatkichlarning o'sishiga yordam beradi. Rossiya, Eron, Qozog'iston, Hindiston kabi davlatlar yer monitoringi bo'yicha ma'lumotlarni olish va qayta ishslashga mo'ljallangan yangi axborot texnologiyalar tizimini yaratib, ishlab chiqarishga joriy etgan. Insoniyat tarixi davomida 2 milliarddan ortiq unumdon tuproqli yerlar yaroqsiz holga kelgan. Har yili sayyoramizdagagi qishloq xo'jaligi uchun yaroqli 5-7 million hektar yer maydoni sho'r bosadi va yemirilishga uchraydi. Tuproqlarda chirindi miqdori 30-50 foizgacha kamayadi, 2 million hektardan ortiq yer eroziyaga uchraydi. O'zbekistonda ham shunday yerlar mavjud bo'lib, ular Farg'on'a, Surxondaryo, Qashqdaryo viloyatlarida keng tarqalgan.

Tadqiqot obyekti hududidagi Bo'ka tumani qismida joylashgan bo'lib, 1943-yil 18-mayda tashkil etilgan. Tuman shimoliy-g'arbda Oqqo'rg'on, shimoli-sharqda Piskent, janubda Bekobod tumanlari, g'arbda Sirdaryo viloyatining Oqoltin va Guliston tumanlari, sharqa esa Tojikiston Respublikasi bilan chegaradosh. Tumanning umumiy maydoni 59 000 hektarni tashkil etadi.

Tadqiqot davomida qishloq xo'jalik yerlaridan samarali foydalanish uchun quyidagi natijaviyliklar kutilmoqda:

- aholining tajribasi, sharoiti va hohishini inobatga olgan holda ekin turlarini ekishni rejalashtirishni yo'lg'a qo'yish;

- ekinlarni joylashtirishda hududdagi tuproq va iqlim sharoitlarini inobatga olgan holda ekin turlarini tanlashni yo'lg'a qo'yish;

- ekin ekilgandan to hosil olgunga qadar talab qilinadigan o'g'it va o'simliklarni himoya qilish vositalaridan foydalanishni doimiy nazorat tizimini samarali tashkil qilish;

- yer uchastkalaridan kutilayotgan qishloq xo'jaligi maxsulotlarini sotishni va oldindan avans to'lovlanmi olishni kafolatlovchi shartnomalar tuzish tizimini takomillashtirish.

Hududlardagi soha mutaxassislari bilan yerdan foydalanuvchilar o'tasidagi doimiy fikr almashishni yo'lg'a qo'yan holda amalga oshirish ijobjiy samara beradi. Bunda, qishloq xo'jaligi yerlaridan to'g'ri va samarali foydalanish yerlarning holatini hamda undagi ekinlar holatini doimiy nazorati ko'zda tutiladi. Keltirilgan masalalarni ijobjiy hal qilishda zamonaviy geoaxborot tizim va texnologiyalaridan foydalanish ijobjiy natijalar beradi [6].

Qishloq xo'jaligi yerlarini monitoring qilish, belgilangan hududlarning aerokosmiksuratlarini asosida olingan kartografik materiallarini olish imkoniyati yaratiladi. Bunda yer ma'lumotlarini tahlil qilish orqali mavjud yer va uning real vaqtidagi holatini monitoring qilish imkoniyati yaratiladi. Shu bilan bir qatorda qishloq xo'jaligi yerlari monitoringini yuritishda zamonaviy texnologiyalardan foydalanish ishchi kuchi va moliyaviy resurslarni tejash bilan bir qatorda yuqori aniqlikdagi ma'lumotlarga ega bo'lish imkoniyatini ham beradi.

**Natijalar va munozara.** Aholining doimiy o'sishi qishloq xo'jaligi mahsulotlariga ehtiyojni oshirishi tabiiy. Shuni inobatga olgan holda zamonaviy metodlar asosida olingan ma'lumotlar tahlili yillar davomida qishloq xo'jaligi yerlaridagi o'zgarishlarni va bugungi holatini hamda prognoz ma'lumotlarining aniqliagini yuqori bo'lishini ta'minlaydi. Qishloq xo'jaligi mahsulotlariga bo'lgan ehtiyojni qondirishdagi omillar - foydalanuvchalar qishloq xo'jaligiga mo'ljallangan yer maydonlarini boshqa yer turlariga o'tkazilishidagi muammoli vaziyatlariga yechimlarni topishda ham

innovatsion metodlardan foydalanishga qaratilgan.

Yer turlari bo'yicha to'liq ma'lumot olish va yer monitoringini yuqori aniqlikda olib borish uchun zamonaliv texnologiyalardan foydalanish samarali hisoblanadi. Mamlakatimizda "Aqlli qishloq xo'jaligi" texnologiyalarini rivojlantirish strategiyasi, "O'zbekiston Respublikasi qishloq xo'jaligini rivojlantirishning 2020 - 2030 yillarga mo'ljallangan strategiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi PF-5853-sonli Farmon, "Raqamli O'zbekiston - 2030" strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora tadbirlari to'g'risida"gi PF-6079-son Farmonlari, "Raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni keng joriy etish chora - tadbirlari to'g'risida" PQ-4699-son Qarorlari ijrosini ta'minlash maqsadida bugungi kunda bir qancha ishlar amalaga oshirilmoqda [2, 3, 4].

Qishloq xo'jaligining ArcGISda yerlarning monitoringini yuritish bo'yicha elektron kartasini yaratish uchun raqamli kartalarni tuzish texnologiyasini ishlab chiqish talab etiladi. GAT asosida qishloq xo'jaligi yerlari kartalarini tuzishda maxsus texnologik sxemasi quyidagi bosqichdan iborat (1-rasm):

- ma'lumotlar manbalari yig'iladi. Bunda hududning sputnik ma'lumotlari va dronlarda olingen ma'lumotlari va 1: 10 000 mashtabli topografik kartasi;
- hududning 1: 10 000 mashtabli kartasi elektron

shaklga o'tkaziladi. Qishloq xo'jaligi yerlari ma'lumotlari maxsus grafik dasturlar asosida GATga import qilinadi;


- dronda olingen ma'lumotlarni Agisoft Metashape dasturi yordamida qayta ishlanadi;

- kompyuterga yuklangan karta va planlar transformatsiya qilinadi, konturlar asosida qishloq xo'jaligi yerlarining chegaralari aniqlanadi;

- SAS Planeta dasturi yordamida olingen ma'lumotlar orqali ArcGIS dasturida natijaviy raqamli kartalar tuzish;

- hududning uch o'lchamli (3D) modellarini yaratish;

Tadqiqot obyektida yer fondidan foydalanish holati va dinamikasi oO'zbekiston Respublikasi Toshkent viloyati 1938 yil 15 yanvarda tashkil topgan. Shimoliy va shimoli-g'arbdan Qozog'iston Respublikasi, shimoli-sharqdan Qirg'iziston Respublikasi, sharqdan Namangan viloyati, janubidan Tojikiston Respublikasi, janubi-g'arbdan Sirdaryo viloyati bilan chegaradosh. Toshkent viloyatining umumiyy hisobdag'i yer maydoni 1,515 ming.gektarni o'z ichiga oladi. Viloyat 15 ta ma'muriy tumandani tarkib topgan bo'lib (Oqqo'rg'on, Ohangaron, Bekobod, Bo'stonliq, Bo'ka, Quyi Chirchiq, Zangiota, Yuqori Chirchiq, Qibray, Parkent, Piskent, O'rta Chirchiq, Chinoz, Toshkent, Yangiyo'l), 7 shahar (Angren, Olmaliq, Ohangaron, Chirchiq, Yangiyo'l, Nurafshon, Bekobod). Aholisi (Toshkent shahri aholisisiz) 2,9 mln. kishidan ziyod.



1-rasm. Toshkent viloyati Bo'ka tumani dagi Baxmal massivi qishloq xo'jaligi yerlarining elektron kartasi.

Tegishli tashkilotlar ko'rsatmalari asosida tuzilgan qishloq xo'jaligi elektron kartalari hududlardagi qishloq xo'jaligiga mo'ljallangan yerlarni monitoring qilishda asosiy vizual tahlil qilish imkoniyatini beradi. Tadqiqot obyekti yerlarining elektron kartasi ArsGIS dasturi asosida yaratildi.

Umuman olganda, qishloq xo'jaligi yerlarining monitoringini innovatsion texnologiyalar yordamida yuritish barqaror rivojlanish strategiyasining ajralmas qismi bo'lib, oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlash va qishloq xo'jaligi samaradorligini oshirishda muhim rol o'yinaydi.

Shunday qilib, qishloq xo'jaligi yerlaridan foydalanish monitoringini takomillashtirishning uslubiy-texnik asoslarini ishlab chiqishda quyidagi aniq choralarни amaliy bajarish tavsiya etiladi:

**birinchidan**, qishloq xo'jaligi yerlarining hisobi va monitoringini yuritishda zamonaviy geografik axborot tizimlari va uchuvchisiz uchish qurilmalari - dronlardan foydalanan imkoniyatlari yaratish zarur;


**ikkinchidan**, kishloq xo'jaligida uchuvchisiz uchish qurilmalri dronlardan foydalanimlib xo'jaliklarning monitoringi olib borilishi yerlarning chegaralarini, hozirgi kundagi ahvoli, yerdan boshqa maqsadlarda foydalaniyatgan xo'jaliklarini aniqlash, qishloq xo'jaligidagi ekinlarining qanday ahvoldaligini kuzatishda o'zining yuqori aniqligini ko'rsatdi;

**uchinchidan**, olib borilgan maqsadli ilmiy izlanishlar natijasida ma'lum qishloq xo'jaligi yerlarining elektron raqamli kartalarini yaratish masalalarini amaliy hal etishda eng qulay va tezkor usul-bu ArcGIS dasturidir;

**to'rtinchidan**, zamonaviy GAT lari asosida qishloq xo'jaligi yerlarining raqamli kartalarini yaratish jarayonidagi asosiy omillar o'rganildi va besh bosqichdan iborat maxsus texnologik sxema ishlab chiqildi va ishlab chiqilgan maxsus besh bosqichli texnologik sxema asosida mavzu obyekti bo'yicha Toshkent viloyati Bo'ka tumanidagi Baxmal massivi va Mirzo Ulug'bek massivi qishloq xo'jaligi yerlarining elektron kartasi ArcGIS dasturi asosida yaratildi.

**beshinchidan**, qishloq xo'jaligi yerlarining raqamli kartalarini yaratish va yuritish jarayonida "SASPlaneta" dasturi ulkan imkoniyatlarga ega. U internet tarmog'iga bog'langan holda sun'iy yo'l doshlardan olingen suratlarni maschtsabga ko'ra "cesh" xotiraga yuklab olish, obyektlarning chegaralari va ular o'tasidagi masofalarni o'lchash imkoniyatlarni beruvchi platformani ishlab chiqish zarur deb hisoblaymiz.

Qishloq xo'jaligi yerlarini monitoring qilishda ishlab chiqarilayotgan zamonaviy texnologiyalarni qo'llash va uchuvchisiz uchish qurilmalaridan foydalanan keng targ'ib qilinmoqda. Masalan, agar yer monitoringini o'tkazishda kvadrokopter uchuvchisiz uchish qurilmalardan foydalansak, 100 hektar maydonda kuzatuv



2-rasm. Qishloq xo'jaligi yerlari monitoringini tashkil etishni jadallashtirish (qora rangdag'i amalidagi monitoring, qizil rangda taklif etilayotgan monitoring)

ishlarini ikki soatda amalga oshiriladi. Avvallari esa bu ishlar uchun an'anaviy usulda ko'p vaqt sarflanardi. Tadqiqot davomida qishloq xo'jaligida innovatsion texnologiyalardan foydalanish unumdonlikni oshirish, ekinlar rivojini kuzatib borish va har bir qarich yerdan samarali foydalanishga olib kelishi haqida tavsiyalar berildi. Bu, o'z navbatida, yer resurslarini yanada samarali boshqarish va tabiiy resurslardan oqilona foydalanishni ta'minlaydi (2-rasm).

Yuqoridagi fikr va mulohazalarga asoslanib, O'zbekiston Respublikasi qishloq xo'jaligi yerlar monitoringini tashkil etishni jadallashtirish, innovatsion texnologiyalarni samarali qo'llash va hukumat tomonidan bu borada belgilangan vazifalarni o'z vaqtida bajarish ushbu mavzuning asosiy mazmunini tashkil etadi. Innovatsion texnologiyalarni, xususan, uchuvchisiz uchish qurilmalari va masofadan zondlash usullarini qo'llash, yer monitoringining samaradorligini oshiradi, unumdon yerlarni himoya qilish va erozion jarayonlarni oldini olishga yordam beradi. Bularning barchasi, o'z navbatida, O'zbekistonning qishloq xo'jaligi sektorini barqaror rivojlantirish, yer resurslarini samarali boshqarish va atrof-muhitni muhofaza qilishga olib keladi.

Innovatsion texnologiyalarni yer monitoringida qo'llashning natijalariga quyidagilar kiradi:

Mehnat unumdonligi, vaqt tejalishi, yuqori darajadagi sifat, ma'lumotlarni avtomatik qayta ishlash, yer maydonlarini umumiyligi va uzlusiz nazorati, yerlarni mutazam xatlovdan o'tkazish, yuqori aniqlik, ishchi kuchi kamayishi.

Mazkur tadqiqotlar asosan tuproqning tarkibiy jihatdan monitoringi va sug'oriladigan yerlar monitoringini yuritishga alohida e'tibor qaratilgan. Biroq, aynan qishloq xo'jaligi yerlarining monitoringini miqdoriy jihatdan yuritish va uni takomillashtirish

masalalari bugungi kunga qadar o'z ilmiy yechimini topmagan.

Demak, qishloq xo'jaligi yer maydonlarining monitoringini yuritish bo'yicha aniq uslubiy tartib ishlab chiqilishi zarur. Har bir qishloq xo'jaligi yer turi bo'yicha monitoringni tashkil etish, faqatgina yerlarning aniq hisobini yuritish va ulardan samarali foydalanishni ta'minlashga imkon beradi. Bu jarayonni amalga oshirish uchun xorijiy davlatlarning tajribalarini o'rGANISH va ularni o'z qishloq xo'jaligi tizimimizda qo'llash muhim ahamiyatga ega.

**Xulosa.** Innovatsion texnologiyalardan foydalangan holda qishloq xo'jaligi yerlarning monitoringini yuritish ushbu resurslardan samarali foydalanish va ularning ekologik holatini yaxshilash imkonini beradi. Zamonaviy texnologiyalar, jumladan, sun'iy yo'dosh tasvirlari, dronlar, GPS tizimlari, IoT qurilmalari va big data tahlili orqali yerlarning unumdonligi, namlik darajasi, sho'rланishi, eroziya xavfi va boshqa muhim parametrlar aniq baholanadi.

Bunday yondashuv qishloq xo'jaligi jarayonlarini avtomatlashirish, aniq dehqonchilik usullarini joriy etish va agrotexnik tadbirlarni optimal rejalashtirish imkonini beradi. Natijada, suv va o'g'it sarfini kamaytirish, hosildorlikni oshirish, tuproqning degradasiyasini oldini olish hamda ekologik muvozanatni saqlashga erishiladi.

Shuningdek, innovatsion texnologiyalar asosida olib boriladigan monitoring qishloq xo'jaligi sohasida raqamlashtirish jarayonlarini jadallashtiradi, fermer va agroxizmat ko'sratuvchi tashkilotlar uchun aniq tahliliy ma'lumotlarni taqdim etadi. Bu esa ilmiy asoslangan qarorlarni qabul qilishni osonlashtiradi va yer resurslaridan uzoq muddatli samarali foydalanishni ta'minlaydi.

## ADABIYOTLAR

1. O'zbekiston Respublikasi Yer kodeksi. – Toshkent: Adolat, 2021-y.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasi qishloq xo'jaligini rivojlantirishning 2020-2030-yillarga mo'ljallangan strategiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi PF-5853-sonli Farmoni.
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Raqamli O'zbekiston - 2030" strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora tadbirlari to'g'risida"gi PF-6079-son Farmoni.
4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni keng joriy etish chora - tadbirlari to'g'risida" PQ-4699-son qarori.
5. Qodirov M., Karimov X. "Yer tuzish va yer monitoringi asoslari". – Toshkent: Fan va texnologiya, 2019.
6. Abdullayev A., Jo'raev O. "Yer tuzish jarayonida zamonaviy texnologiyalardan foydalanish". – Toshkent: Iqtisodiyot, 2022.
7. Yusupov R., Xolmatov B. "Geoinformatsion tizimlar va ularning qishloq xo'jaligidagi ahamiyati". – Samarqand: SamDU nashriyoti, 2020.
8. FAO (Birlashgan Millatlar Tashkiloti Oziq-ovqat va qishloq xo'jaligi tashkiloti) "Yer monitoringi va tuproq resurslarini boshqarish". – Roma, 2018.
9. Raxmonov Q.R. "Yer monitoringi" / o'quv qo'llanma – Toshkent 2008. – B. 155.
10. O'zbekiston Respublikasi Davlat Kadastro agentligi rasmiy sayti: HYPERLINK «<http://www.cadastre.uz>» It «\_new»
11. FAO rasmiy sayti: HYPERLINK «<http://www.fao.org>» It «\_new»



# Ҳақгүй инсоннинг ишратми ўйли

*Жиззах ва Сирдарё вилоятлари қишлоқ хўжалиги ривожисида Илҳом Умрзоқовнинг ўз ўрни ва салмоқли ҳиссаси бор. Меҳнат фаолиятини 1968 йилда Зомин туманидаги давлат хўжалигида бригада бошлиғи ёрдамчиси сифатида бошлаган бу инсоннинг бутун умри аграр соҳа билан чамбарчас боғланаб кетган.*

25 ёшида Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини тамомлаган ёш мутахассисининг фаолияти шиддат билан ривожланди. Олийгоҳдан кейин бир йил Зомин тумани қишлоқ хўжалиги бўлимидаги ҳосилот бўлиб ишлади. Салоҳияти, ишчанлиги, зиммасидаги вазифаларни вижданон ва сидқидилдан бажариш қобилияти эътиборга тушди. 26 ёшли навқирон йигит Жиззах чўлида илк бора ташкил топган совхозлардан бирiga директор этиб тайинланди.

И. Умрзоқовнинг раҳбарлик, ташкилотчилик, одамлар билан ишлай билиш каби хусусиятлари Зомин ва Арнасой туманлари ёшлар иттифоқи ва партия ташкилотларидағи фаолияти даврида яна ҳам тобланди.

Истиқоллининг дастлабки йилларида Зарборд тумани ҳоким сифатида ишлаб, кўпина соҳада оқсаб келаётган ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан илғорлар сафига қўшилишига бош бўлгани, унга вилоят ижро ҳокимияти ва ҳокимлигидаги масъул вазифалар ишониб топширилгани ҳам божиз эмас.

Орта қолган ярим аср давомида бу инсон билан ёнма-ён ишлаганлар ҳам, хизмат ваколати доирасида унга рўпара бўлганлар ҳам уни тўғрисиз, адопатпарвар, соҳири-юзочири бир, яхши маънода чўрткесар эканлигини эътироф этишади.

Мана, ана шу хислатлар намоён бўлган бир факт.

— Ўтган асрнинг 80-йилларида “ўзбеклар иши”, “рашидовчилик”, “пахта иши” деган ўйдирмалар билан ҳалқимиз бошига катта қулфатлар тушди, — дейди Жиззах вилояти касаба уюшмалари Кенгаши раиси Нурратишило Пардаев. — Шу оғбат менинг фаолиятимга ҳам таъсир қилди: ишсиз қолдим. Шунда, “масалам” муҳокама қилинган ишғилишда Илҳом Умрзоқов сўз олди, кимлигим, айбисизлигим ҳақида рўйи-рост гапирди. Воҳанинг обрўли инсонларидан бирининг бу жасурлиги натижасида ҳақиқат қарор топди, ишга қайта тикландим.

Ҳали осмонда Гдлян ва Ивановлар “қиличи” чарх уриб турган бир пайтда жазм қилиб, айбисиз “айбдор”ни ҳимоя қилиш осон бўлмаган. Ваҳоланки, “ҳимоячи” бу билан нафакат “айбдор”, балки ўз бошига ҳам кутилмаган балоларни чақириши ҳеч гап эмас эди.

Бугун ана шу инсон куттулғ 75 ёшни қаршиламоқда.

Тенгдошлари аллақачон бамайлихотир, невара-чеваралар қуршовида ёки чойхонада “мазза” қилиб ўтирган бир пайтда, кимдир қидирса, Илҳом акани даладан топади. У кишининг расмий лавозими — Ўзбекистон Республикаси Ўсимзилклар карантини ва ҳимояси агентлиги Жиззах вилояти чигиртка ва тут парвонасига қарши кураш хизмати бошлиғи.

— Бугун Жиззахда 9 минг нафар атрофидиа фермер бор, — дейди Жиззах вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси мутахассиси Санақул Анқаев. — Ўзим гувоҳ бўлганман, кунига Илҳом аканинг кўл телефонига ана шу фермерлардан 100 дан ортиқ қўнғироқ келиб тушади. Улар экин-тикинида юз берадиган ўзгаришлар, кўзга ташланадиган қаслилар, ривожидаги сустликка қарши қандай курашиш борасида йўл-йўриқ сўрашади. Соҳа билимдони эринмайди, ҳар битта мурожсаатга атрофлича, батифсил муносабат билдиради.

Ҳа, тажриба ва кўнкимлари улкан, ёрдам-у, маслаҳат сўраб ёнига келганларни ҳеч қачон умидсиз қилмаган инсон ҳамон сафда. Ҳавас қилишга арзигулик гайрату-шижоати билан барчага ўрнак бўлмоқда.

**Худойберди КАРИМОВ,**  
ўз мухбиримиз.

# O'ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

agrар-iqtisodiy,  
ilmiy-ommabop jurnal

## СЕЛЬСКОЕ И ВОДНОЕ ХОЗЯЙСТВО УЗБЕКИСТАНА

аграрно-экономический,  
научно-популярный журнал

### Muassislar:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
QISHLOQ XO'JALIGI VA SUV XO'JALIGI  
VАЗИРЛИКЛАРИ

### Bosh muharrir:

Tohir DOLIYEV

### Tahrir hay`ati:

Ibrohim ABDURAHMONOV

Shavkat XAMRAYEV

Anvar TO'YCHIYEV

Ravshan MAMUTOV

Abrol VAXOBOV

Bahrom NORQOBILOV

Nizomiddin BAKIROV

Shuhrat TESHAYEV

Bahodir MIRZAYEV

Ravshanbek SIDDIQOV

Mirziyod MIRSAIDOV

Baxtiyor KARIMOV

Ibrohim ERGASHEV

2025-yil, may №5.

Jurnal 1906-yil yanvardan  
chiqa boshlagan.

Obuna indeksi 895

Jurnaldan materiallar ko'chirib  
olinganda "O'zbekiston qishloq  
va suv xo'jaligi" jurnalidan  
olindi, deb ko'rsatilishi shart.

## MUNDARIJA

A.ЎРАЗКЕЛДИЕВ. Йоз ёшли илмий даргох .....	1
М.МУХАММЕДОВА. Мақсад — сув ресурсларидан самарали ва адолатли фойдаланиш .....	3
Сугурта дэхқон маддакорига айланади .....	5
Сув сероб деб ўйламанг .....	6
Ш.НОРМУРОДОВ. Асосий мақсад: тежамкорлик .....	8
Д.ЁРМАТОВА. Ёмғир ва кор сувлари бебаҳо хазина .....	10
Ш.ОТАЖОНОВ, И.КАРАБАЕВ. Хорижий гўза навларини парваришлашда нималарга аҳамият берни лозим? .....	12
Р.СИДДИҚОВ. Май — ҳосил тақдири ҳал бўладиган ой .....	15
А.АМИНОВ. Замонавий ресурстежкамкор техникалар имкониятларидан тўлаконли фойдалана оляпмизми? .....	18
С.АЛИКУЛОВ, Б.ХАКИМОВ. Фалла ўрши комбайнидан мақсади фойдаланиш — ҳосил сифатини ошириш ва исроғарчилигини камайтириш манбани .....	20
Т.МАМАТҚУЛОВ, А.ХОЛДОРОВ. Ҳосил баракаси шу ойдаги тадбирларга боғлиқ .....	22
Хоразмилар замонавий сугориш усулларига ўтмоқда .....	23
О.АМАНОВ, Ш.ДИЛМУРОДОВ. Тўғри уруглик танлови кейнинг йил ҳосили гарови .....	24
Х.АБДУЛЛАЕВА. Баҳор бөгбонлар учун мухим палла .....	28
Р.НИЗОМОВ, Р.ХАКИМОВ, Ф.РАСУЛОВ. Полиз экинларини етиштириш .....	30
Е.ТОРЕНИЯЗОВ. Ҳосилни зааркундалардан химоя килиш бутундан бошланади .....	33
О.ТЎРАЕВ, Д.ЖЎРАЕВА, Т.АХМЕДОВ, Ш.ШОҲНАЗАРОВА, Х.ЭШМУРОДОВА. Асаларини кимёвий заҳарли моддалардан асрарлик! .....	35
Ислоҳот ва имкониятлар янги тарақкӣ заминидир .....	37
Чорвачиликда Япония билан ҳамкорлик .....	38
Пилла мавсуми кизғин ўтмоқда .....	39
З.НОВИЦКИЙ. Зеленый щит осушенного дна Арала .....	40
Т.ОСТОНАҚУЛОВ, С.ТОШПУЛАТОВА, Ф.ТУРСУНОВ. Эртаги картошка тезпишар ва ўртатезпишар навлар тўпламишин ўсиши, барг сатҳи ва пайкалнинг фотосинтетик потенциали .....	43
М.АБДУҒАНИЕВА, И.АБДУЛЛАЕВ. Кунгабокар навларининг барг сатҳига ургу экши тизими ва маъданли ўғитлар билан озиқлантириш мебъёрларининг тасъири .....	46
Z.ILYOSOV, M.ABDINAKIMOVA, D.NOJIYEVA. Tuxum yo'nalishidagi tovuqlar go'shti sifatiga innoprovet probiotigining ta'sirini veterinariya sanitariya jihatidan baholash .....	50
С.УМАРОВ, Х.ДЖАББОРОВ. Исикк ҳаво билан турли юкори ҳарорат режимларида ва давомийликда пиллаларга ишлов берни жараёнида булганган намлик микдорини аниқлаш .....	53
O'TO'RAEV. Intensiv bog'larning suv iste'molini aniqlashning hisobiy usullari .....	55
LAKRAMOV, S.ABDURAXMONOV. Innovatsion texnologiyalardan foydalangan holda qishloq xo'jaligi yerlari monitoringini yuritish samaradorligini oshirish .....	58
X.КАРИМОВ. Ҳақгўй инсоннинг ибратли йўли .....	63

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2019-yil 10-yanvarda 0158-raqam bilan qayta ro'yxatga olingan.

Manzilimiz: 100004, Toshkent sh., Shayxontohur t., A.Navoiy k., 44-uy.

Tel.: +998 71 242-13-54,  
+998 93 500-54-99,  
+998 90 946-22-42.

Veb sayt: qxjurnaluz  
E-mail: qxjurnal@mail.ru  
Telegram: qxjurnal\_uz  
Facebook: qxjurnal

Bosmaga topshirildi: 2025-yil 3-may.  
Ofset usulida chop etildi.

Qog'oz bichimi 70x100 1/16.

Sharqli bosma tabog'i - 5,5.

Nashr bosma tabog'i - 1,31.

Buyurtma: №7. Nusxasi 1100 dona.

«HIOL MEDIA» MCHJ  
matbaa bo'limida chop etildi.

Korxona manzili: Toshkent shahri,  
Uchtepa tumani, Sharaf va To'qimachi  
ko'chalarini kesishuvni.

Navbatchi muharrir - A.TAIROV  
Dizayner - U.MAMAJONOV

## ВЕТЕРИНАРИЯ

### ЧОРВАЧИЛИК ТАРМОГИДА ҚАМЯРБАСТА

Жаҳонда озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи долзарб аҳамият касб этаётган бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигига амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, тармоққа оид қонун хўжатларининг такомиллаштириб борилаётгани соҳанинг янада тараққий этишига, пировардида аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан янада тўйликроқ таъминлашга хизмат қилмоқда.

Аграр соҳанинг муҳим тармоқларидан бирни чорвачиликни ривожлантиришда ҳайвонлар қасликлари, уларнинг тарқалиш хавфидан химоя қилиш борасида хизмат қилаётган ветеринарларнинг ўрни бекиёс. Ромитан туманида ҳам ҳозирга кунда 135 мингга яқин қорамол мавжуд бўлиб, уларга туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими мутахассислари томонидан ветеринария хизмати кўрсатиб келинмоқда.



**Суратда: Ромитан туман ветеринария бўлими ходимлари**

— *Туманимизда вилоят Ветеринария бошқармаси томонидан Ромитан тумани бўйича эпизоотик тадбирларни режаси тузилган бўлиб, утуман ҳокими томонидан тасдиқланган. Шу асосда 24 нафар ветеринаримиз томонидан тегишли вазифалар ойма-ой бажариб келинмоқда. Бугунги яна бир муҳим вазифамиз чорва бош сонини кўпайтириш, мавқуд қорамоллар наслини яхшилашдан иборат, — дейди туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Яшин Ражсабов.*

Дарҳақиқат, бу каби амалий ишларнинг ҳаётга татбиқ этилиши аҳоли фаровонлигини янада юксалтиришда, аҳолига доимий даромад манбаларини яратиб беришида, асосийси, озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлади. Зоро, жаҳон ҳамжамиятида янги Ўзбекистоннинг жозибадор имижини белгилаётган восита – “инсон қадри учун” тамоилии ҳам фуқаролар соғлиғи ва ҳаётини яхшилаш, уларнинг фаровонлигини оширишга асосланади.

**Ўз муҳбиримиз.**

Бу борада вилоятнинг Пешку туманида ҳам озиқ-овқат дастурининг муҳим тармоғи хисобланган гўшт, сут маҳсулотлари етиштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинняпти. Туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими томонидан тақдим этилган маълумотга кўра, 2025 йилнинг ҳозирги ҳолатига кўра туманда 132 минг бош йирик шохли қорамол мавжуд бўлиб, шундан сигирлар 42 минг 500 бошни ташкил этади.



**Суратда: Пешку туман ветеринария бўлими ходимлари**

— *Туманимизда қорамоллар наслини яхшилаш, аҳоли ва фермер хўжасаликлари ҳисобидағи сигирларни сунъий уруғлантиришга мўлжалланган, барча маҳсус воситалар билан жиҳозланган 12 та ветеринария участкамиз фаолият олиб бормоқда, — дейди туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Завқиддин Курбонов.*

**LIZING  
KREDIT**



## Mercedes-Benz Uzbekistonda

«SARDOR AVTO INVEST» DM  
Toshkentdagi rasmiy diler | Тел.: 78 150 13 60



[www.mercedes-tashkent.uz](http://www.mercedes-tashkent.uz)



**CHANGAN LABO  
PUL TOPAR MASHINALAR**

**LIZING  
KREDIT**



**“SARDOR AVTO INVEST” TOSHKENTDAGI RASMIY DILER  
(78) 148 09 11, (90) 174 09 11**

[www.sardor-avto.uz](http://www.sardor-avto.uz)

MAHSULOT SERTIFIKATLANGAN